

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ**

**МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ
ХОДИМЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШ РЕСПУБЛИКА ЎҚУВ-МЕТОДИКА МАРКАЗИ**

**«МИЛЛИЙ ҒОЯ ВА МАЪНАВИЯТ
АСОСЛАРИ»**

фанини ўрганиш модули бўйича

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА

Тошкент – 2016

«Миллий ғоя ва маънавият асослари» фанини ўрганиш модули бўйича Ўқув-услубий мажмуа. – Тошкент: МТМХҚТУМОРЎММ, 2016. – 110-бет.

Ушбу ўқув-услубий мажмуа мактабгача таълимга қўйиладиган Давлат талаблари ва ўқув дастури асосида тайёрланган бўлиб, унда «Миллий ғоя ва маънавият асослари» фанидан маъруза ва амалий машғулотларни ўрганиш модули юзасидан мактабгача таълим муассасалари мудирлари, методистлари, тарбиячилари, дефектологлари ва психологларининг малакасини ошириш курслари мутахассисликлари учун Давлат талаблари, ўқув дастури, таълим технологияси, кўргазмали тақдимот слайдлари, савол-жавоблар, тест саволлари ва маърузаларда келтирилган атамаларнинг глоссарийси жамланган.

Мазкур ўқув-услубий мажмуа мактабгача таълим муассасалари педагог ходимлари учун тавсия этилади. Шу билан бирга ўқув-услубий мажмуадан ўқитувчилар, илмий ходимлар, катта илмий ходим ва мустақил изланувчилар ва республикамизда мактабгача таълим тизимида педагогик технологияларни жорий қилиш юзасидан амалга оширилаётган жараёнларга қизиқувчилар фойдаланишлари мумкин.

Ўқув-услубий мажмуа юзасидан фикр-мулоҳазаларингизни **mtm markaz@inbox.uz**, **mtm markaz@xtv.uz** электрон почта манзилимизга юборишингиз мумкин.

Тузувчи муаллиф (ёки муаллифлар):

Д.М.Маматқулов – Мактабгача таълим муассасалари ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш Республика ўқув-методика маркази ўқитувчиси

Такризчилар (ташқи ва ички такризчилар бўлиши шарт):

- Ў.М.Мавланов** – А.Авлоний номидаги ХТХҚТМОМИ “Маънавият асослари” кафедраси мудир, т.ф.д.
- М.Файзуллаева** – Мактабгача таълим муассасалари ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш Республика ўқув-методика маркази ўқитувчиси

Ўқув-услубий мажмуа Мактабгача таълим муассасалари ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш Республика ўқув-методика маркази Илмий-методика кенгашининг 2016 йил “___” _____ - сонли қарорига мувофиқ фойдаланишга тавсия этилган.

Ў Қ У В – У С Л У Б И Й М А Ж М У А
М У Н Д А Р И Ж А

	<i>Саҳифа</i>
Сўз боши	4
Мактабгача таълимга қўйиладиган Давлат талаблари («Миллий ғоя ва маънавият асослари» фани бўйича)	8
«Миллий ғоя ва маънавият асослари» фани ўқув дастури.....	10
«Миллий ғоя ва маънавият асослари» фанидан маъруза машғулотлари бўйича таълим технологиялари ишланмалари	17
«Миллий ғоя ва маънавият асослари» фанидан амалий машғулотлари бўйича таълим технологиялари ишланмалари	54
Кўргазмали такдимот слайдлари	76
Савол-жавоблар	81
Тест саволлари	84
Глоссарийси.....	94
Хулоса	107
Фойдаланилган адабиётлар ва интернет Веб-сайтлари рўйхати	108
Компакт диск	110
(ўқув-услубий мажмуа, такдимотларнинг электрон вариантлари илова қилинади. Диск мажмуанинг орқа муқовасига конверт ёрдамида тикилади)	

СЎЗ БОШИ

Бугунги кунда миллий ғоя ва маънавият тарғиботи масаласи табора долзарлашиб бормоқда. Негаки, эндиликда ядро майдонларида эмас, балки мафкура майдонларида бўлаётган курашлар кўп нарсани ҳал қилмоқда. Ҳозирда муайян сиёсий марказлар ўз мақсадларига эришиш учун аввало забт этмоқчи, ўз таъсир доирасига олмоқчи бўлган мамлакатлар аҳолисининг онгини ўзига қарам қилишга интилаётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Шу боисдан мафкура дунёси ва кишилар маънавиятида бўшлиққа йўл қўйиб бўлмаслиги, шундай ҳолат юз берган тақдирда бўш қолган кишилар онгида халқимизга мутлақо ёт ғоя ва маънавий тубанликлар ўрин эгаллаши шубҳасиздир. Дарҳақиқат, ҳозирги замонда дунёнинг айрим ҳудудларида юз бераётган салбий ҳолатлар, ножўя хатти-ҳаракат ва ёвуз ишлар, аввало, кишилар онгида ғоявий бўшлиқни вужудга келганлиги туфайли содир бўлмоқда.

Инсоният тараққиётига «инсоният тарихи - ғоялар тарихидир» деган тамойил асосида назар солсак, XX асрда дунё давлатлари ғоя ва мафкурага муносабат масаласида уч хил йўлдан борганлиги маълум бўлади:

Биринчи йўл бу муайян ғоя ва мафкурани мутлақлаштирилган (идеологизациялашган) давлатлар йўлидир. Бунда бирон бир синф, партия ёки қатламга оид мафкура мутлақ ҳукмронлик даражасига кўтарилган, бошқа мафкура ва қарашларга йўл қўйилмаган. Ўзгача қарашдаги кишилар йўқ қилинган, уларга хос ғоя ва мафкуралар таъқиқланган. Собиқ иттифок, баъзи социалистик лагер мамлакатлари ва фашизм ҳукмрон бўлган давлатлар айнан шу йўлдан борган давлатларга мисол бўлади.

Юқоридаги ҳолатни халқлар ва давлатлар бошига ниҳоятда катта кулфатлар келтиргани, фашизм ва коммунизмнинг моҳиятан бир хил бўлсада, аммо бир-бирига қарама-қарши ҳалқни ҳаётини бутунлай қамраб олгани, охир-оқибатда II жаҳон урушни келтириб чиқаргани сабабли Ғарбдаги кўпгина мамлакатлар мафкура масаласида бутунлай бошқача йўлдан боришга мажбур бўлди. Бу йўл иккинчи йўл бўлиб, у сиёсат ўз йўлига

– ғоя ва мафкура ўз йўлига - давлат ўз йўлига деган қараш (деидеологизация) асосида шаклланган. Аммо XX асрнинг 60-йиллари охирида келиб бу йўл ҳам тўғри эмаслиги, ғоя ва мафкурасиз миллат, давлат ва жамият ҳаёти халокатли бўлиши мумкинлиги, кишилик жамиятда ҳамма учун умумий бўлган ғоявий тамойиллар бўлиши лозимлиги аниқ бўлиб қолди. Шундай шароитда демократия, фикрлар ранг-баранглиги, виждон эркинлиги, инсон ҳуқуқлари устувор бўлган жамиятда қандай қилиб умумий мафкуравий тамойиллар бўлишига эришиш мумкин? деган саволлар пайдо бўлди. Ана шу саволларга жавоб тариқасида илғор демократик давлатларда ғоявий таракқиёнинг замонавий йўли - реидеологизация тамойиллари асосида ҳаёт кечиришга ўтила бошланди. Бунда бирон-бир мафкура ҳукмрон ва давлат мафкураси даражасига кўтарилмайди. Балки давлат бу соҳада ҳам асосий ислоҳотчи сифатида иш юритади¹.

Жаҳоннинг демократик мамлакатлари тажрибасида мафкуравий тарбиянинг бой имкониятлари, турли намуналари тўпланган. XX аср 60-70 йиллари Ғарбий Европа ва АҚШда мафкурасизлашувга, яъни ижтимоий ҳаётни мафкурадан ҳоли (деидеологизация) этишга уринишлар кучли бўлганлигини ҳамда амалиётда бу йўл ўзини оқламаганини айтиб ўтдик. Чунки тарбия масаласида мафкурасизлашувга, яъни ижтимоий ҳаётни мафкурадан ҳоли (деидеологизация) этишга уринишлар ғоявий бўшлиққа олиб келиши у эса, ўз асоратлари орқали маънавий-руҳий инқирозни келтириб чиқариши мумкинлигини кўрсата бошлади. Натижада дунёнинг кўплаб давлатларида «мафкуравий янгиланиш», «қайта мафкуравийлашув» (реидеологизация)га кучли зарурат туғилди ва мафкурасизлик хатосини тузатишга киришилди. Шу тариқа, Ғарбий Европа давлатлари ва ҳатто АҚШ ҳам таълим тизимида ижтимоий қадриятларга эътиборни, мафкуравий тарбияни ўз ичига олувчи «мактабда ўқувчиларни сиёсий индоктринациялашни амалга ошириш» концепциясини ишлаб чиқиб, уни ҳаётга тадбиқ қила бошлади.

¹ «Маърифат» газетаси, 2011 йил 18 июль сони.

Ўзбекистон жамияти собиқ СССР даврида идеологизация (мафкуралаштириш) йўлидан 1991 йилгача келди. Мустақилликнинг даслабки йилларидан бошлаб жамиятимизда эски, тоталитар мафкура асоратларидан воз кечилди яъни деологизациялаштирилди. Президент Ислон Каримовнинг 1998 йил «Тафаккур» журнали бош муҳаррири билан «Жамият мафкураси халқни - халқ, миллатни - миллат қилишга хизмат этсин»² номли суҳбати ҳамда 2000 йил «Фидокор» газетаси муҳбири билан «Миллий истиқлол мафкураси - халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир»³ номли савол-жавобларидан сўнг Ўзбекистон реидеологизация йўлини танлади.

Ҳозирда реидеологизация йўлидан бораётган Ўзбекистон жамиятидаги зиёлилар қатлами айниқса ўқитувчи ва мураббийлар “Миллий ғоя ва маънавият асослари” фанини ҳаётга тез ёйиш ва шундай туйғуларни юксалтириш учун, даставвал бу фаннинг мақсадини, унинг асосий йўналишлари ва ўзига хос хусусиятларини билиб олиши, сўнгра уни таълим тизимида кенг тарғиб-ташвиқ этишлари зарур. “Энг асосийси ижтимоий соҳа вакиллари, мутахассислар, илғор фикрли зиёлилар бу борадаги изланишларни чуқурлаштириб, назарий хулосалар орқали миллий ғоя ва маънавиятни асосий мақсадларини халққа содда, ҳаққоний, тушунарли тарзда ифодалаб беришлари лозимдир”⁴.

Таъкидлаш керакки, таълим тизимида хусусан, мактабгача таълим муассасаларида миллий ғоя ва маънавиятни тарбияланувчи ёшлар онгига сингдиришда жуда катта имкониятлар мавжуд. Бу жараёнда авваламбор ҳар бир раҳбар ва мураббий ўзини миллий мафкурага дахлдор шахс ҳисоблаши, уни мазмун моҳиятини тўла англаши ҳамда миллий мафкура таркибидаги ғояларни сингдириш усул ва воситаларини амалда қўллай олиш малакасига эга бўлиши лозимдир.

Ҳозирда биз яшаётган давр ғоявий-мафкуравий жихатдан ўта мураккаб давр эканлигини, унда “мафкура полигонлари ядро полигонларидан ҳам

²И.Каримов. «Жамият мафкураси халқни - халқ, миллатни - миллат қилишга хизмат этсин», Т.: 1998 йил.

³И.Каримов.«Миллий истиқлол мафкураси - халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир» «Фидокор» газетаси 2000 йил.

⁴Ўша жойда 27-28-бетлар

кучлироқ” эканлигини ҳисобга олган ҳолда, мазкур даврнинг ҳар бир раҳбар ва мураббийси ғоявий-мафкуравий билимга эга бўлиши лозимлиги ҳамда мазкур билимни амалда ёшларни баркамол қилиб тарбиялашда ишлата олишини инobatга олган ҳолда мазкур ўқув қўлланмани тайёрлаш зарурияти туғилди. Ўқув қўлланмадан раҳбар ва мураббийлар ўзлари учун керак бўлган куйидаги масалалар бўйича, яъни:

- Бугунги кундаги глобал ўзгаришлар ва бу жараёнда ёшларнинг маънавий-маърифий тарбияси масаласи тўғрисида;
- Фуқаролик жамиятини ривожлантиришда таълим муассасасининг ўрни ҳақида;
- Бугунги кундаги мафкуравий муаммолар, маънавий таҳдидлар ва шундай шарoитда баркамол шахсни тарбиялаш масаласи ҳақида;
- Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислom Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида кўтарилган энг асосий ғоялар ва уларнинг таълим тизимидаги аҳамияти ҳамда,
- Миллий мафкура таркибидаги ғояларни ёшлар онгига сингдиришда таълим муассасаси ҳодимининг масъулияти тўғрисида маълумотлар олишлари мумкин.

Мазкур маълумот ва кўрсатмалар МТМ раҳбарлари ва мураббийларнинг таълим ва тарбия бериш жараёнидаги амалий фаолиятларида муайян даражада ёрдам бера олса, ўқув қўлланмани тайёрлашдан кўзланган мақсадга эришилган деб ҳисоблаш мумкин.

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМГА ҚЎЙИЛАДИГАН ДАВЛАТ ТАЛАБЛАРИ (“Миллий ғоя ва маънавият асослари” фани бўйича)

Малака ошириш маркази тингловчилари:

–Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Фармон, қарор ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамаси қабул қилган қарорлар, мамлакатимизда қабул қилинган қонунлар моҳияти ҳамда улкан бунёдкорлик ишлари, кенг қамровли ислоҳотлар мазмун-моҳиятини;

–Ислом Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарининг мазмун-моҳиятини;

–Ислом КаримовнингЎзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси мазмун-моҳиятини;

–Ислом Каримовнинг “Миллий-маънавий юксалиш концепсияси”, унинг назарий методологик ва амалий жиҳатларини;

–янги авлод кадрларини тайёрлашда “Миллий ғоя ва маънавият асослари” фанининг роли ва аҳамиятини;

–ёш авлод қалби ва онгига она юртга муҳаббат, истиқлолга садоқат туйғуларини чуқур сингдириш йўлларини;

–замон талабига мос ҳолда янгича фикрлайдиган, мустақил дунёқарашга эга бўлган янги авлодни тарбиялаш йўлларини;

–дунё ҳамжамиятида ўзининг ва миллатининг салоҳиятини кўрсатиб бера олиш йўлларини, аждодларимиз билан фахрланишни, миллий ғурурланишни;

–Ватан бахт-саодати, тинчлиги учун жасорати етарли бўлган ёшларни тарбиялаш усул ва воситаларини;

–мафкура ва маънавият соҳасида бўшлиқ бўлмаслигини;

–бугунги дунёнинг мафкуравий манзарасини билиши ва тўғри тушунтиришни;

–жаҳонда юз бераётган маънавий ўзгаришлар, мафкуравий муаммолар ва таҳдидларни;

–четдан кириб келатган маданиятсизлик, маънавий қашшоқлик, ахлоқсизлик, яъни ғоявий, мафкуравий, информатсион хуружлардан ёшларни ҳимоя қилиш йўллари;

–миллий кадриятлар билан умумбашарий кадриятларни уйғун, муштарак ҳолда олиб бориш йўллари;

–ёш авлодни мустаҳкам иродали ва миллий ғоя этикодига собит, иймонли, баркамол инсонлар этиб тарбиялаш йўллари **билишлари лозим.**

“МИЛЛИЙ ҒОЯ ВА МАЪНАВИЯТ АСОСЛАРИ” ФАНИ ЎҚУВ ДАСТУРИ

Глобал ўзгаришлар ва ёшларнинг маънавий-маърифий тарбияси самарадорлигини ошириш зарурати (2 соат маъруза).

Ҳозирги кунда инсоният глобал ўзгаришлар даврида яшамокда. Айниқса, интернет технологиясининг кашф этилиши инсониятнинг ҳаёт тарзини тезлаштирди. Замонавий техника ва технологияларнинг юксак даражада ривожланиши. Президентимиз Ислом Каримов “Юксак маънавият – енгилмас куч” китобида қайд этганларидек, глобаллашувнинг икки кўринишини юзага келтирди. Биринчиси ижобий хусусият бўлиб, инсониятнинг ўзаро ахборот, технология алмашуви тезлашди ва халқлар бир-бирига яқинлашмоқда. Иккинчиси салбий бўлиб, унга кўра, муайян халқ манфаатлари, кадриятлари устун қўйилмоқда ва миллий анъаналар, маданиятлар инкор қилинмоқда. Бугунги кунда илмий адабиётларда глобаллашувнинг турли жиҳатлари фарқланади. Энг аввало, аҳоли сонининг тез ўсиб бориши шароитида озиқ-овқат, ичимлик суви ва шу каби эҳтиёжларни қондириш, табиатнинг зўриқиши билан боғлиқ масалаларни яхлит ҳолда ифодаловчи демографик-экологик муаммолар мавжудлигини алоҳида қайд қилиш лозим.

Ҳеч қандай миллий чегараларни тан олмайдиган, дунёда умумий технологик ва ахборот майдони юзага келаётганини характерловчи техносферанинг глобаллашуви унинг яна бир ўзига хос хусусиятидир.

Шу билан бирга, сиёсий глобаллашув ҳамда фан, маданият, таълим ва ахлоқ соҳасидаги жараёнларни ифодаловчи ижтимоий-маданий глобаллашув ҳамда ғоявий таъсир, тарғибот ва ташвиқот билан боғлиқ мафкуравий глобаллашув ҳам содир бўлаётганини ёддан чиқармаслик зарур.

Турли ижтимоий институтларни ҳамкорлигидаги фаолият ҳамда тизимли ва тадрижий олиб борилган мафкуравий тарбия натижасигина муайян ғояларнинг кишилар онги ва қалбига сингдиришдек мураккаб ва серқирра жараён кўзланган натижани беради. Хусусан, фан, маданият, маданий ва маърифий муассасалар, оила, меҳнат жамоалари, сиёсий

партиялар, нодавлат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари каби ижтимоий институтлар бу жараёнда муҳим ўрин эгаллайди. Бу ўрин, бир томондан, уларнинг ҳар бирининг кишилар онгига таъсир ўтказишнинг ўзига хос ва бетакрор усулларига эга эканлиги ва иккинчи томондан ҳар бир инсон бутун ҳаёти давомида ёки унинг муайян босқичида мазкур институтларнинг мунтазам таъсир остида бўлиши билан белгиланади. Инсоннинг ҳаётида ким бўлиб етишиш жамият, унда устувор бўлган қарашлар ва кадриятлар уларни сингдириш ва мустаҳкамлашга хизмат қиладиган тарбия тизимига боғлиқ. Шу нуқтаи назардан қараганда юқорида қайд этилган институтлар ичида таълим тизими муҳим ва асосий ўринни эгаллайди, зеро инсон фарзанди айнан таълим муассаларида тўпланган ижтимоий тажриба ва кадриятларни илмий асосда ва тизимли тарзда ўзлаштириб боради. Таълим тизими босқичлари ўртасидаги ўзаро боғлиқлик туфайли ғоявий тарбия жараёнидаги тадрижийлик таъминланади. Натижада инсоннинг билим доираси ҳам миқдорий ҳам сифатий жиҳатдан ошиб боради. Ғоявий билимлар таълим жараёнининг ўзида бевосита ва тўғридан тўғри ўзлаштиришини ҳам алоҳида қайд этиш жоиз. Таълим тизимида мафкуравий тарғибот натижаларини бевосита текшириб кўриш ва уни доимий такомиллаштириб бориш имконияти ҳам мавжуд.

Таълим тизимининг ғоявий тарбиявий жараёнидаги муносиб ўринни таъминлаш ўз мустақиллигини қўлга киритган демократик ҳуқуқий давлат эркин фуқаролик жамиятининг асосланганлиги шубҳасиз. Зеро кўзланаган мақсадларга ушбу орзу умид ва интилишларни ўзида мужассамлаштирган миллий мафкура ва унга асосланган тарбия тизимисиз эришишимиз мумкин эмаслиги аниқ. “Мен деб ёзади Президентимиз Ислон Каримов - А.Авлонийнинг “Тарбия биз учун ё ҳаёт ё мамот, ё нажот ё ҳалокат, ё саодат ё фалокат масаласидир” - деган фикрни кўп мушоҳада қиламан. Буюк маърифатпарварнинг бу сўзлари асримиз бошида миллатимиз учун қанчалар муҳим ва долзарб бўлган бўлса, ҳозирги кунда биз учун ҳам шунчалик, балки ундан ҳам кўра муҳим ва долзарбдир”.

Бу долзарблик таълим тизими ўқувчи-ёшлари онгида миллий ғоямизнинг мазмун –моҳияти ҳақида чуқур билимларни ҳосил қилиш уларда ўзига хос мафкуравий иммунитетни шакллантириш ва ғаразли мақсадларни рўёбга чиқаришга йўналтирилган мафкура шакллариининг хавфини бартараф этишдаги ўзига хос мавқеи билан ҳам белгиланади.

Фуқаролик жамиятини ривожлантиришда мактаб таълимининг ўрни. (2 соат маъруза, 2 соат амалий машғулот).

Фуқаролик жамиятининг назарий жиҳатлари Президент И.А.Каримовнинг нутқи ва асарларида асослаб берилиши. Жамиятнинг тарихий шакллари. Турли давр жамиятларидаги тарихий ғоялар: инсониятнинг ибтидоий даврдаги мифологияга асосланган тотемизм, анимизм, фетишизм каби ғоявий тизимлар - мафкура шакллари бўлганлиги. Тараққиётнинг кейинги босқичларида вужудга келган миллий асосдаги мафкура шакллари: ҳиндуизм, иудаизм, конфуцийлик, синтоизм. Бунёдкор ғоялар: бунёдкор ғояларнинг шакллари ва хусусиятлари. Озодлик, мустақиллик, тинчлик, адолат, тенглик, ҳамкорлик, дўстлик, бирдамлик, хурфикрлилик, маърифатпарварлик, бағрикенглик, халқпарварлик, ватанпарварлик, инсонпарварлик каби бунёдкор ғоялар. Инсоният жамияти ва тамаддуни ривожига таъсир кўрсатган ижтимоий, сиёсий, илмий ғоялар, назариялар, таълимотлар ва мафкуралар. Зардушт, Сукрот, Платон, Конфуций, Ал-Фаробий, Навоий, Амур Темур ва бошқаларнинг бунёдкор ғоялари.

Вайронкор ғоя ва мафкуралар, уларнинг реакцион моҳияти. Мустабидлик, босқинчилик, террорчилик, ақидапарастлик, жаҳолатпарастлик, иркчилик, миллатчилик, маҳаллийчилик, ёвузлик каби вайронкор ғоялар. Уларга қарши ғоявий, мафкуравий кураш зарурлиги. Фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш тамойили.

Ўзбекистонда XX асрнинг охири ва XXI аср бошида давлат ва жамият курилишидаги стратегик ўзгаришларнинг устувор йўналишлари Президенти

И.А.Каримов томонидан Олий Мажлиснинг 1999 йил 14 апрелдаги 14-сессиясидаги “Ўзбекистон XXI асрга интилоқда” номли маърузасида назарий жиҳатдан асослаб берилган. Булар қуйидагилардан иборат:

Биринчи устувор йўналиш – мамлакат сиёсий, иқтисодий ҳаётини давлат ва жамият қурилишини янада эркинлаштириш.

Иккинчи устувор йўналиш – жамият маънавиятини янада юксалтиришдан иборат.

Учинчи устувор йўналиш - кадрлар масаласи.

Тўртинчи устувор йўналиш - халқ турмуш даражасини изчил ва барқарор ўсиши аҳолини янада кучли ижтимоий ҳимоя қилишни ифода этиш.

Бешинчи устувор йўналиш - бу иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни таъминлаш.

Олтинчи устувор йўналиш – жамиятдаги барқарорлик, тинчлик, миллатлар ва фуқаролар тотувлигини, сарҳадларимиз дахлсизлигини, мамлакатимиз ҳудудий яхлидлигини таъминлашдан иборат.

Маҳаллий ҳокимият органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари бажарадиган вазифалар доирасини кенгайтириш, уларга давлат ваколатларининг бир қисмини босқичма-босқич топшириш лозим. Бунда энг муҳими, аҳолининг касб ва ижтимоий таркиби манфаатларини янада тўлароқ ифодалаш ва ҳимоя қилишда нодавлат, жамоат тузилмаларининг ҳуқуқ ва мавқеларини ошириш даркор.”Кучли давлатдан - кучли фуқаролик жамияти сари” деган сиёсий қурилиш дастурининг моҳияти ана шунда яққол намоён бўлади. Айнан шундай вазифаларни амалга оширишда энг асосий мафкуравий муассасалардан бири бўлган мактабгача таълим муассасасининг роли ва аҳамияти. Бугунги кунда миллий ғояни тарғиб этиш ва уни кенг кўламда ёшлар онгига сингдиришда мактабгача таълим муассасалари қандай рол ўйнаши лозимлиги, бу жараёнда мактабгача таълим муассасаси ва ушбу муассаса жамоаси олдига қўйиладиган вазифалар.

Мафкуравий муаммолар, маънавий таҳдидлар ва баркамол шахс тарбияси (2 соат амалий машғулот).

Бугунги дунёнинг мафкуравий манзараси. Ҳозирги даврдаги илғор ва тажовузкор ғоялар, мафкуралар, уларнинг инсон онги ва қалбига таъсири. Жаҳон демократик мамлакатлари тажрибасида мафкуравий тарбияларнинг бой имкониятлари, намуналари тўғрисида. XX асрда дунёда ғоявий қарама-қаршилиқларнинг мураккаб тус олиши. Жаҳон майдонларини бўлиб олишга уринишлар. Буюк давлатчилик шовинизми, панисломизм, пансоветизим, халифалиқни тиклаш ғояларининг реакцион моҳияти. Замонавий илм-фан ютуқлари ва уларнинг кишилар тасаввурини кескин ўзгартириши. Мафкуравий курашларнинг умумбашарий ва минтақавий муаммолари. Марказий Осиё минтақасида мафкуравий жараёнлар: нарқобизнес, экология танглиги каби умумбашарий муаммолар. Диний экстремизм, миссионерликнинг зарари ва унинг фожиали оқибатлари. Минтақада тинчлик ва барқарорликни сақлаш муаммолари ва вазифалари. Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларнинг миллий ва умуминсоний асосга қурилганлиги. Ислохотлар жараёнида одамлар тафаккури ва дунёқарашида ўзгаришларни амалга ошириш. Субъективизм, манфаатпарастлик, маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик каби ўтмишдан қолган иллатларни бартараф этишнинг мафкура билан боғлиқ вазифалари.

Ўзбекистонда мафкуравий муаммолар. Халқаро майдонда мафкуравий, ғоявий ва информацион курашлар кучайиб бораётган ҳозирги мураккаб ва таҳликали даврда маънавий-маърифий ишларнинг замон талаблари асосида ташкил этиш. Ёшларни турли мафкуравий хуружлардан ҳимоя қилиш ва уларни барқарор шахс этиб тарбиялаш масалалари.

Ислом Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асаридаги ғояларнинг таълим тизимидаги ўрни (2 соат маъруза, 2 соат амалий машғулот). Маънавиятни англаш. “Маънавият” тушунчаси, унинг таърифи. Маънавиятнинг негизи ва маъно-мазмунини белгилайдиган асосий хусусиятлар. Маънавият-беқиёс куч. Олийжаноб фазилатларқомиллик белгиси. Халоллик, поклик, мардлик, саховат, камтарлик, инсоф-диёнат фазилатлари. Лоқайдлик, бепарволик, манфаатпарастлик, хиёнат ва

сотқинлик иллатлари. Маънавиятни шакллантирадиган асосий мезонлар. Тарихий хотира ва маънавий мерос. Муқаддас динимиз ҳақида. Буюк мутафаккир ва алломаларимизнинг ислом маданиятини ривожлантиришга қўшган бетакрор ҳиссаси.

Маънавиятни шакллантириш ва юксалтиришда оиланинг ўрни ва таъсири. Маънавиятни юксалтиришда маҳалланинг роли. Маънавиятни шакллантиришда таълим-тарбия тизимининг роли. Маънавий ва моддий ҳаёт уйғунлиги. Маънавий ва моддий оламнинг ўзаро бир-бир билан боғлиқлиги. Миллий ғоя ва маънавий ҳаёт. Миллий ғоянинг теран мазмуни. Миллий ғояда мужассам бўлган буюк мақсадлар. Миллий ғоянинг юксак тушунчалари. Маънавият ва жамиятнинг янгилалиши. Маънавий тикланиш ва янгилалиш эҳтиёжи. Она тили – бу миллатнинг руҳи эканлиги. Ватанга муҳаббат туйғуси. Миллий кадриятлар. Тарихий хотира.

Ислохотлар ва уларнинг маънавий мезони. Ўзбек тараққиёт модели. Ислохот-ислохот учун эмас, аввало инсон учун, унинг фаровон ҳаёти учун хизмат қилиши. Глобаллашув жараёнлари ва маънавий таҳдидлар. Фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя тамойили. Мафкуравий иммунитет, мустаҳкам ирода ва соғлом дунёқарашни шакллантириш. Инсон қалбига йўл. Маънавиятни қудратли кучга айлантириш вазифаси. Янги авлод кадрларини тайёрлаш, янги тафаккур соҳибларини тарбиялаш. Маънавиятни юксалтиришда оммавий ахборот воситалари, адабиёт, санъат, тасвирий ва монументал санъат асарларининг роли.

Энг буюк жасорат - бу маънавий жасорат эканлиги. Фидойи бўлиш фазилатини доими кундалик фаолият мезонига айлантириш - ҳақиқий қаҳрамонлик эканлиги. Халқимиз доимо маънавий жасорат ҳисси билан яшагани ва бу улуғ туйғу унинг ҳаётида йиллар, асрлар ўтгани сайин тобора кучайиб, юксалиб бораётганлиги. “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида тилга олинган барча ғояларнинг таълим тизимидаги роли ва аҳамияти.

Миллий мафкурани ёшлар онги ва қалбига сингдиришда таълим муассасаси ходимининг масъулияти (2 соат амалий машғулот).

Миллий мафкура ва унинг моҳият-мазмуни. Янги мафкуранинг асл маъноси эскича ақидалардан холи бўлган, мустақил ва янгича фикрловчи ёш авлодни тарбиялашдан иборат эканлиги. Халқимиз, аввало, ўсиб-униб келаётган ёш авлодимиз онги ва қалбида мафкуравий иммунитетни ҳосил қилиш, мустаҳкамлаш шакл ва усуллари. Мафкурамининг миллий ва умуминсоний тамойиллари. Миллий мафкуранинг бош ғояси. Миллий мафкуранинг асосий ғоялари: Ватан равнақи. Юрт тинчлиги, Халқ фаровонлиги. Комил инсон. Ижтимоий ҳамкорлик. Миллатлараро тотувлик. Динлараро бағрикенглик(толерантлик). Миллий мафкурани ёшлар қалби ва онгига сингдиришнинг самарали усул ва воситаларидан оқилона фойдаланиш ҳамда бу фаолиятни амалга ошириш соҳалари. Миллий мафкура амалиётида мактабгача таълим муассасаси раҳбари ва мураббийларининг тутган ўрни. МТМ раҳбари ва мураббийларининг имиджи. Миллий ғояни сингдириш жараёнида МТМ раҳбари ва мураббийлари фаолиятига қўйилаётган замон талаблари. Таълим-тарбия жараёнида МТМ раҳбари ва мураббийларининг миллий ғояни тарбияланувчи ёшлар онги ва қалбига сингдиришдаги роли.

“Миллий ғоя ва маънавият асослари” фанидан

ЎҚУВ-МАВЗУ РЕЖА

№	Мавзулар	маъруза	амалий машғулот	жами
1	Глобал ўзгаришлар ва ёшларнинг маънавий-маърифий тарбияси самарадорлигини ошириш зарурати	2	-	2
2	Фуқаролик жамиятини ривожлантиришда мактаб таълимининг ўрни.	2	2	4
3	Мафкуравий муаммолар, маънавий таҳдидлар ва баркамол шахс тарбияси	-	2	2
4	Ислом Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асаридаги ғояларнинг таълим тизимидаги ўрни	2	2	4
5	Миллий мафкурани ёшлар онги ва қалбига сингдиришда таълим муассасаси ходимининг масъулияти		2	2
	Жами:	6	8	14

**“МИЛЛИЙ ҒОЯ ВА МАЪНАВИЯТ АСОСЛАРИ” ФАНИДАН
МАЪРУЗА МАШҒУЛОТЛАР БЎЙИЧА ТАЪЛИМ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИШЛАНМАЛАРИ**

1-мавзу: Глобал ўзгаришлар ва ёшларнинг маънавий-маърифий тарбияси самарадорлигини ошириш зарурати

1.1. Маъруза машғулотнинг таълим технологияси модели

Машғулотга ажратилган вақт – 2 с	Тингловчилар сони – 25 нафар
Машғулотнинг шакли	Кириш-ахборотли маъруза
Маъруза режаси	<p>1. Глобал ўзгаришлар ва уни вужудга келиш сабаблари.</p> <p>2. Глобаллашув тушунчаси ва унинг ижобий ҳамда салбий хусусиятлари.</p> <p>3. Мафкуравий полигонлар кураши ва бу жараёнида миллий ғояга эҳтиёжнинг ортиши.</p> <p>4. Глобаллашув жараёнларида ёшларнинг маънавий-маърифий тарбияси самарадорлигини ошириш зарурияти.</p>
Маъруза машғулотининг мақсади:	Тингловчиларда глобал ўзгаришлар ва ёшларнинг маънавий-маърифий тарбияси самарадорлигини ошириш зарурати ҳақидаги компетенцияларни шакллантириш.
<p>Педагогик вазифалар:</p> <p>1. Глобал ўзгаришлар ва ёшларнинг маънавий-маърифий тарбияси самарадорлигини ошириш зарурати йўналишида муаммоли савол, масала ва вазиятларни тингловчиларга тақдим этиш ҳамда муаммони ҳал этиш жараёнини бошқариш;</p> <p>2. Глобал ўзгаришларни ўрганиш бўйича матнли, графикли ва муаммоли топшириқларни бериш.</p> <p>3. Ҳамкорлик технологияси асосида ишларни амалга ошириш.</p>	<p>Ўқув фаолияти натижалари:</p> <p>Тингловчилар:</p> <ul style="list-style-type: none"> - муаммоли савол, масала ва вазиятларни ҳал этиш орқали ўз тасавурларини аниқлаштиришади; - глобал ўзгаришларни ўрганиш бўйича матнли, графикли ва муаммоли топшириқлар билан танишадилар ва амалда бажарадилар; - ҳамкорлик технологияси асосида ишларни амалга оширадилар.
Таълим бериш усуллари	Маъруза, тушунтириш, мунозара, муаммоли таълим, “Беш минутлик эссе”, “Нима учун” схемаси.

Таълим бериш шакллари	амалий, индивидуал, гуруҳий.
Таълим бериш воситалар	Машғулот ишланмаси, тарқатмали материаллар, слайд, графикли органайзерлар.
Таълим бериш шароити	Махсус техник воситалар билан жиҳозланган аудитория.
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки назорат: савол-жавоб, ўз-ўзини назорат қилиш, рефлексия.

1.2. Маъруза машғулотнинг технологик харитаси

Иш босқичлари ва вақти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	Тингловчи
Ташкилий қисм	1. Давоматни аниқлаш. 2. “Танишув харитаси” асосида гуруҳ билан танишиш	
1-босқич. Ўқув машғулотига кириш (15 минут)	1.1. Мавзунинг номланиши, мақсад ва кутилаётган натижаларини баён этади. 1.2. “Б–Б–Б” стратегиясининг “Биламан” устунини тўлдиришни сўрайди. 1.3. Фаннинг тузилмавий-мантиқий чизмасини тақдим этади: модуллар ва ўқув модулларига қисқача таъриф беради. 1.4. Фан миқёсида бажариладиган методик ва ташкилий ишлар билан таништиради. 1.5. Фаннинг рейтинг назорат тизими ва баҳолаш мезонларини тушунтиради.	Тинглайдилар, ёзиб оладилар. “Б–Б–Б” стратегиясининг “Биламан” устунини тўлдиришади. Саволлар билан мурожаат этадилар, аниқ тасаввурлар тизимига эга бўлишади Рейтинг қайдномасини тўлдиришади
2-босқич. Асосий босқичи (55 минут)	2.1. “Б–Б–Б” стратегиясининг “Билмоқчиман” устунини тўлдириш сўралади. 2.2. Мавзу бўйича маъруза матнини тарқатади, унинг режаси ва асосий тушунчалари билан танишишни таклиф этишади. 2.3. Тақдимот технологияси ёрдамида асосий назарий	“Б–Б–Б” стратегиясининг “Билмоқчиман” устунини тўлдиришади. Тинглайдилар, савол-жавобларда иштирок

	маълумотларни баён этади. Жалб қилувчи саволлар билан мурожат этади, мавзунинг энг асосий тушунчаларини ажратиб кўрсатади, ҳар бир ўқув бирилиги бўйича хулосалар қилади.	этишади, муҳим чизма ва жадвалларни ўз дафтарларига қайд этишади.
3-босқич. Яқуний босқич (10 минут)	3.1. “Б–Б–Б” стратегиясининг “Билиб олдим” устунини тўлдириш сўралади. 3.2. “Б–Б–Б” чизмаларни ўқитиш орқали талабаларнинг умумий тасаввурларини аниқлайди. 3.3. Аниқ тасаввурлар шаклланмаган қисмларини қайта тушунтиради. 3.4. Мустақил иш учун топшириқ беради ва уни баҳолаш мезонлари билан таништиради.	“Б–Б–Б” стратегиясини тугаллашади ва ўз тасаввурларини бошқаларники билан таққослайди. Ўз тасаввурларини бойитади ва тўлдиради. Топшириқни ёзиб олишади.

1-мавзу: Глобал ўзгаришлар ва ёшларнинг маънавий-маърифий тарбияси самарадорлигини ошириш зарурати

Режа:

1. Глобал ўзгаришлар ва уни вужудга келиш сабаблари.
2. Глобаллашув тушунчаси ва унинг ижобий ҳамда салбий хусусиятлари.
3. Мафкуравий полигонлар кураши ва бу жараёнида миллий ғояга эҳтиёжнинг ортиши.
4. Глобаллашув жараёнларида ёшларнинг маънавий-маърифий тарбияси самарадорлигини ошириш зарурияти.

Глобал ўзгаришлар ва уни вужудга келиш сабаблари. Одамзод пайдо бўлибдики, у мудом янгилик яратиш, ихтиро ва кашфиётларни амалга ошириш билан шуғулланиб келмоқда. Ўз даврида ўта содда тош қуролларни ихтиро этишдан бошланган бу жараён ҳозирда компьютерлар, роботлар ва бошқа юксак техника ва технологияларни ўз ичига олмоқда. Бундай техника ва технологиялар асосида инсоният ҳозирда компьютерлашган, маълум алгоритимлар асосида ишлай оладиган «суний ақл»ни ихтиро этиш даражасигача етди.

Бугунги кунгача ривож топиб келаётган техника тараққиёти ўз ичига икки босқични қамраб олган. Унинг биринчи босқичи фанда Илмий Техника

Тараққиёти (ИТТ), иккинчи босқичи эса, Илмий Техника Инқилоби (ИТИ) деб аталади.

Илмий Техника Тараққиёти (ИТТ) ўз ичига жуда узоқ техника тараққиёти даврини қамраб олади. Бу инсониятнинг пайдо бўлиши ва даслабки содда (тош, ёғоч каби материаллардан) қуролларни ясашидани бошланиб, секин асталик билан турли мураккаб техника намуналарини яратилишигача, яъни, XX аср ўрталаригача бўлган даврни ўз ичига олади.

Бу даврнинг ўзига хос асосий хусусияти шундан иборатки, унда фан яъни, рационал билим билан (кишилар ҳаёти учун зарур бўлган турли) техникаларни яратилиши ўртасида ўзаро мустахкам боғланиш мавжуд эмас эди. Шу даврлар ичида фан алоҳида йўналиш бўйича, хунармандчилик, ишлаб чиқариш эса, ўз йўналиши бўйича ривожланиб борган. Фан билан техника ўртасида боғланишлар XVII – XVIII асрларда Ғарбий Европа мамлакатларида айниқса Англияда яққол кўзга ташлана бошлаган. Ўша даврлардан бошлаб, дунёда айнан янги техникани яратиш ва уни ишлаб чиқариш билан боғлиқ турли илмий жамиятлар, илмий-тадқиқот институтлари фаолият олиб бора бошлаган. Шундай бўлсада фан яъни рационал билим ва техника ишлаб чиқаришнинг ўзаро мустахкам боғланиши ҳамда шу боғланиш натижаси ўлароқ ишлаб чиқаришда инқилоб (тўнтариш – янги сифат босқичи)ни юз бериши XX аср ўрталарга тўғри келади.

XX аср ўрталаридан бошланган Илмий Техника Инқилоби (ИТИ) натижасида фан билан техника ажралмас бирликка эга бўлди. Эндиликда инсон заковоти тўлиғича ишлаб чиқаришга йўналтирилди. Бунинг натижаси ўлароқ минглаб техника ва технологиялар кишилик жамиятидан ўрин эгалладики, бугунги кун кишиси энди уларсиз ўз ҳаётини тасаввур эта олмай қолди. Паравоз, автомобил, телефон, телеграфдан тортиб оддий дасмолгача бўлган техника ютуғлари кишилар ҳаётидан мустахкам ўрин эгаллади.

XX аср ўрталаридан бошланган Илмий Техника Инқилоби (ИТИ)нинг энг муҳим ютуқларидан бири бу компьютерларнинг яратилганлиги бўлди. Уларнинг яратилиши бир томондан инсон онги, тафаккури, куч-қудратининг, иккинчи томондан, ана шу кучга тушадиган юкнинг енгиллашишига хизмат қиладиган воситани яратиш йўлидаги уринишларнинг натижаси эди. Асримизнинг ўртасида пайдо бўлган бу восита шиддатли ривожланиш йўлини босиб ўтди. Дастлаб секундига минглаб операциялар бажара оладиган компьютерлар бўлган бўлса, уларнинг бугунги авлоди 10 миллионлаб мураккаб операцияларни қойилмақом қилиб удралайдиган даражага етди. Айниқса, бутун дунё ўргамчак тўри (WWW) ҳисобланмиш интернетни, суний йўлдош телевединияси ва радиосини вужудга келиши дунёнинг глобал қиёфасини янада ўзгариши ва мураккаблашувига олиб келди. Ҳозирда бу техника технологияларнинг фаол фаолияти сабабли дунёда ахборот айланишининг тезлиги 0,6 секундга етмоқда. Бунга қадар ахборотни чопарлар, қарвон ва турли қушлар асосида алмашилиб келган инсоният дунёси эндиликда Илмий Техника Инқилоби (ИТИ) сабабли вужудга келаётган глобал ўзгаришлар қаршисида баъзан шошиб, баъзан эса, ожиз қолмоқда.

Тадқиқотлар натижаларига кўра, ҳозирги даврда фан соҳасида эришилган натижалар ҳар ўн йилда, ахборот тарқатиш ва уни олиш эса ҳар 3-4 йилда икки баробарга ошиб бормоқда. Техника тараққиётидаги мазкур инқилоб яъни, янги сифат босқичи ўз-ўзидан дунёнинг ҳам кейинги тараққиётига ҳам ижобий ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда. Жумладан бугунги глобал ўзгаришлар шароитида инсониятнинг умумий ютуқлари қаторида умумий, умумбашарий муаммолари ҳам вужудга келмоқда. Бундай умумбашарий муаммоларга қуйидагиларни мисол қилиб келтириш мумкин:

- ядро уруши хавфининг олдини олиш ва қуролланишни бартарф этиш;
- жаҳон иқтисодиёти ва ижтимоий ҳаётнинг ўсиши учун қулай шарт-шароит яратиш;
- иқтисодий қолоқликни тугатиш; ер юзида қашшоқлик ва очликка барҳам бериш;
- табиий бойликлардан оқилона ва комплекс ёндашган ҳолда фойдаланиш;
- инсониятнинг бахт-саодати йўлида фан-техника ютуқларидан фойдаланиш учун халқаро ҳамкорликни янада фаоллаштириш;
- энг хавfli касалликларга қарши кураш;
- дунё куруқликлари ва океани бойликлари ва имкониятларидан унумлироқ фойдаланиш;
- озон қатламининг йўқолиш хавфининг олдини олиш ва х.к.

Инсоният олдида ана шу хилдаги муаммоларнинг кўндаланг туриб қолишининг ўзиёқ инсоният тарихи ўта мураккаб, ўта қалтис бир даврга кириб бораётганлигидан дарак беради. Бундай шароитда онгли ва зиёли инсонларнинг мақсадлари Президентимиз Ислом Каримов таъбири билан айтганда, «... ер юзини болаларимиз ва набираларимизга обод ва бахтиёр яшашлари учун муносиб қилиб қолдириш»⁵дан иборат бўлмоқлари лозим.

Глобаллашув тушунчаси ва унинг ижобий ҳамда салбий хусусиятлари. XX аср ўрталаридан бошланган глобаллашув жараёни XXI асрга келиб дунё мамлакатлари ўртасида ўзаро таъсирни шу қадар кучайтириб юбордики, эндиликда бу жараёндан тўла ихоталаниб оладиган бирорта ҳам давлат қолмади. Ҳозирда глобаллашув дунёнинг турли мамлакатларга турлича таъсир кўрсатмоқда. Бунинг сабаби дунё мамлакатларида яшовчи миллатларнинг иқтисодий, сиёсий, маънавий салоҳияти ва сиёсати қандай экани билан бевосита боғлиқдир.

Маълумки, глобаллашув (глобализация) – лотинча «глоб» сўзидан олинган бўлиб, айнан уни «думалоқлашув», «қуралашув» деб таржима қилиш мумкин. Бу атама ер шарининг, ер куррасининг фан-техника ютуқлари туфайли инсоният ихтиёридаги ҳудди бир бутун шарга, доирага айланишини тушунтириш учун ишлатилади. Инсоният тараққиёти айни вақтда ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиш жараёнидир. Юқорида айтганимиздек, бу жараён асарлардан асарга ўтиб, минг йиллар давом этган.

⁵ Каримов И.А. Ёзбекистон XXI аср б'са'асида: хавфсизликка таъдид, бар'арорлик шартлари, тара'иёт кафолотлари. – Т.: «Ёзбекистон» 1997, 4-бет.

Бугунги кун фанида глобаллашув атамасига берилаётган таърифлар жуда кўп. Жумладан, француз тадқиқотчиси Б.Бандининг таърифида глобаллашув жараёнининг уч ўлчовли эканига урғу берилади. Унга кўра:

1. Глобаллашув - муттасил давом этадиган тарихий жараён.

2. Глобаллашув - жаҳоннинг гомогенлашуви (бир жинсли) ва универсаллашуви жараёни.

3. Глобаллашув - миллий чегараларнинг «ювилиб кетиш» жараёнидир.

Россиялик А.Паршев глобаллашувга қуйидагича таъриф беради: «Аслида, глобаллашувнинг асосий мазмуни бошқа мамлакатларда ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг қўшимча қийматини, дунёдаги асосий захираларини ўзлаштиришдан иборат».

Глобаллашувнинг мамлакатлар иқтисодий сиёсати ва маънавиятига ўтказиши мумкин бўлган ижобий ва салбий таъсири хусусида Ҳиндистоннинг машҳур давлат арбоби Маҳатма Гандининг қуйидаги сўзларида яхши ифодаланган: «Мен уйимнинг дарвоза ва эшикларини доим маҳкам беркитиб ўтира олмайман, чунки уйимга тоза ҳаво кириб туриши керак. Шу билан бирга, очилган эшик ва деразаларимдан кираётган ҳаво довул бўлиб уйимни ағдар-тўнтар қилиб ташлаши, ўзимни эса йиқитиб юборишини ҳам истамайман».

Глобаллашув жараёнига ким қандай таъриф бермасин, фанда албатта унга диалектик ёндашмоқ зарур. Бу дегани мамлакатлараро муносабатларда, муайян жамият ҳаётида ҳамда кишиларнинг ўзаро муносабатларида глобаллашув икки томони мавжуддир. Бу унинг ижобий ва салбий тамонларидир.

Глобаллашувнинг ижобий томони шундан иборатки, у халқларнинг, давлатларнинг, миллий маданият ва иқтисодиётларнинг яқинлашишини тезлаштиради, уларнинг ривожланиш учун янги имкониятлар очади. Хусусан, глобаллашув ҳар бир инсон учун ҳам катта имкониятлар яратмоқдаки, у туфайли кишилар эндиликда, узок масофада жойлашган халқлар ҳаётидан, уларнинг маданияти ва иқтисодиёти ҳамда яшаш тарзидан исталган вақт ва жойда ахборот олиш имкониятига эга бўлишмоқда. Айниқса ёшлар учун бу давр чет тиллари ва хориж мамлакатларининг иқтисодий-ижтимоий ҳаётини ўрганишда, ўша мамлакатлар илмий муассасалари ёрдамидан фойдаланиш ҳамда илмий маслаҳатчи ёки дўстлар орттиришда жуда катта аҳамият касб этмоқда.

Глобаллашувнинг жараёнларининг шунча ижобий томонлари бўлишига қарамай, унинг салбий томонлари ҳам мавжудки, улар кўпдан-кўп, майда нисбатан қалоқ этник гуруҳлар ва миллатларнинг маданияти, тили, расм-русмлари катта миллатлар, йирик миллий маданиятлар, бой тиллар билан рақобатлаша олмай, ўз-ўзидан фаол ижтимоий-иқтисодий, лисоний-забоний ҳаётдан четга чиқиб қолишида кузатилмоқда. Бундан ташқари глобаллашув даврининг хусусиятлари кишилар томонидан тўла англомаганлиги, айниқса, ёшлар қатламида бу даврда яшаш кўникмаси ва малакаси мавжуд бўлмаганлиги сабабли бу жараёнда тезлашган ахборот айниқса салбий (инсон маънавиятини тубанлаштирувчи) ахборотлар таъсирига тушиб қолиш

ҳоллари кузатилмоқда. Натижада улар айрим ҳолатларда ўз оиласи, миллати ва давлатининг асосий қадриятларидан узоқлашиб, баъзан уларга қарши бориш даражасигача етмоқда.

Глобаллашувнинг икки томони мавжудлиги учун ҳам дунё давлатлари унга муносабат билдиришда икки хил йўлдан боришмоқда. Мазкур йўлларнинг биринчиси глобаллашув жараёнига инсоният тараққиётининг кейинги биосқичларидан бири сифатида қаралиб, бу жараёнга роционал ёндашган ҳолда ҳар томонлама (сиёсий, иқтисодий, маданий ва ҳақозо) тортилиб бораётган давлатларнинг йўлидир. Жаҳондаги деярли кўп давлатлар мазкур йўлни танлаган бўлиб, улар ҳозирда ўз фуқароларига ахборот олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқини қафолатлаган ҳолда амалда фуқароларини мазкур ҳуқуқдан фойдаланиши учун интернет, суний йўлдош телерадиоканаллари ҳамда шу сингари ахборот олиш ва уни тарқатиш воситаларини йўлга қўйиш ва улардан юқори тезликда фойдаланиш имкониятларини яратиш бермоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси ҳам мазкур йўлни танлаган давлатлар сирасига киради.

Аксинча, биринчи йўлдан фарқли равишда глобаллашув жараёнидан, айниқса унинг салбий таъсирларидан кўриб ўз қобилига ўралиб олаётган, мамлакат ҳудудини хорижий ахборотлар таъсиридан изоляция қилиш йўлидан бораётган (гарчи санокли бўлсада) давлатлар ҳам мавжуд. Албатта, бундай давлатларда ахборот тарқатувчи воситалар: телевидения, радио, матбуот ва ҳақозолар мавжуд бўлсада лекин, уларнинг аксарияти бутунлай давлат монополиясида ёки қаттиқ давлат назорати остига олинган. Бундай йўлни танлаган баъзи давлатларда аҳоли олиши мумкин бўлган чет эл ахборотига бутулай чеклов қўйилган бўлса, баъзиларида ташқаридан кириб келадиган ахборотлар учун жуда катта цензура мавжуд. Бундай йўлни танлаган давлатларга яқин тарихимиздаги собиқ СССРни, ҳозирги кундагиларига эса, Куба ва Шимолий Корея давлатларини мисол қилиб келтириш мумкин.

Бизнинг мақсадимиз ҳар икки йўлдан бирини танлаган давлатларни танқид қилиш ёки уларни ички ишларига, танлаган тараққиёт йўлига аралаштириш эмас. Балки мавзу орқали жаҳон давлатлари томонидан глобаллашувга икки хил муносабат билдирилаётганлигини аниқлаш ҳолос. Лекин, шундай бўлса ҳам, танқидий нуқтаи назардан ёндашган ҳолда айтиш лозимки, юқорида айтилган ҳар икки хил йўлнинг ҳам ўзига яраша ижобий ва салбий томонлари мавжуд. Жумладан, биринчи йўлга шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, унда ахборотлар олиш, дунё билан боғланиш ва жаҳон таърибасидан фойдаланиш имкониятини мавжудлиги туфайли бу йўлдаги мамлакатлар иқтисодий-ижтимоий томондан жуда тез тараққий этиши мумкин. Бу ҳол мазкур йўлнинг ижобий томони бўлса, салбий томони эса, унда ахборотнинг кириб келиш эркинлиги ва тезлиги юқори бўлганлиги сабабли бир фойдали, ижобий ахборот олдида бир неча фойдасиз, салбий ахборотларни ҳам кириб келишига имконият яратади. Бу ҳол эса ахборотлар таъсирига берилувчан, мафкуравий иммунитетни паст кишиларни айниқса ёшларни ҳаётини ҳавф остида қолдириши мумкин.

Таъкидлаш керакки глобаллашув жараёнида мамлакатимиз ҳам айнан шу йўлни танлаган. Эндиликда, мазкур йўлдан бораётган мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси айниқса ёшлари глобаллашув жараёнида яшаш малакасини ўзида таркиб топтириб бориши лозим бўлади. Бундай шароитда ҳар бир онгли фуқаронинг вазифаси – ўзини ва ўз миллатининг рақобатбардошлигини кўтариш ҳисобланади. Бу жараёнда фуқаролар айниқса, ёш авлод учун фаол сиёсий позиция, тадбиркорликка асосланган иқтисод ҳамда миллий маданиятидаги салмоқли ютуқлар асосий роль ўйнайди⁶.

Мафкуравий полигонлар кураши ва бу жараёнида миллий ғояга эҳтиёжнинг ортиши. Бугунги кунда инсон онги ва қалби учун кураш кескин тус олаётган экан, хилма-хил қарашларнинг мафкура майдонида ҳукмронлик қилишга интилиши табиий. Мазкур ҳолат ҳозирда дунёдаги ахборот ва фикр оқимини ўз фойдасига буриб, улардан ўзларининг тор мақсадлари йўлида фойдаланишга интилаётган кучлар яъни, мафкуравий полигонларни ташкил топишига ҳамда табора катта кучга эга бўлиб боришига сабаб бўлмоқда. Фанда мафкуравий полигон (полигон - грек. серқирра) деб, одамларнинг қалби ва онгини эгаллашга қаратилган ғоя ёки мафқурани маблағ, ҳам замонавий техник воситалар билан кучлантириб, моддий ва маънавий ташвиқот қуролларини ишга солиб, дунёдаги ахборот ва фикр оқимини ўз фойдаси йўлида бошқариб турадиган ғоявий марказга айтилади.

Одатда “полигон” деганда қурол-аслаҳа ва техникани синаш, кўшинларни ҳарбий тайёргарликдан ўтказиш ёки ҳарбий соҳада тадқиқотлар олиб бориш учун мўлжалланган махсус майдон тушунилади. Тарих ўзга ҳудудларни забт этиш мақсадида ишлатиладиган уруш қуролларининг узлуксиз такомиллашиб борганини кўрсатади. У найзалардан тортиб автоматик қуролларгача, замбараклардан - ер юзининг ҳар қандай нуктасига беҳато етиб борадиган қитъалараро баллистик ракеталаргача бўлган узоқ такомил йўлини босиб ўтди. Бу қуроллар босиб олиниши керак бўлган ҳудудлар аҳолисини жисмонан йўқ қилишга қаратилган эди. Бугунги кунда эса, ўзга ҳудудларни забт этиш учун уларнинг аҳолисини жисман маҳв этиш шарт эмас. Зеро, турли мафкуравий таъсирлар оқибатида онги ва шуури забт этилган, қараш ва кайфиятлари “маъқул” йўналишга ўзгартирилган ерлик аҳоли кўмагида ҳар қандай бойлик, табиий ресурсларга эгалик қилиш мумкин. Бу эса шу жой аҳолисининг онги ва қалби ёт ва бегона ғоялар синаб кўриладиган майдонга айланганини билдиради. Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, «Бугунги кунда одамзод маълум бир давлатлар ва сиёсий кучларнинг манфаатларигагина хизмат қиладиган, олис - яқин манбалардан тарқаладиган, турли маъно-мазмундаги мафкуравий кучларнинг таъсирини доимий сезиб яшамоқда»⁷.

Дарҳақиқат, бугунги кунда мафкура полигонлари ядро полигонларидан ҳам кучли ва хавфлироқдир. Чунки, уларнинг таъсири радио, телевидение,

⁶ Мустақиллик: Изоҳли илмий-оммабоп луғат. Муаллифлар: М.Абдуллаев ва бошқалар. – Т.: Шарқ, 2006. – 528- бетлар.

⁷ Каримов И.А. 7 – том асарлари. Т.7. 85-86-бетлар.

газета-журнал, интернет, умуман, ҳамма ахборот тармоқлари орқали кириб келмоқда. Улар одамларни уйда ҳам, кўчада ҳам, ишда ҳам қўйинки, шахсий ва ижтимоий ҳаётини барча жабҳаларини эгаллаб олмоқда. Ядро полигоида тайёрланган қурол фақат муайян ҳудудни вайрон қилиши мумкин. Аммо, мафкуравий полигонлардан турли ахборотлар, бадий асарлар, ўйинчоқлар, кундалик эҳтиёж моллари шаклида тарқалаётган воситалар эса инсонларнинг қалби ва онгини эгаллашга қаратилгандир. Бунда оммавий ахборот воситалари орқали психологик таъсир ўтказишнинг янгидан-янги усулларида фойдаланадилар. Хусусан, уларда миллий ҳаётимизга хос муайян хусусиятларни очикдан-очик қоралаш, ерга уриш ёки айрим тарихий воқеа-ҳодисаларни умуман бўлмагандек, жаҳон маданияти, илму-фанига улкан ҳисса қўшган улуғ алломаларимизнинг бизга алоқаси йўқдек қилиб кўрсатишга уринишлар мавжуд бўлади.

Айтиш лозимки ҳозирги замонда мафкуравий полигонлар глобаллашув жараёни билан қўшилиб, уйғунлашиб табора қувватланиб бормоқда. Бу ҳол ўз-ўзидан, табиий равишда таълим-тарбия жараёнида миллий ғояга бўлган эҳтиёжни янада ошишига олиб келади.

Аслини олганда, мафкуравий полигонларнинг салбий таъсири ва глобаллашув жараёни бўлмаса, миллий ғояга ҳам эҳтиёж ошмас эди. Чунки, глобаллашув бўлмаганда ҳар бир халқ ва миллатнинг маънавияти ўзича мавжуд бўлар ва имконият даражасида ривож топарди. Ташқи таъсир ва таҳдиднинг йўқлиги эса миллий ғояга эҳтиёжни ҳам долзарблаштирмас эди. Шунинг учун ҳам глобаллашув жараёнида миллий ғоянинг энг муҳим функцияси, яъни миллий ва маънавий ўзликни ҳимоялаш алоҳида аҳамият касб этади. Аслида миллий ғоя 1) билиш; 2) тарбиявий; 3) регулятив; 4) коммуникатив; 5) норматив, қадриятли; 6) сафарбар этиш, йўналтириш; 7) ҳимоя; 8) ғоявий бандлик каби функцияларни бажариши учун ёшлар онгида фақат билим, тасаввур сифатида эмас, ишонч ва эътиқод сифатида шаклланиши лозим.

Миллий ғоя моҳиятан одамлар, айниқса ёшлар онгида, хотирасида ғоялигича қолмай, амалиётга, ҳаётга айланган тақдирдагина ҳақиқий миллий ва ҳақиқий истиқлол ғояси бўлиши мумкин. Шундагина у глобаллашув шароитида миллий маънавиятни ва маънавий ўзликни ташқи кучлар - мафкуравий полигонларнинг носоғлом ғоявий таҳдидлардан ҳимоя қиладиган кучга айланади⁸.

Глобаллашув жараёнларида ёшларнинг маънавий-маърифий тарбияси самарадорлигини ошириш зарурияти. Глобаллашув жараёнида дунёда ахборот-коммуникация технологиялари ва айниқса, интернет ёшлар кундалик ҳаётининг муҳим ва ажралмас қисмига айланиб бормоқда. Ҳар куни виртуал маконда бир неча миллиондан зиёд ахборот ресурсларининг пайдо бўлиши, унинг ҳосили ҳар дақиқа сайин ўсиб бораётганидан далолат беради. Глобал тармоқ афзалликларини инкор этмаган ҳолда, унинг ёшлар маданиятига туғдираётган ҳавф-хатарлари тўғрисида сўз юритишга тўғри

⁸ Эргашев И. ва бошқ. Миллий истиқлол ғояси: Ўзбекистон Республикаси Олий таълим бакалавриат босқичи учун дарслик. -Т.: Академия, 2005. 87-бет.

келади. Бу нохуш ғайриинсоний ҳолатлар муайян кучларнинг глобал тармоқнинг ахборотларни сифатли ва тез узатиш ҳамда тарқатиш бўйича имкониятлардан фойдаланиш орқали жамоатчилик фикрини тўғри йўлдан буриш, ўзлари тарғиб этаётган нопок ғоя ва манфаатлар томон йўналтириш учун уларга ахборот етказиш борасида олиб бораётган ҳаракатлари билан боғлиқдир. Сўзсиз, бундай таъсирга интернет аудиториясининг энг фаол, энг кўп қисми тафаккури етилиб, дунёқараши пухта шаклланиб улгурмаган ёшлар берилувчандир.

Таъсуфки, ана шундай жиддий муаммони мукамал ва тизимли ўрганишга етарли эътибор берилмаяпти. Бу соҳадаги хулосалар «Сериаллар ёшларимиз тарбиясига салбий таъсир ўтказмоқда», «Уятсиз эпизодларни телевиденияда кўрсатмаслик керак», деган умумий гапдан нарига ўтмаяпти. Ғарб мамлакатлари телевидениесигина эмас, атрофимиздаги баъзи мамлакатлар телевидениесида ҳам кўрсатилаётган ёки Ғарбдан трансляция қилинаётган дастурларга солиштирсак, телевидениемиздаги беҳаё деб аталаётган кўрсатувлар жуда беозор ва рисоладагидек кўринади. Бу ҳолат ўта беҳаё дейилаётган кўрсатувларнинг янги тўлқинини кутишимиз кераклигини англатади. Маънавий глобаллашув хориждан фақатгина ўшандай беҳаё томошаларнинг кириб келишини билдирадими? Бу саволга жавоб топишимиз учун маънавият соҳасидаги глобаллашувнинг тарихига ва моҳиятига назар ташлашимиз лозим⁹.

Глобаллашув турли минтақадаги мамлакатларнинг ўзаро таъсири кучайиши жараёни экан, унда иқтисодий ва маънавий таъсир кўпинча биргаликда кечиши кузатилади. Фақатгина, айрим ҳолларда улар нисбатан мустақил тарзда кечади. Глобаллашув тарихига қарасак, қадим замонларда ҳам иқтисодий ва маънавий таъсирлар ёнма-ён кечганлигини кузатамиз. Масалан, ўрта асрларда юртимиз Буюк Ипак йўлини марказида бўлганлиги сабабли ҳам Ғарбнинг, ҳам Шарқнинг таъсирида бўлган. Ғарбдан Шарққа бораётган, Шарқдан Ғарбга борган савдогарлар ҳам юртимиз орқали ўтган. Савдо моллари билан бирга Ғарб ва Шарқнинг урф-одатлари, анъана ва маросимлари ҳам ўлкамизга кириб кела бошлаган. Глобаллашув тенденцияси ана шу тарзда юзага келган.

Глобал муаммоларнинг келиб чикиши, мавжудлиги ва ҳал этилиши зарурияти инсоният жамияти янги цивилизациявий сифат ўзгаришини тақазо этмоқда. Бу жараённинг моҳиятини чуқурроқ англаш учун, унинг жадалилик ҳолати кўлами ва миқёсига эътибор бериш зарур. Зеро, ўнлаб ва ҳатто юзлаб йиллар давомида ўзгармасдек бўлиб кўринган ижтимоий муносабатлар ғоят қисқа вақтда тубдан ўзгармоқда. Бу ҳол кишилар айниқса, ёшлар ҳаётининг барча бўғинларида, турмуш тарзида баралла кўринмоқда. Кўламига кўра, бу жараён бирон минтақани четлаб ўтмаган.

Муҳими шундаки, глобал ҳодисалар муайян жамиятлардаги кишилар ва айниқса, ёшлар маънавиятига сезиларли таъсир ўтказмоқда. Бугунги кунда

⁹ Шамсиева И. “Ёш авлод маънавий ривожига интернетнинг таъсири ва ахборот психологик хавфсизлик муоммоси”. “Ижтимоий фикр-инсон ҳуқуқлари” журнали №1, 2007, 172-бет

маънавий соҳада бошқа давлатларга кўпроқ таъсир ўтказётган давлатлар маънавиятини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, уларнинг маънавияти таъсир ўтказилаётганларникидан бойроқ эмас. Масалан, Ғарб давлатлари маънавий соҳада ҳам Шарққа ҳозир кўпроқ таъсир ўтказмоқда. Уларнинг юриш-туришидан тортиб кийинишигача Шарққа кириб келмоқда. Лекин, бундан Ғарб давлатлари маънавий соҳада Шарқдан бойроқ деган хулоса келиб чиқмаслиги керак. Хўш унда сабаб нима?

Маънавий жихатдан Ғарбдан қолишмайдиган Шарқ нима учун кўпроқ таъсир ўтказиладиган минтақага айланиб қолди. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, иқтисодий таъсир ўтказиш учун иқтисодий жихатдан бой бўлиш керак. Бироқ, маънавий таъсир ўтказиш учун маънавий бойликнинг ўзи кифоя қилмайди. Масалан, дунёда энг қадимги тамаддунлар ўлкаси бўлган Ироқ кейинги ярим аср давомида, глобаллашув жараёнида узок мамлакатлар у ёқда турсин, ён атрофдаги мамлакатларга ҳам сезиларли таъсир ўтказа олмади. Аксинча, кейинги вақтларда турли экстремистик (ИШИД – Ироқ, Шом Ислом давлати сингари) гуруҳлар ҳамда ташқи ғаразли кучларнинг таъсири ўлароқ чуқур маънавий илдиз ва меросга бой бу мамлакатнинг тараққиёти барча соҳаларда орқага кетди.

Бундан воқеиликлар глобаллашув жараёнида маънавий таъсир ўтказишнинг муҳим шарти бу фақат ва фақат маънавий фаоллик кўрсатишдир деган хулосага олиб келади.¹⁰ Бинобарин, мамлакат бой моддий-маданий тарихга эга бўлса-ю, ҳозирги ёш авлод ўша маънавий бойлик ва анъаналарни ўзлаштирмаган бўлса, у мамлакат маънавий таъсир субъекти бўла олмайди ва жаҳон майдонида таъсир этиш объектлигича қолаверади.

Демак, глобаллашув жараёнида цивилизациялараро мулоқот ўсиб бораётган бир шароитда ёшлар маънавиятини юксалтиришда замонавийлик билан тарихийликнинг ўзаро уйғунлигини таъминлаш яъни техника, технология, ахборот коммуникациялари ютуқлари асосида ёшлар тафаккурини бойитишнинг аждодлар маънавий мероси неъматларидан ўзаро алоқадорликда фойдаланиш кўникмаларини уларда ҳосил қилиш зарур. Таъсуфки, бугун ёшларимизнинг аксарияти глобаллашув туфайли Европа ва хорижий маънавий-маданий оқимлар таъсирига кўпроқ иштиёқманд бўлиб, миллий маънавиятимизнинг юксак ахлоқийликка асосланган тамойилларига ихлосмандлиги сустлашиб бормоқда. Инсон қадри, маъсулияти, ахлоқига беписандлик уларнинг баъзи бирларнинг кийиниши, феъл-атвори, юриш-туришида яққол кўзга ташланиб қолмоқда.

Ўзгаришларга қанчалик қаршилик кўрсатилмасин, улар бари бир ҳаётимизга кириб келаверади. Айниқса, глобаллашув жараёнидан ўзининг ғаразли мақсадлари йўлида фойдаланувчи кучлар бор экан, бу ўзгаришлардаги салбий жихатлар ҳам кучайиб боради. Бинобарин,

¹⁰ Бекматов А. “Глобаллашув, миллий анъаналар ва ёшлар тарбияси. Ёшларни миллий истиқлол ғояси руҳида тарбиялаш – Ватан тинчлиги ва ҳафвсизлигини мустаҳкамланиш муҳим омили” мавзусидаги Республикага илмий-амалий анжуман материаллари Тошкент-2004 йил, 67-68 бетлар.

глобаллашув жараёнининг асосий субъекти ва ҳаракатлантирувчи кучлари манфаатларига хизмат қиладиган бундай саъий-ҳаракатлардан кўзланган мақсад миллий манфаат ва кадриятларга таянган анъанавий тафаккур тарзига зарба бериб, бутун дунёда ғарбона андозаларга асосланган, иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ҳамда маданий жиҳатдан ягона тамаддун ҳукмронлигини ўрнатишидан иборат. Бундай саъий-ҳаракатларнинг ҳатарли жихати шундаки, унинг бошқа тамаддунлар, халқлар ва давлатлар учун қандай оқибатлар келтириб чиқариши, масалан, яқиндагина мустақилликка эришган мамлакатларнинг миллий манфаатлари, анъана ва кадриятларига қай тарзда таъсир этиши мумкинлиги глобал ҳукмронликка интилаётган кучларни у қадар ташвишлантирмайди.¹¹

Ана шундай глобал таъсирлар халқаро телекоммуникациялар, интернет тизими орқали ёшларимиз маънавиятига салбий таъсир этаётганлиги бугунги кунда исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир. Шу маънода «Эркин ахборот оқими» борасидаги гаплар, деб ёзади «Туркистон» газетаси мухбири Н.Абдуллаева кўпчиликни ўзига мафтун этарди. Бу оқим маданиятимизга, кадриятларимизга маънавиятимизга қаттиқ таъсир ўтказганини энди кўраяпмиз. Яқин кунларгача бизнинг телеканаллар Лотин Америкаси ёки Ғарб телесериаллари билан лик тўла эди. Сериаллардаги, рекламадаги ҳар бир кадр телетомошобинга ахборот етказди. Уни қандай қабул қилишни эса томошабинга буюра олмайсиз. Яқинда Россия каналларининг бирида марокашликлар ҳаёти билан боғлиқ сериал берилган эди, сериал қахрамони Жади каби пешонадан чандиб рўмол ўраш ва катта зирак тақиш мода бўлди. Ўзингиз ўйланг 5 йил олдин ким ўйлаганди, ўзбек кизлари қорнини очиб юради деб? Интернетдан ўрин олган кўп сонли порнографик сайтлар олдида эса бу ахборот ҳали ҳолва!¹²

Кўриб турганингиздек, глобаллашув ўзининг таъсирини барча соҳаларда ўтказмоқда. Бу ўзгаришлар ёшларнинг саломлашишдан тортиб, соч турмаклашгача, кийинишдан тортиб ўзини тутишгача бўлган соҳаларда кўзга ташланмоқда.

Глобаллашув жараёнида миллий анъана ва маросимларда, кийиниш, хулқ-атворда юз бораётган ўзгаришларни баҳолаш мураккаб жараён. Берилаётган баҳоларнинг тўғри ёки нотўғри эканини вақт кўрсатади. Ушбу ҳодисани миллий маънавиятимиз, ёшларимиз дунёқараши, маданиятига маънавий-руҳий оламига таҳдид солмаслиги учун ана шу маънавиятимиз негизи бўлган таянч кадриятларни аниқлаб олишимиз ва уларни фақат муҳофаза қилиш эмас, бойитиш, ривожлантириш тўғрисида қайғуришимиз керак.

Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, «Ёшларимизни «тайёрига - айёр» кайфиятидан озод этишимиз яъни, уларни интернет ва ижтимоий тармоқларидаги тайёр берилаётган манбалардан ҳеч бир мулоҳаза қилмай фойдаланишдан, илм олиш, ўқиш, изланиш машаққатига жалб этишимиз,

¹¹ Умаров Б. «Ғарб тамаддуни: инкироз аломатлари». «Тафаккур» журнали, 2/2007 йил, 16-бет.

¹² Абдуллаева Н. «Интернет «Жиддий ўйинчокми?». «Туркистон» газетаси 2006 йил 15 май № 21 (14933)

мумтоз адибларимизнинг асарларидан ўқиб фойдаланишга ўргатишимиз зарур. Мана шундагина бугунги авлод аждодлар ва авлодлар ўртасида ўзига хос кўприк, тарих ва келажакни боғловчи ворисийлик занжири бўлиб, замон зайли билан ўзларининг елкаларига юкланган энг асосий вазифаларини, тарих ҳамда келажак олдидаги бурчларини ситқидилдан адо этган бўладилар.

Муҳокама учун саволлар

1. Дунёда глобал ўзгаришларни вужудга келиш сабаблари?
2. Илмий Техника Тараққиёти (ИТТ) ва Илмий Техника Инқилоби (ИТИ) деганда нималарни тушунасиз?
3. Глобаллашув атамасининг маънаси нима?
4. Ҳозирда глобаллашув жараёнига дунё давлатларининг муносабати қандай?
5. Полигон сўзи қандай маънони англатади?
6. Глобаллашув жараёнида Ўзбекистоннинг танлаган йўли?
7. Ҳиндистоннинг машҳур давлат арбоби Маҳатма Ганди глобаллашув даврига ўзининг қандай муносабатини билдирган?
8. Мафкуравий полигон сўзи қандай маънони англатади ва уни фанда ким биринчи бўлиб қўллаган?

2-мавзу: Фуқаролик жамиятини ривожлантиришда мактаб таълимнинг ўрни

1.1. Маъруза машғулотнинг таълим технологияси модели

Машғулотга ажратилган вақт – 2 с	Тингловчилар сони – 25 нафар
Машғулотнинг шакли	Кириш-ахборотли маъруза
Маъруза режаси	1. Таълим муассасалари мафкуравий муассаса сифатида. 2. Фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида МТМнинг роли. 3. МТМ таълимида миллий ғоя тарғиботи: муаммо ва ечимлар.
Маъруза машғулотининг мақсади:	Тингловчиларда фуқаролик жамиятини ривожлантиришда мактабгача таълимнинг ўрни ҳақидаги компетенцияларни шакллантириш.
Педагогик вазифалар: 1. Фуқаролик жамиятини ривожлантиришда мактабгача таълимнинг ўрни йўналишида муаммоли савол, масала ва вазиятларни тингловчиларга тақдим этиш ҳамда муаммони ҳал этиш жараёнини бошқариш; 2. Фуқаролик жамиятини ривожлантиришда мактаб таълимнинг ўрнини ўрганиш бўйича матнли, графикли ва муаммоли топшириқларни бериш. 3. Ҳамкорлик технологияси асосида ишларни амалга ошириш.	Ўқув фаолияти натижалари: Тингловчилар: - муаммоли савол, масала ва вазиятларни ҳал этиш орқали ўз тасаввурларини аниқлаштиришади; - Фуқаролик жамиятини ривожлантиришда мактаб таълимнинг ўрни ўрганиш бўйича матнли, графикли ва муаммоли топшириқлар билан танишадилар ва амалда бажарадилар; - ҳамкорлик технологияси асосида ишларни амалга оширадилар.
Таълим бериш усуллари	Маъруза, тушунтириш, мунозара, муаммоли таълим, “Беш минутлик эссе”, “Нима учун” схемаси.
Таълим бериш шакллари	амалий, индивидуал, гуруҳий.
Таълим бериш воситалар	Машғулот ишланмаси, тарқатмали материаллар, слайд, графикли органайзерлар.
Таълим бериш шароити	Махсус техник воситалар билан жиҳозланган аудитория.
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки назорат: савол-жавоб, ўз-

1.2. Маъруза машғулотининг технологик харитаси

Иш босқичлари ва вақти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	Тингловчи
Ташкилий қисм	1. Давоматни аниқлаш. 2. “Танишув харитаси” асосида гуруҳ билан танишиш	
1-босқич. Ўқув машғулотиغا кириш (15 минут)	1.1. Мавзунинг номланиши, мақсад ва кутилаётган натижаларини баён этади. 1.2. “Б–Б–Б” стратегиясининг “Биламан” устунини тўлдиришни сўрайди. 1.3. Фаннинг тузилмавий-мантиқий чизмасини тақдим этади: модуллар ва ўқув модулларига қисқача таъриф беради. 1.4. Фан миқёсида бажариладиган методик ва ташкилий ишлар билан таништиради. 1.5. Фаннинг рейтинг назорат тизими ва баҳолаш мезонларини тушунтиради.	Тинглайдилар, ёзиб оладилар. “Б–Б–Б” стратегиясининг “Биламан” устунини тўлдиришади. Саволлар билан мурожаат этадилар, аниқ тасавурлар тизимига эга бўлишади Рейтинг қайдномасини тўлдиришади
2-босқич. Асосий босқичи (55 минут)	2.1. “Б–Б–Б” стратегиясининг “Билмоқчиман” устунини тўлдириш сўралади. 2.2. Мавзу бўйича маъруза матнини тарқатади, унинг режаси ва асосий тушунчалари билан танишишни таклиф этишади. 2.3. Тақдимот технологияси ёрдамида асосий назарий маълумотларни баён этади. Жалб қилувчи саволлар билан мурожат этади, мавзунинг энг асосий тушунчаларини ажратиб кўрсатади, ҳар бир ўқув бирилиги бўйича хулосалар қилади.	“Б–Б–Б” стратегиясининг “Билмоқчиман” устунини тўлдиришади. Тинглайдилар, савол-жавобларда иштирок этишади, муҳим чизма ва жадвалларни ўз дафтарларига қайд этишади.

<p>3-босқич. Яқуний босқич (10 минут)</p>	<p>3.1. “Б–Б–Б” стратегиясининг “Билиб олдим” устунини тўлдириш сўралади. 3.2. “Б–Б–Б” чизмаларни ўқитиш орқали талабаларнинг умумий тасаввурларини аниқлайди. 3.3. Аниқ тасаввурлар шаклланмаган қисмларини қайта тушунтиради. 3.4. Мустақил иш учун топшириқ беради ва уни баҳолаш мезонлари билан таништиради.</p>	<p>“Б–Б–Б” стратегиясини тугаллашади ва ўз тасаввурларини бошқаларники билан таққослайди. Ўз тасаввурларини бойитади ва тўлдиради. Топшириқни ёзиб олишади.</p>
--	---	---

2-мавзу: Фуқаролик жамиятини ривожлантиришда мактаб таълимининг ўрни

Режа:

1. Таълим муассасалари мафкуравий муассаса сифатида.
2. Фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида МТМнинг роли.
3. МТМ таълимида миллий ғоя тарғиботи: муаммо ва ечимлар.

Таълим муассасалари мафкуравий муассаса сифатида. Жамиятдаги айрим муассасалар ўз хусусияти ва функциясига кўра мафкурага бевосита дахлдор муассасалар ҳисобланади. Мафкура ўз моҳиятига кўра бўлинмас ва яхлит механизм бўлганлиги учун ҳам унинг амалиётини мафкуравий муассасалар ва унда фаолият юритувчи мафкурачи шахсларсиз тасаввур этиб бўлмайди.

Мафкуравий муассасалар деганда моддий товар ва маҳсулотлар ишлаб чиқармайдиган асосан, инсон онгини ривожлантириш ёки янада такомиллаштириш билан шуғулланадиган, фаолияти бевосита инсон онгига йўналтирилган ижтимоий институтлар тушунилади. Улар доирасига оила, маҳалла, барча таълим муассасалари (яъни, мактабгача таълим муассасалари, мактаблар, литцей ва коллежлар, олий ўқув юртлари, малака ошириш ва қайта тайёрлаш институтлари), ижодкорлик уюшмалари (масалан: ёзувчилар уюшмаси кабилар), радио ва телевидения ҳамда сиёсий партиялар ва бошқа ахборот яратувчи ҳамда уни узатувчи муассасалар киради. Диний мазмундаги мафкуралар дунёвий мазмундаги мафкуралардан фарқли ўларок юқорида санаб ўтилган мафкуравий муассасалар қаторида махсус ташкил этилган ибодатхона (масжид, черков, синогogia ва ҳақозо)лардан ҳам мафкуравий муассаса сифатида фойдаланадилар.

Жамиятдаги барча институт ва муассасалар ҳам мафкуравий муассаса ҳисобланавермайди. Бирор муассасага мафкуравий муассаса сифатида ёндашишнинг асосий мезони сифатида унинг муайян бир мафкура таъсирида

эканлиги ва унда ғояларни сингдириш амалга оширилаётганлиги эътиборга олинади. Шу нуқтаи назардан олиб қаралганда мактаб энг асосий мафкуравий муассасалардан бири ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ёш авлоднинг онги ва тафаккурини шаклланишида мактаб таълими ва ундаги педагог ходимларнинг роли беқиёс эканлигини ҳисобга олган ҳолда Президентимиз Ислоом Каримов “агарки дунё иморатлари ичида энг улуғи мактаб бўлса, касбларнинг ичида энг шарафлиси ўқитувчилик ва мураббийликдир”¹³, дейди.

Дарҳақиқат, жамиятда миллий ғояни сингдириш амалиётида мактабгача таълимнинг ўрни ва роли жуда юқори бўлиб уни тўғри йўлга қўйиш орқали бу муҳитда тарбияланаётган ҳар бир инсонни шахс сифатида шаклланиши учун қулай имконият вужудга келтириш мумкин.

Мактабгача таълими орқали йўлга қўйилган мураббий ва тарбияланувчи, тарбияланувчи ва тарбияланувчи муносабатларида “ўзаро фикр алмашувлар, ҳозирги давр, давлат ва мамлакатлар, инсоният тақдири ва истиқболи ҳақидаги мулоҳазалар тарбияланувчида аниқ-равшан тасаввурлар ҳосил этади ва уларга индивидуал муносабатлар, шундан келиб чиқадиган баҳоларни вужудга келтиради”¹⁴.

МТМда олиб борилаётган миллий ғояни сингдириш амалиётида илмий, умуминсоний ва миллий асосда шаклланган ғоялар тарбияланувчиларга шахсий ва ижтимоий мақсадни англаишда ва уларга бу мақсадларга тўсик бўлувчи вайронкор кучларни моҳиятини тушуниб етишларида беқиёс аҳамият касб этади. Зеро, мана шундай муҳитда тарбияланувчи ўз ўзлигини ва фуқаролик позициясини англаб этади. Ўз вақтида англаб етилган “мен” ва фуқаролик позицияси тарбияланувчиларда ижтимоий-сиёсий жараёнларда оқилона ҳаракат қилиш кўникмасини шакллантиради. Бевосита таълим тизими орқали тарбияланувчиларда шакллантирилган мазкур кўникма ва малакалар уларнинг ижтимоий-сиёсий жиҳатдан маданиятлилик даражасини белгилаб беради.

Таъкидлаш лозимки, ҳар бир шахснинг ижтимоий-сиёсий муносабатлардаги маданиятлилик даражаси жамиятда асосан, икки таъсир, яъни ташқи ва ички таъсир натижасида вужудга келади ва ривожланади. Ташқи таъсир бу - жамиятда мафкуралар, мафкуравий институтлар (яъни, мактабгача таълим муассасалари, мактаблар, литцей ва коллежлар, олий ўқув юртлари, малака ошириш ва қайта тайёрлаш институтлари), ижодкорлик уюшмалари (масалан: Ёзувчилар уюшмаси кабилар), радио ва телевидения ҳамда сиёсий партиялар ва бошқа ахборот яратувчи ҳамда уни узатувчи муассасалар) ҳамда давлат органлари фаолияти орқали вужудга келадиган, инсонга бутун умри давомида давлат ва жамият қонун-қоидаларни тушунтириб, эслатиб турадиган таъсир тури ҳисобланади.

Ички таъсир эса ташқи таъсир натижасида шаклланадиган инсондаги ички ирода ҳамда ўзлигини уйғониш жараёни ҳисобланади. У орқали инсон

¹³ И.А.Каримов. Юксак маънавият енгилмас куч.Т.: “Маънавият”, 2008.131-бет.

¹⁴ Каримов И. Ноосфера: геосиёсат ва мафкура. Т.: “Фан”, 2007. - 172-бет.

ҳеч қандай ташқи таъсирларсиз ҳам ўз-ўзини бошқара олиш кўникмасига эга бўлади. Мафкуравий амалиётда барча муассасалар ҳам кишиларга бир вақтни ўзида ҳар икки таъсирни кўрсата олмайди. Масалан, давлат органларининг аксарияти (масалан: ички ишлар идоралари, прокуратура ва ҳаказолар) кишилар устидан ташқи таъсирни амалга оширади. Бу ташкилотлар фаолиятида кишиларга ички-руҳий томондан таъсир этиш имконияти мавжуд эмас. Лекин, жамиятда шундай мафкуравий муассаса борки, у бир вақтни ўзида инсонларга ташқи таъсир кўрсатган ҳолда айни вақтда уларда ички ирода ҳамда миллий ўзлигини уйғотиш жараёнини ҳам амалга оширади. Бу муассасанинг номи юқорида тилга олганимиздек дунё иморатлари ичида энг улуғи бўлган мактабдир.

Жамиятдаги барча кишилар томонидан айниқса, таълим тизимида фаолият олиб бораётган ўқитувчи ва мураббийлар томонидан мактабга мафкуравий муассаса сифатида ёндашилиши ва бу ерда миллий ғояни сингдириш амалиётини тўғри йўлга қўя олиши ниҳоятда муҳим масала ҳисобланади. Бу масалага тўғри ёндашган жамият аъзолари (айниқса ўқитувчи ва мураббийлар) мафкура соҳасидаги билимлари орқали ўзлари ва ёш авлодларининг бахтли келажакларининг мактабдек мустаҳкам таянч нуқтаси ва қафолатига эга бўлишади.

Фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида МТМнинг роли.

Маълумки, жаҳондаги давлатлар, халқлар ва ижтимоий-сиёсий кучлар ўртасидаги муносабатлар, айниқса ижтимоий жараёнлардаги мафкуравий таъсирлар одамлар онги ва қалбига таъсир этмасдан қолмайди. Шу нуқтаи назардан қараганда, ҳозирги мураккаб ва таҳликали даврда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 августдаги 451-сонли Қарорида таъкидланганидек, “ёшларимизни турли мафкуравий хуружлардан ҳимоя қилиш, юртдошларимизнинг ҳаётга онгли муносабатини шакллантириш, ён-атрофда юз бераётган воқеаларга дахлдорлик ҳиссини ошириш, мамлакатимиз мустақиллиги, тинч-осойишта ҳаётимизга хавф туғдириши мумкин бўлган тажовузларга қарши изчил кураш олиб бориш вазифаси ушбу соҳадаги ишларни ... кўриб чиқишни тақозо этмоқда”.

Бу борадаги энг долзарб вазифа – тарбияланувчи ёшлар қалби ва онгига она юртга муҳаббат ҳамда садоқат туйғуларини чуқур сингдириш, миллий ғурурни тарбиялаш масаласидир. Ушбу вазифа билан узвий боғлиқ бўлган муаммо – ёшларнинг фаол фуқаролик позициясини шакллантириш, ҳаётга онгли муносабат, доимо огоҳ ва ҳушёр бўлиб яшаш туйғусини оширишдир. Шу маънода олиб қаралганда ҳар қандай жамият ўз истиқболини кишиларни эътиқод даражасига айланган муайян ғояда кўра олади. Чунки, «жамиятнинг, жамият аҳлининг мустаҳкам ва равшан мафкураси бўлмаса, ўз олдига қўйган аниқ бир мақсад-муддаоси бўлмаса, у муқаррар равишда инқирозга юз тутаети»¹⁵.

Мана шундай табиий ҳақиқатнинг исботи ўлароқ мамлакатимизда 2001 йил 18 январда Ўзбекистон Президентининг «Миллий истиқлол ғояси:

¹⁵ Каримов И.А.. Жамиятимиз мафкураси халқни-халқ миллатни –миллат қилишга хизмат этсин. Т. «Ўзбекистон», 1999 й, 5-бет.

асосий тушунча ва тамойиллар» фани бўйича таълим дастурларини яратиш ва республика таълим тизимида жорий этиш тўғрисида»ги Фармойиши қабул қилинди. Унга кўра таълим тизимининг барча босқичларида «Миллий истиқлол ғояси ва маънавий асослари» фанлари жорий этилди ва мазкур йилдан педагогика институтларида айнан шу йўналиш бўйича мутахассислар ҳам тайёрлана бошланди.

Жамиятда миллий ғояни тарғиб этиш, ҳалқимиз айниқса ёш авлодни турли маънавий таҳдидлардан асраб қолиш учун илмий асосланган ва замон талабларига мос равишда таълим тизимини танланганлиги жуда катта аҳамиятга эга бўлди. Бу айниқса Ўзбекистонда фуқаролик жамияти қурилишини ғоявий ва назарий жихатдан янада жадаллаштиришга имкон яратди.

Мамлакатимизда миллий ғоя ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида мактаб таълимига алоҳида урғу берилётганлигидан кўзланган асосий мақсад:

– мустақил Ўзбекистоннинг ҳаётий ютуқларини далил-исботсиз атайлаб қоралаш, мустақилликка эришган мамлакатларнинг барчасида мавжуд бўлган умумий муаммоларни «фақат Ўзбекистонда бор» деб талқин қилиш, олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий сиёсат ютуқлари моҳиятини, давлатимизнинг ташқи ва ички сиёсатини сохталаштириш, бузиб кўрсатишга;

– айрим мамлакатлар турмуш тарзи, сиёсий тизимини бир ёқлама кўкка кўтариш; миллий ғояларимизни обрўсизлантиришга;

– кўпмиллатли Ўзбекистон аҳоли ўртасида ижтимоий ҳамкорликни бузишга қаратилган кайфиятларни тарқатиш ва низолар келтириб чиқаришга;

– одамларнинг диний туйғуларини жунбушга келтириш, диний зиддиятларни пайдо қилиш каби ғаразли мақсадларга бевосита таълим тизимидаги ўқув дарслари ва маънавий-маърифий тадбирлар орқали қарши туришдир.

Дарҳақиқат, бугунги кунда таълим-тарбия тизимини бош мақсади бевосита аниқ ва табиий фанларни пухта биладиган, жаҳон майдонида ўз билими орқали рақобатлаша оладиган айна дамда эса, руҳий жихатдан оиласи, ватани ҳамда миллатига нисбатан меҳр-муҳаббат туйғулари шаклланган ёш авлодни тарбиялашдир. Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, «эркин фуқаро маънавиятини, озод шахсни шакллантириш масаласи олдимизда турган энг долзарб вазифалардандир. Бошқача айтганда, биз ўз ҳақ-ҳуқуқларини танийдиган, ўз кучи ва имкониятларига таянадиган, атрофида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга мустақил муносабат билан ёндашадиган, айна замонда шахсий манфаатларини мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган эркин, ҳар жихатдан баркамол инсонларни тарбиялашимиз керак»¹⁶.

Маълумки тарбия ўз моҳиятига кўра, кенг ва тор маъноларда истефода этилади ҳамда ижтимоий ҳаётда амал қилади. Кенг маънода оладиган бўлсак,

¹⁶ Ислом Каримов. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда Ташкент. 1999й. 17-18 бетлар.

тарбия – ижтимоий-маданий тажрибаларни аниқ мақсадни кўзлаган ҳолда авлоддан-авлодга ўтказадиган ва шахснинг камол топиши учун шарт-шароитлар яратадиган алоҳида жараён дир. Тор маънода эса, тарбия – ёшларни ижтимоий турмушнинг мураккаб вазиятларига мослаштириш йўлида катталарнинг биргаликдаги аниқ мақсадга йўналтирган фаолиятини, яъни етук шахсни камол топтириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш жараёнини англатади. Ушбу жараёнлар бир-бири билан узвий боғлиқ дир. Худди шунинг учун ҳам тарбия орқали ёшлар маънавий жихатдан тўғри шакллантиришнинг самарали ташкилий ва педагогик услублари, воситалари ишлаб чиқилиши ҳамда амалиётга жорий этилиши зарур. Буни амалга ошириш жараёни бевосита миллий ғояни рўёбга чиқариш, баркамол авлодни шакллантиришдан иборат бош мақсадга эришишни таъминловчи ҳалқимизнинг миллий маданий-тарихий анъаналарига, урф-одатларига ва умуминсоний қадриятларига асосланган бўлиши лозим.

Таъкидлаш керакки, биз миллат сифатида жуда катта моддий ва маънавий меросга эга бўлган ҳалқмиз. Ҳозирда бунинг исботи сифатида ЮНЕСКО томонидан юртимиздаги 4000дан зиёд моддий ва маънавий мерос рўйхатга олинганлигини айтишни ўзи кифоя. Кўриниб турибдики, тарихан шаклланган моддий ва маънавий меросмиз, боқий анъаналаримиз кўп. Бугунги кунда ҳам улардан ёшларни тарбиялашда кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқ дир. Бинобарин, Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаб кўрсатганидек «Биз мамлакатимизнинг истиқболи ёш авлодимиз қандай тарбия топишига, қандай маънавий фазилатлар эгаси бўлиб вояга етишига, фарзандларимизнинг ҳаётга нечоғли фаол муносабатда бўлишига, қандай олий мақсадларга хизмат қилишига боғлиқ эканини ҳаминиша ёдда тутишимиз керак»¹⁷.

Бугунги кунда, билимлар ва ахборотлар ҳажмининг кўпайиши одамлар дунёқарашининг кенгайиши ва маънавиятининг юксалишига туртки бўлиши шубҳасиз. Айни пайтда, ёшларда тинимсиз ва кенг кўламда келаётган хабарлар ичидан ҳаққоний, объектив ва фойдали маълумотларни ажрата олиш қобилиятини шакллантириш ҳам жуда муҳим вазифа бўлиб бормоқда. Шу нуқтаи назардан қараганда Ўзбекистонда ҳам ўсиб келаётган ёш авлоднинг интеллектуал эҳтиёжларини қондиришга, маданий, маънавий-ахлоқий қадриятларни сақлаб қолишга йўналтирилган, принципиал “ахборот сиёсати” шакллантирилиб ҳаётга жорий этилмоқда.

Таъкидлаш керакки мамлакатимизда замонавий инфор­мацион вазият талабларини ҳисобга олган ҳолда аҳолини айниқса ёшлар қатламини янада кенгроқ ва тизимли ахборот билан таъминлаш учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида 2006 йили махсус қарор қабул қилинди. Бундан кўзланган асосий мақсад таълим муассасалари қошида янги ахборот марказларини барпо этиш, мамлакатдаги кутубхоналар тармоғини тубдан такомиллаштириш эди. Мазкур қарорда олий ва ўрта махсус таълим муассасалари ҳамда кўп сонли умумтаълим мактаблари ҳузурида ахборот-ресурс марказлари

¹⁷ Мулоқот журнали, 1999 йил. № 4. 21-бет.

тузиш кўзда тутилган. Унга кўра, ахборот-ресурс марказларининг асосий вазибалари этиб қуйидагилар белгиланди:

- таълим муассасалари ўқувчилари ҳамда аҳолининг замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда мунтазам таълим олиши ва мустақил равишда таълим олишига кўмаклашиш;

- миллий маънавий-ахлоқий кадриятларни кенг кўламда тарғиб қилиш, халқнинг маданий-тарихий меросидан баҳраманд бўлишини таъминлаш, маънавий бой ва уйғун камол топган шахснинг ижодий ўсиши учун имконият яратиб бериш;

- янги ахборот технологиялари (маълумотлар электрон базалари, интернет ресурслари) асосида аҳолига ахборот хизмати кўрсатиш;

- маданий, таълим, ахборот ҳамда бошқа дастур ва лойиҳаларни биргаликда амалга ошириш учун таълим муассасалари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, миллий маданият марказлари билан ҳамкорликни ривожлантириш ва ҳоказолар.

Бу борадаги ишлар орқали Республикамизда таълим-тарбия тизимини моддий техник базасини янада такомиллаштириш ҳамда уларда ташкил этилаётган дарслар ва маънавий-маърифий тадбирлар сифатини янада яхшилашдан кўзланган асосий мақсад ўқувчи ёшлар онгига миллий ғояни чуқурроқ сингдиришга қаратилгандир. Дарқикат, “таълим-тарбия – онг махсули, лекин айти вақтда онг даражаси ва унинг ривожини белгилайдиган омилдир. Бинобарин, таълим-тарбия тизимини ўзгартирмасдан туриб онгни ўзгартириб бўлмайди. Онгни, тафаккурни ўзгартирмасдан туриб эса, кўзлаган олий мақсад – озод ва обод жамиятни барпо этиб бўлмайди”¹⁸.

МТМ таълимида миллий ғоя тарғиботи: муаммо ва ечимлар. Маълумки, тарихан таълим ва тарбия жараёни ҳеч қачон ғоя ва мафкурадан ҳоли бўлмаган. Жамиятда таълим ва тарбиянинг мафкурасизлашиб қолиши, ёки унда мафкура амалиётини нотўғри йўлга қўйилганлиги доимо инсонларни мақсадсиз қолишга ҳамда уларни ўзлигидан узоқлашишга олиб келган.

Шунга кўра жамиятимизнинг мақсадга эришувида мактабдаги таълим-тарбия жараёни учун миллий ғоя ўта зарурдир. Айти вақтда миллий ғоя ҳар бир фуқаро айтиқса таълим олиш ёшидаги ўқувчилар онгига кириб боришида таълим тизимининг кўмагига муҳтож. Мамлакатимиздаги таълим тизими ва миллий ғоя ўртасида айти шундай тамойиллар асосидаги ўзаро диалектик боғлиқлик мавжуддир.

Мустақилликдан кейин мамлакатимизнинг таълим тизимида амалга оширилаётган барча ислоҳотларда мазкур боғлиқлик ўз аксини топмоқда. Ҳозирда ушбу ислоҳотлар натижасида мамлакатимиз таълим тизимида туб сифат ўзгаришлар вужудга келтирилди. Собиқ Совет давридаги, асосан, “Марказ” манфаатларига хизмат қилувчи таълим тизими инкор этилиб, унинг ўрнида миллий манфаатимизга хизмат қилувчи таълим тизими барпо этилмоқда. Бугунги кунда ушбу тизим ўзбек халқининг бой маънавий ва

¹⁸ Каримов И.А. Жамиятимиз мафкураси халқни халқ миллатни миллат қилишга хизмат этсин. Т.: Ўзбекистон”, 1998. - 17-бет.

моддий меросини ёш авлодга етказишда, уларда бу меъросдан фахр ва ғурур туйғуларини камол топтиришда ҳамда уларни жаҳон илм-фан ютуқларидан бахраманд бўлишида катта аҳамият касб этмоқда.

Албатта, бу жараёнда миллий ғояни сингдириш орқали амалга оширилаётган ишларни инобатга олмаслик мумкин эмас. Бинобарин, миллий ғоя таълим тизимининг мактабгача таълимдан бошлаб, то олий таълимгача бўлган босқичларида “Одобнома”, “Ватан туйғуси”, “Миллий ғоя ва маънавият асослари”, “Шахс ва жамият” ва бошқа шу каби фанлар орқали ёш авлодни онгида ватанни ва инсонни кадрлаш каби туйғуларни ривожлантиришда ва мустақил Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар ҳамда жаҳондаги ғоявий-сиёсий жараёнлар тўғрисидаги билимларни ҳосил қилишда асосий рольни ўйнамоқда.

Мамлакатимизда миллий ғоя шакллантириш амалиётини таълим тизимига киритилиши ижобий ҳол. Уни тўғри ташкиллаштириш эса янада яхшироқдир. Таълим тизимидаги миллий ғояни сингдириш амалиёти ҳақида бундай дейишимизнинг, албатта, асослари мавжуд. Чунки, ҳозирда бу соҳада эришаётган ютуқлар билан бирга, баъзи муаммолар ҳам мавжуд. Бу муаммолар аввало:

- Таълим босқичларининг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда миллий ғояни сингдириш амалиёти тўғри ташкиллаштирилмаганлиги;

- Миллий ғоя туркимидаги фанларни ўқитишда ва айни вақтда бошқа турдаги фанлар орқали миллий ғояни сингдиришда айрим кадрларнинг салоҳиятсизлиги;

- Миллий ғояни сингдириш амалиётидаги ўқув адабиётлари тўлиқ мафкуравий таъсир воситаси даражасида ишланмаганлиги туфайли вужудга келгандир.

Дарҳақиқат, юқорида тилга олинган муаммолар бугунги таълим тизимида мавжуддир. Жумладан миллий ғоя туркимидаги фанларни ўқитиш ва айни вақтда бошқа турдаги фанлар орқали миллий ғояни сингдиришда айрим кадрларнинг салоҳиятсизли мактаб таълимида мавжуд ҳолдир. Мазкур муаммонинг келиб чиқиши сабабларининг айримларига тўхталадиган бўлсак, ҳозирда миллий ғоя туркимидаги фанларнинг баъзи ўқитувчилари ўзини қайдай йўналишда иш олиб бораётганлигини (албатта ўқитувчилигини билган ҳолда лекин), мафкурачи эканлигини билмайди ва ҳис қила олмайди. Шунинг учун ҳам улар томонидан миллий ғояни сингдириш ишига қуруқ дарс ўтиш деб қаралмоқда. Ва ўз-ўзидан бу жараёнда замон талаб этаётган замонавий педагогик технологиялар (ЗПТ) ва ахборот коммуникацион технологиялари (АКТ) ишлатилмай келинмоқда. Натижада бугунги XXI шароитида уйида ҳам кўчада ва хатто мактабда ҳам интернет билан боғланиб ўтирган ўқувчилар учун XX асрнинг 70-80-йилларини эслатадиган фақат қора доска ва оқ бўр ҳамда қуруқ (баъзан сўзларига ўқитувчининг ўзи тушунмайдиган) маъруза орқали дарслар ташкил этилмоқда. Айнан миллий ғоя туркумига кирувчи фанларни айрим мутахассислари томонидан йўл қўйилаётган камчилик ва хатолар шуларни ташкил этса, бошқа турдаги фан ўқитувчилари томонидан ўз фани орқали миллий ғояни сингдириш ишига

нописандлик билан иккинчи ёки учинчи даражали масала сифатида қараш холлари учраб қолмоқда. Мана шундай камчиликларга йўл қўяётган ўқитувчилар ўзларининг иш дастурларида белгилаб қўйилган дарснинг уч мақсадидан бири бўлган тарбиявий мақсадда ўқувчиларга барча фанлар орқали миллий ғоя сингдирилиши лозимлигини унутиб қўймасликлари лозим.

Айнан шу масалада Юртбошимиз Ислон Каримов ҳам шундай деган эди: «Тарбиячиларнинг ўзига замонавий билим бериш, уларнинг маълумотини ошириш каби пайсалга солиб бўлмайдиган долзарб масалага дуч келмоқдамиз. Менинг фикримча, таълим-тарбия тизимини ўзгартиришдаги асосий муаммо ҳам шу ерда, ўқитувчи болаларимизга замонавий билим берсин, деб талаб қиламиз. Аммо замонавий билим бериш учун, аввало мураббийнинг ўзи ҳам шундай билимга эга бўлиши керак»¹⁹. Зеро, биз янги асрда ва янги бир цивилизация даврида яшаймиз. Бу цивилизацияда меҳнат қилиб, ўзининг устида тинмай ишлайдиган, доимий равишда ўз билим эҳтиёжларини қондириб, ўз куч-қуввати ва олган билимларини ўқувчиларининг баркамол бўлиб шаклланишига сарф этадиган хизмат қила оладиган ўқитувчи ва мураббийларгина муносиб ўринни эгаллаши мумкин.

Миллий ғояни сингдириш амалиётидаги муаммолар қаторига яна миллий ғоя туркумидаги ўқув адабиётлари тўлиқ мафкуравий таъсир воситаси даражасида ишланмаганлигини келтириш мумкин. Бу ҳолатга биргина мисол сифатида бугунги ўрта таълим босқичидаги 9-синф ўқувчилари учун мўлжалланган “Миллий ғоя ва маънавият асослари” фани билан ўрта махсус таълим босқичидаги III курс ўқувчилари учун мўлжалланган “Миллий ғоя” ва “Маънавият асослари” фанлари ўртасидаги мавзуларнинг ўхшашлиги ва маълумотларни такрорланиши каби муаммоларни яна мазкур фанларнинг ўқув адабиётлари мафкуравий таъсир воситаси эмас, балки қуруқ маълумотлар тўплами айланиб қолганлигини эътироф этиш керак.

Таълим тизимида олиб борилаётган мафкуравий амалиётнинг шу каби муаммоларини ўз вақтида бартараф этиш лозим. Чунки уларнинг хал этилмаслиги, миллий ғояни сингдириш иши одамлар нигоҳида мавҳумлашиб кетишига ва унга “қуруқ савсата” мақоми берилишига олиб келиши мумкин. Миллий ғояни сингдириш амалиётида бундай вазиятни вужудга келмаслиги учун мавжуд муаммоларни қўйидаги йўллар билан хал этиш лозим:

1) Таълим тизимидаги миллий ғояни сингдириш амалиётида аввало шу ишга муносиб ўқитувчи ва мураббийларни тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш орқали барча фанлар кесимида (ўқувчига бериладиган маълумотлар, имтиёз ёки танбехлар орқали) миллий ғояни зимдан, билвосита амалётга киритиш лозим. Масалан: математика фанида “Сен ўзбексан, сен математикани билмаслигинг уят. Чунки сен: Ал-Хоразмий, ал-Фарғонийнинг авлодсан”, каби усуллар билан миллий ғояни сингдириш амалиётини ташкил этиш мумкин. Барча фанларда ишлатилиши мумкин

¹⁹ Баркамол авлод орзуси. Т. , «Шарқ» нашриёт матбаа концерни Бош таҳририяти. Т. , 1999 йил, 12-бет

бўлган бундай усуллар ўқувчини, аввало, хушёр тортишга, сўнгра миллатидан, давлатидан ғурурланишга ва ўз навбатида уларга лойиқ бўлишга олиб боради.

2) Махсус мафкуралашган фанлар (масалан: “Миллий ғоя ва маънавият асослари”)да мафкуравий амалиёт ўта нозиклик билан, ўқувчиларга тарих ва бугунги кун билан боғлаб олиб борилиши керакки, улардан махсус мафкуралашган фан “иси” чиқмаслиги лозим. Лозим бўлса, бундай фанларни номини ниқоблаш зарур. Масалан: “Миллий ғоя ва маънавият асослари” фани номини “Фуқаролик жамиятини қуриш асослари” номи билан ўзгартирилса, уни мафкуралашган номи ниқобланади ва айни вақтда фаннинг мазмуни ва мақсади янада равшанлашади.

3) Таълим босқичларидаги барча махсус мафкуралашган адабиётларни тўлиқ таҳлил этиш орқали улардаги такрорланишни бартараф этиш керак. Мазкур адабиётларнинг ичидаги фақат маълумот берувчи мавзуларни чиқариб ташлаш ва “ғоя демасдан ғояни – сингдириш” тамойилига асосланган ҳолда ўқувчиларга илғор ғояларни сингдирувчи мавзуларни киритиш лозим.

4) Мафкуралашган адабиётларда ва дарс жараёнларида миллий ғояни сингдириш амалиёти орқали ўзбек халқи нуқтаи назарида ким яхши инсон-у, ким ёмон инсон, қайси йўл тўғри-ю, қайси йўл нотўғри каби масалалар ўқувчилар аудаторияси учун аниқ ва равшан тушунтирилмоғи керак. Бу жараён, ўқувчиларда ушбу категориялар доирасида кўникма ва малака ҳосил бўлгунга қадар давом эттирилиши мақсадга мувофиқдир.

Мактабгача таълим муассасаларидаги таълим ва тарбия орқали миллий ғояни сингдириш амалиёти мана шу тарзда ташкиллаштирилса, бугунги кундаги фақат маълумотлар берувчи адабиётлар ва машғулот жараёнлари ўрнида ҳақиқий мафкуравий таъсир воситаси бўлган адабиётлар ва машғулот жараёнлари вужудга келади.

Миллий ғояни яшовчанлигини таъминлаш энг, аввало, уни мавжуд воқеликдан келиб чиқиб, уни сингдириш ишини қай даражада ташкиллаш олишига боғлиқ. Миллий ғояни сингдириш амалиётининг мазкур хусусияти ҳозирда мактабгача таълимда олиб борилаётган мафкура соҳасидаги ишларни йўлга қўйишда энг устувор тамойиллардан бири бўлмоғи лозим.

Муҳокама учун саволлар

1. Қандай муассасалар мафкуравий муассасалар ҳисобланади?
2. “Ғоя демасдан ғояни – сингдириш” тамойили деганда нимани тушунаси?
3. Мактабгача таълимида замонавий педагогик технологиялар (ЗПТ)нинг миллий ғояни сингдиришдаги роли қандай?
4. Ўз-ўзига таъсир кўрсатиш яъни, “ички таъсир” деганда нимани тушунаси?
5. Жамиятда ташқи таъсирни кимлар ва қайси ижтимоий институтлар амалга оширади?

6. Машғулотлар жараёнида миллий ғояни сингдиришда ахборот комуникацион технологиялар (АКТ)нинг роли қандай?
7. Қандай адабиётлар мафкуралашган адабиётлар сирасига киради?
8. Мафкуравий таъсир воситаларини санаб беринг.

5-мавзу: Ислом Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асаридаги ғояларнинг таълим тизимидаги ўрни.

1.1. Маъруза машғулоти тизимидаги таълим технологияси модели

Машғулотга ажратилган вақт – 2 с	Тингловчилар сони – 25 нафар
Машғулотнинг шакли	Кириш-ахборотли маъруза
Маъруза режаси	1. “Юксак маънавият енгилмас куч” китобининг мазмуни ва моҳияти. 2. “Юксак маънавият – енгилмас куч” асаридаги ғояларнинг таълим тизимидаги аҳамияти.
Маъруза машғулотининг мақсади:	Тингловчиларда Ислом Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асаридаги ғояларнинг таълим тизимидаги ўрни ҳақидаги компетенцияларни шакллантириш.
Педагогик вазифалар: 1. Ислом Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асаридаги ғояларнинг таълим тизимидаги ўрни йўналишида муаммоли савол, масала ва вазиятларни тингловчиларга тақдим этиш ҳамда муаммони ҳал этиш жараёнини бошқариш; 2. “Юксак маънавият – енгилмас куч” асаридаги ғояларнинг таълим тизимидаги аҳамиятини ўрганиш бўйича матнли, графикли ва муаммоли топшириқларни бериш. 3. Ҳамкорлик технологияси асосида ишларни амалга ошириш.	Ўқув фаолияти натижалари: Тингловчилар: - муаммоли савол, масала ва вазиятларни ҳал этиш орқали ўз тасаввурларини аниқлаштиришади; - “Юксак маънавият – енгилмас куч” асаридаги ғояларнинг таълим тизимидаги аҳамиятини ўрганиш бўйича матнли, графикли ва муаммоли топшириқлар билан танишадилар ва амалда бажарадилар; - ҳамкорлик технологияси асосида ишларни амалга оширадилар.
Таълим бериш усуллари	Маъруза, тушунтириш, мунозара, муаммоли таълим, “Беш минутлик эссе”, “Нима учун” схемаси.
Таълим бериш шакллари	амалий, индивидуал, гуруҳий.
Таълим бериш воситалар	Машғулот ишланмаси, тарқатмали материаллар, слайд, графикли органайзерлар.
Таълим бериш шароити	Махсус техник воситалар билан жиҳозланган аудитория.
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки назорат: савол-жавоб, ўз-ўзини назорат қилиш, рефлексия.

1.2. Маъруза машғулотнинг технологик харитаси

Иш босқичлари ва вақти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	Тингловчи
Ташкилий қисм	1. Давоматни аниқлаш. 2. “Танишув харитаси” асосида гуруҳ билан танишиш	
1-босқич. Ўқув машғулотига кириш (15 минут)	1.1. Мавзунинг номланиши, мақсад ва кутилаётган натижаларини баён этади. 1.2. “Б–Б–Б” стратегиясининг “Биламан” устунини тўлдиришни сўрайди. 1.3. Фаннинг тузилмавий-манتيқий чизмасини тақдим этади: модуллар ва ўқув модулларига қисқача таъриф беради. 1.4. Фан миқёсида бажариладиган методик ва ташкилий ишлар билан таништиради. 1.5. Фаннинг рейтинг назорат тизими ва баҳолаш мезонларини тушунтиради.	Тинглайдилар, ёзиб оладилар. “Б–Б–Б” стратегиясининг “Биламан” устунини тўлдиришади. Саволлар билан мурожаат этадилар, аниқ тасаввурлар тизимига эга бўлишади Рейтинг қайдномасини тўлдиришади
2-босқич. Асосий босқичи (55 минут)	2.1. “Б–Б–Б” стратегиясининг “Билмоқчиман” устунини тўлдириш сўралади. 2.2. Мавзу бўйича маъруза матнини тарқатади, унинг режаси ва асосий тушунчалари билан танишишни тақлиф этишади. 2.3. Тақдимот технологияси ёрдамида асосий назарий маълумотларни баён этади. Жалб қилувчи саволлар билан мурожат этади, мавзунинг энг асосий тушунчаларини ажратиб кўрсатади, ҳар бир ўқув бирилиги бўйича хулосалар қилади.	“Б–Б–Б” стратегиясининг “Билмоқчиман” устунини тўлдиришади. Тинглайдилар, савол-жавобларда иштирок этишади, муҳим чизма ва жадвалларни ўз дафтарларига қайд этишади.
3-босқич.	3.1. “Б–Б–Б” стратегиясининг	“Б–Б–Б” стратегиясини

<p>Яқуний босқич (10 минут)</p>	<p>“Билиб олдим” устунини тўлдириш сўралади. 3.2. “Б–Б–Б” чизмаларни ўқитиш орқали талабаларнинг умумий тасаввурларини аниқлайди. 3.3. Аниқ тасаввурлар шаклланмаган қисмларини қайта тушунтиради. 3.4. Мустақил иш учун топшириқ беради ва уни баҳолаш мезонлари билан таништиради.</p>	<p>тугаллашади ва ўз тасаввурларини бошқаларники билан таққослайди. Ўз тасаввурларини бойитади ва тўлдиради. Топшириқни ёзиб олишади.</p>
---	--	---

5-мавзу: Ислом Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асаридаги ғояларнинг таълим тизимидаги ўрни.

Режа:

1. “Юксак маънавият енгилмас куч” китобининг мазмуни ва моҳияти..
2. “Юксак маънавият – енгилмас куч” асаридаги ғояларнинг таълим тизимидаги аҳамияти.

“Юксак маънавият енгилмас куч” китобининг мазмуни ва моҳияти.

Инсоният тараққиётининг барча даврларида халқлар, жамиятлар, давлатлар ва тамаддунларнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий такомиллини таъминлайдиган энг муҳим омил, кишиларни улуғ мақсадлар сари интилишларини бирлаштирувчи бунёдкор куч, инсоннинг юксак фазилатларини ўзида мужассам этган бебаҳо бойлик сифатида хизмат қилиб келган. Шу маънода, ижтимоий-иқтисодий ва технологик тараққиётнинг энг юксак чўққисига кўтарилган, аммо ўз тарихи, маънавий-маърифий ва илмий-фалсафий мероси, азалий урф-одат ва қадриятларига беэътибор бўлган давлат ва жамият, эртами кечми, таназзулга юз тутиши эҳтимолдан холи эмас. Ва аксинча, ана шу бебаҳо бойликка таяниб, уни кўз қорачиғидек асраб-авайлаб ва бойитиб, бўлгуси авлодларга беками-кўст етказиб беришни кўзлаган жамият ҳар жиҳатдан тараққий этиши шубҳасиздир. Шу жиҳатдан қараганда, Президентимизнинг “Юксак маънавият— енгилмас куч” китобида маънавиятнинг маъно-мазмуни, унинг инсон ва жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти, истиқлол йилларида юртимизда маънавий қадриятларимизни тиклаш ва такомиллаштириш борасида амалга оширилган улкан ишлар ҳамда келгусида бажарилиши лозим бўлган вазифалар илмий жиҳатдан теран таҳлил этилиб, мамлакатимизнинг истиқболдаги маънавий янгиланиши ва юксалишига хизмат қиладиган янги ғоя, фикр-мулоҳаза ва хулосалар баён этилган.

2008 йилда “Маънавият” нашриёти томонидан чоп этилган ушбу асар муаллифнинг кўп йиллик кузатишлари, фикр ва мулоҳазалари маҳсули

бўлиб, у ҳар томонлама теран илмий ва ҳаётий қарашларга асосланган. Китоб муқаддима тўрт боб ва хотимадан иборат бўлиб, унда маънавий соҳасига оид қонун ва категориялар, тушунча ва тамойиллар яхлит бир мажмуа ҳолатига келтирилган ва умумий илмий-назарий тизимни ташкил этган.

Китобда кўтарилган муаммолар, илгари сурилган ғоя ва қарашлар, турли масалалар юзасидан баён қилинган фикр-мулоҳазалар ва хулосалар фақат бир миллат, жамият ёки давлат эмас, балки инсониятга хос бўлган умуминсонийлик ва бағрикенглик тамойиллари асосида ёритиб берилган. Шу маънода, маънавий билан боғлиқ масалаларни бутун дунёдаги барча халқлар ва минтақалар учун умуминсоний глобал муаммо сифатида тавсифлаш мазкур китобнинг асосий хусусиятларидан биридир.

Асарда маънавийнинг одамзот учун ҳамма замонларда ҳам энг буюк бойлик бўлиб келгани, инсоният ва жамият тараққиётидаги аҳамияти кўплаб мисоллар орқали кўрсатиб берилган. Унда истиқлол йилларида юртимизда маънавий кадрларимизни тиклаш ва такомиллаштириш борасида амалга оширилган улкан ишлар ҳамда бажарилиши лозим бўлган вазифалар теран таҳлил этилиб, мамлакатимизнинг истиқболдаги янгиланиши ва юксалишига хизмат қиладиган янги ғоя, фикр-мулоҳаза ва хулосалар баён этилган. Бугунги мураккаб глобаллашув даврида маънавий соҳасида вужудга келаётган долзарб муаммолар, халқимиз маънавиятини асраш ва юксалтириш, айниқса ёш авлодни қалби ва онгини турли зарарли ғоя ва мафкуралар таъсиридан сақлаш ва ҳимоя қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Китобнинг муқаддимасида мустамлакачилик ва мустабид тузум даврида топталган маънавий-маърифий меросимиз ва миллий кадрларимизни тиклаш ва замон талаблари асосида ривожлантириш ўта муҳим ҳаётий заруратга айлангани, истиқлол йилларида амалга оширилган туб ислохотларнинг негизини ташкил қилгани, турли ғоявий-мафкуравий тажовуз ва таҳдидларга қарши мустаҳкам қалқон сифатида хизмат қилиб келаётгани, мафкуравий бўшлиқ вужудга келган даврда кишилар қалбига эзгу ғояларни сингдирган ва бунёдкорлик сари етаклаган куч сифатида намоён бўлгани ҳақида фикр юритилади.

Асарнинг “Маънавий — инсоннинг улғайиш ва куч-қудрат манбаидир” деб номланган биринчи бобида маънавийга оид илмий ва бадиий адабиётда илгари сурилган ва амалиётда қўлланадиган ёндашув ва талқинлар, унинг ғоявий, мафкуравий, маърифий, маданий, диний ва ахлоқий жиҳатлари умумлаштирилиб, маънавий — инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, имон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган беқиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир, дея таърифланади. Назаримизда, бу таърифда инсониятнинг маънавий такомили жараёнида вужудга келган илғор қарашлар, шу жумладан, буюк аждодларимизнинг беназир ғоя ва таълимотларигина эмас, балки бугунги шиддатли давр воқелиги ҳам тўлиқ ифодасини топган. Айниқса, глобаллашув жараёни тобора чуқурлашиб, бозор муносабатлари жамият ҳаётнинг барча соҳаларида қарор топиб

бораётган шароитда иқтисодий тараққиётнинг маънавий такомиллашув жараёни билан уйғунлашуви масаласи беқиёс аҳамият касб этади.

Шу маънода, китобда башарият тарихида яшаб ўтган буюк алломаларнинг таълимотлари, замонавий илмда илгари сурилган концепциялар атрофлича таҳлил этилиб, дунёнинг кўпгина давлатларида, айниқса, Ғарб оламида моддий фаровонлик омили устуворлик касб этаётган, инсон ва жамият тараққиётнинг бош тамойили сифатида қарор топаётган бир шароитда моддий ва маънавий омиллар бамисоли парвоз қилаётган қушнинг икки қаноти бўлгани каби, ўзаро уйғун ва муштарак талкин этилиши эътиборга лойиқдир. Зеро, асарда илгари сурилган ва ҳар томонлама асосланган бу ёндашув буюк файласуф Сукротнинг (мил.авв.470-399 йй.) жамият ҳаёти ва унинг такомиллашувида маънавий қадриятларнинг аҳамияти ҳақидаги қарашлари, улуғ аллома боболаримизнинг маънавий-ахлоқий фазилатларнинг инсон ва жамият ривожидида тутган ўрни хусусидаги таълимотларига ҳамоҳанг бўлиб, уларни бугунги воқелик ва замона талаблари асосида янги ғоя ва фикрлар билан бойитади.

Китобнинг “Мустақиллик — маънавий тикланиш ва юксалиш” деб номланган иккинчи бобида миллий ғоянинг маъно-мазмуни, унинг асосий тушунча ва тамойиллари, маънавий ҳаёт билан диалектик боғлиқлиги, жамиятимиз ҳаётини эркинлаштириш ва янгилаш жараёнида маънавий омилнинг тутган ўрни, юртимизда маънавий бойлигимизни асраб-авайлаш ва замон талаблари асосида ривожлантириш, маданият, таълим, илм-фан, адабиёт, санъат ва спорт соҳаларини тараққий эттириш борасида амалга оширилаётган ва келгусида қилинажак ишлар батафсил таҳлил этилиб, аниқ мақсад ҳамда вазифалар белгилаб берилади.

Асарда истиқлол йилларида амалга оширилган янгиланиш жараёнлари туфайли кишиларнинг онгу тафаккури, уларнинг Ватан тақдирига, ён-атрофда юз бераётган воқеа-ҳодисаларга муносабати тубдан ўзгаргани таъкидланади. Шу билан бирга, бу узоқ давом этадиган узлуксиз жараён экани боис, у ҳаётнинг табиий юриши, одамларнинг моддий турмуш даражаси ва маданий савиясининг ривожланиши ва юксалиши билан уйғун ҳолда кечиши, бошқача айтганда, барча соҳаларда бўлгани каби, маънавият соҳасида ҳам ислохотлар бутун дунёда эътироф этилган тараққиётнинг ўзбек моделининг тадрижийлик тамойили негизда амалга оширилиши зарур. Бундай ёндашувнинг аҳамияти шундаки, у ислохотлар даврида жамиятни бошбошдоқлик, инқилобий ларзалардан ҳимоялаб, босқичма-босқич ривожланишини таъминлайди.

Китобнинг “Маънавиятга таҳдид — ўзлигимиз ва келажагимизга таҳдид” деб номланган учинчи бобида глобаллашув жараёни, унинг мазмун-моҳияти, ижобий ва салбий жиҳатлари, хусусан, мафкуравий таъсир ўтказишнинг воситаси сифатида турли сиёсий кучлар манфаатларига хизмат қилаётгани, ушбу жараён орқали миллий қадриятларимизга ёт ғоя ва қарашлар ёпирилиб келаётгани қандай салбий оқибатларни келтириб чиқариши мумкинлиги ҳаётий мисоллар асосида баён этилади. Китобда ҳақли равишда таъкидлаганидек, бундай таҳдидларга қарши ҳар томонлама

чуқур ўйланган, пухта илмий асосда ташкил этилган, мунтазам ва узлуксиз тарзда олиб бориладиган маънавий тарбия, яъни фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан жавоб бериш мумкин.

Асарда айниқса ёшларимизни маънавий тажовузлардан ҳимоя қилишда нафақат ташқаридан қилинаётган хуружлар, балки ҳаётимизда баъзан кўзга ташланаётган ҳасад, бахиллик, бепарволик ва лоқайдлик каби иллатлардан жамиятимизни батамом халос этиш ҳақида ўйлаш зарурлиги уқтирилади. Китобда юқорида баён этилган таҳдидларни бартараф этиш учун маънавий тарбия тизимини тубдан такомиллаштириш, бу соҳада фаолият юритаётган ташкилотлар самарадорлигини ошириш, мураккаб мафкуравий жараёнларни илмий-амалий жиҳатдан атрофлича таҳлил қилиш ва баҳолаш, уларнинг устувор йўналишларини, кимга ва нимага қарши қаратилганини аниқлаш, аҳолининг турли қатламларига таъсирини ўрганиш, миллий манфаатларимизда зид бўлган зарарли ғоя ва мафкуравий хуружларнинг моҳиятини очиб беришга қаратилган дарсликлар, ўқув қўлланмалари ва оммабоп адабиётларни тайёрлаш муҳим аҳамият касб этиши таъкидланади.

Китобнинг “Ватанимиз тараққиётининг мустаҳкам пойдевори” деб номланган тўртинчи бобида таълим-тарбия, телевидение ва оммавий ахборот воситалари, театр, кино, адабиёт, мусиқа, рассомлик ва ҳайкалтарошлик, яъни инсоннинг қалби ва тафаккурига бевосита таъсир ўтказадиган соҳалардаги фаолиятни замон талаблари асосида ривожлантиришнинг амалий масалалари хусусида фикр юритилади.

Муаллиф илм-маърифат, оила, маҳалла, таълим-тарбия каби муҳим фундаментал кадриятларни маънавийни шакллантирадиган асосий мезонлар сифатида кенг таҳлил қилади. Шуниси диққатга сазоворки, маънавий ва моддий ҳаёт, умуман ҳаётнинг моддий ва маънавий асосларининг ўзаро муносабатларидек мураккаб ва зиддиятли муаммолар талқин этилади.

Асарда илк бора “Миллий ғоя” тушунчасига тўлақонли таъриф берилганлигига эътибор қаратиш зарур. Бу атаманинг ишлатилиши миллий истиқлол ғояси эндиликда мустақилликнинг таъминланиши ва мустаҳкамланиши асносида жиддий трансформация бўлганлигини аниқлатади. Шу маънода миллий ғояга оид яратилган барча дарсликлар, ўқув қўлланмалари марказига мазкур китобда кўтарилган хулоса ва қоидаларни қўйиш, улар шу методологик кўрсатмалар асосида тўла модернизация қилиниши зарур деб ҳисоблаймиз.

Китобдаги кўплаб фалсафий, методологик категорияларга реал тус берилган, яъни бугунги жўшқин воқеликка яқинлаштирилган. Хусусан, “инкорни инкор” – бу инқилобий чора эмас, балки мустақиллик арафасида ва унинг дастлабки даврида эволюцион ва босқичма-босқичлик тамойилини аниқлатганлиги таъкидланган.

“Юксак маънавий – енгилмас куч” асаридаги ғояларнинг таълим тизимидаги аҳамияти. Мустақиллик Ўзбекистон учун жуда катта имкониятларни вужудга келтирди. Айни вақтда мустақиллик ўтиш давридаги жамиятимизнинг ҳар томонлама мураккаб тараққиёти масаласини собитлик билан ўз бўйнига оладиган буюк шахсларни ҳам кашф этди. Ўзбекистонда

мустақилликнинг оғир маъсулияти туфайли кашф этилган буюк шахслардан бири бу шубхасиз Ислом Абдуғаниевич Каримовдир.

Ислом Каримов ўз фаолиятидан келиб чиққан ҳолда фақат иқтисодчи ёки сиёсатчигина эмас, у том маънода Ўзбекистон жамиятини барча соҳаларини тушуна олган ва уларда янги-янги ислохотларни ташаббускори бўлган қомусий шахсдир.

Жамиятда миллий ғоя ва маънавиятни шакллантириш ва жамиятимизда мафкуравий таҳдидларга қарши курашни ташкил этиш Ислом Каримов фаолиятида асосий бўғинни ташкил этади. Муаллиф томонидан ёзилган “Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура”, “Аллоҳ қалбимизда, юрагимизда”, “Жамиятимиз мафкураси халқни - халқ, миллатни - миллат қилишга хизмат этсин”, “Тарихий хотирасиз келажак йўқ”, “Ўз келажакимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз”, “Миллий истиқлол мафкураси - халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир” “Юксак маънавият – енгилмас куч” ва бошқа шу каби асарларнинг мазмуни айнан бунини тасдиқлайди.

Мазкур асарларда Президент И.А.Каримов томонидан тараққиётнинг янги тамойиллари, миллий маънавий тикланишнинг ўзига хос бўлган концепсияси ишлаб чиқилди. Бу концепсияда мамлакатимиз ва халқимиз тараққиётининг таъминлашнинг асосий омили сифатида миллий-маънавий тикланиш устивор ўрин эгаллаган. Унга кўра маънавият жамият тараққиёти, миллат камолоти ва инсон баркамоллигини белгилаб берувчи асосий мезонлардан бири ҳисобланади, чунки маънавият ривожлангандагина жамиятда иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий барқарорлик вужудга келади ҳамда мамлакат ва миллат тараққий этади.

Ислом Каримов томонидан ёзилган асарларда, айтилаётган фикрлар ва маърузаларида Ўзбекистоннинг сиёсий-иқтисодий ва маънавий ривожланишининг таъминлаб берадиган йўл йўриқлар кўрсатилмоқда. Том маънода Ўзбекистоннинг ривожланишини маънавий соҳадаги стратегик вазифаларини белгилаб берган асарлардан бири “Юксак маънавият – енгилмас куч” номли асари бўлиб, бу асар мамлакатимизда янги жамият қуришни, жумладан, таълим тизимида миллий ғоя ва маънавият тарғиботини йўлга қўйишнинг маънавий асосларини акс эттирилиши жихатидан мукамал фундаментал дастур бўла олади.

Ислом Каримов ушбу асарида мустақил Ўзбекистоннинг ривожлантиришнинг маънавий - ахлоқий негизларининг кўрсатиб ўтиб, қуйидагиларни белгилаб беради:

- Миллий ва умуминсоний кадрларга содиқлик, халқимизнинг маънавий меросининг мустахкамлаш ва ривожлантириш;
- Тарихий меросни асраб авайлаш ва ундан маънавият масалаларида алоҳида фойдаланиш;
- инсонни англаш ва унга ўз имкониятларининг эркин намоён қилиши учун шароит яратиб бериш;
- ватанпарварлик;
- маънавий жасорат.

Асарда кўтарилган ушбу ғоялар бугунги таълим тизимида ёш авлодни руҳий-маънавий жиҳатдан баркамол қириб тарбиялаш учун жуда катта аҳамиятга эгадир.

“Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида жамиятда, жумладан таълим тизимида маънавиятни юксалтириш фақат қуруқ даъватлар ва назарий фикрлар билан чекланиб қолмасдан, доимий, ҳар томонлама пухта ўйланган тизимли равишда олиб боришлик таъкидланиб, шундагина инсон қалбига йўл топиш мумкинлиги айтилади. Бу ҳақида муаллиф: “биз бугунги кунда таълим-тарбия соҳасидан бошлаб, матбуот, телевидение, интернет ва бошқа оммавий ахборот воситалари, театр, кино, адабиёт, мусиқа, рассомлик ва ҳайкалтарошлик санъатигача, бир сўз билан айтганда, инсоннинг қалби ва тафаккурига бевосита таъсир ўтказадиган барча соҳалардаги фаолиятимизни халқнинг маънавий эҳтиёжлари, замон талаблари асосида янада кучайтиришимиз, янги босқичга кўтаришимиз зарур. Айниқса, барча даврларда ҳам ғоят мураккаб ва масъулиятли бўлган бу ишларни ўз зиммасига олган, эски қолиплардан воз кечиб, бу соҳада янги йўللарни очиб бераётган, одамларнинг дунёқарашини янада бойитиш учун тинимсиз меҳнат қилаётган фидойи инсонларнинг бир қарашда кўзга ташланмайдиган, лекин катта кунт, билим ва тажрибани талаб қиладиган интилиш ва амалий ҳаракатларини кенг қўллаб-қувватлашимиз, уларнинг самарали натижаларга эришиши учун ҳар томонлама шароит яратиб беришимиз лозим”²⁰ - дейди.

Ислом Каримов жамият маънавиятини юксалишини ўқитувчи ва мураббийларсиз тасаввур этиб бўлмаслигини тўғри баҳолаган ҳолда ўз асарида шундай дейди: “Барчамизга аёнки, инсон қалбига йўл аввало таълим-тарбиядан бошланади. Шунинг учун қачонки бу ҳақда гап кетса, аждодларимиз қолдирган бебаҳо меросни эслаш билан бирга, ота-оналаримиз қатори биз учун энг яқин бўлган яна бир буюк зот - ўқитувчи ва мураббийларнинг олижаноб меҳнатини ҳурмат билан тилга оламиз.

Биз юртимизда янги авлод, янги тафаккур соҳибларини тарбиялашдек масъулиятли вазифани адо этишда биринчи галда ана шу машаққатли касб эгаларига суянамиз ва таянамиз, эртага ўрнимизга келадиган ёшларнинг маънавий дунёсини шакллантиришда уларнинг хизмати нақадар беқиёс эканини ўзимизга яхши тасаввур қиламиз.

Бу ёруғ оламда ҳар бир одам ўзининг меҳрибон ота-онасига, устоз ва муаллимларга нисбатан ҳамиша миннатдорлик туйғуси билан яшайди. Инсон ўз умри давомида қандай ютуқ ва натижаларга эришмасин, қаерда, қандай лавозимда ишламасин, мактаб даргоҳида олган таълим-тарбияси унинг етук шахс ва малакали мутахассис бўлиб шаклланишида улкан аҳамиятга эга экани шубҳасиз²¹.

Шундай экан жамиятда биз зиёлилар, ўқитувчи ва мураббийлар албатта Президентимиз ишончларини оқлашимиз, таълим ва тарбия жараёнида ҳар бир ёш авлодни юксак маънавият ва интелект эгаси этиб тарбиялашимиз лозим. Бу йўлда ўқитувчи ва мураббийлар маҳаллага ундаги нуруний

²⁰ Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч. Т.: “Маънавият”, 2008.

²¹ Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч. Т.: “Маънавият”, 2008.

оқсоқолларга ҳамда маҳалладаги диний маърифат ва маънавий - ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчиларга таянишимиз улар билан ҳамкорликда иш олиб боришимиз лозимдир. Чунки кейинги йилларда маҳалла тузулмаларида ҳам катта ишлар амалга оширилди. Буни Президентимизнинг ўзлари ҳам таъкидлаб, “Янги жамият бунёдкори бўлмиш янги инсонни тарбиялашда ҳозирги пайтда маҳаллаларимизда самарали фаолият олиб бораётган, бу ноёб тузилмани том маънода ўзини ўзи бошқариш идорасига айлантиришга катта ҳисса қўшиб келаётган маҳалла оқсоқоллари ва фаоллари, фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий - ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчиларининг ижобий таъсири тобора ортиб бормоқда. Айнан ана шу инсонларнинг одамлар кўнглига йўл топиб, уларнинг дарду ташвишига шерик бўлиб, ўз вақтида бераётган амалий ёрдамлари, тўғри ва ўринли маслаҳатлари туфайли оила ва маҳалла муҳитида, бутун диёримизда тинчлик ва осойишталик, ўзаро меҳр-оқибат туйғулари кучайиб бораётганини эл-юртимиз юксак қадрлайди. Айниқса, ёш йигит ва қизларимизнинг мустақил ҳаётга кириб бориши, ёш оилаларнинг жамиятдан ўзига муносиб ўрин топишида бу фидойи ва меҳрибон, жонкуяр одамларнинг қанчалик муҳим роль ўйнаётганини ҳурмат билан эътироф этишимиз лозим”²² – дейди.

Таъкидлаш лозимки, Президентимиз ўз асарларида бераётган фикрларига кўра ҳозирда ёш авлодни маънавияти ва тарбияси масаласида ўқитувчи ва мураббийлар, маҳалла ва кенг жамоатчилик, маданият ва санъат ахли баб-баробар ҳаракат қилмоғи керак. Шундагина биз ёш авлодни ҳозирги миллийлигимизга ёт бўлган “оммавий маданият” сингари бузуқ иллатлардан сақлаб қола оламиз.

Ислом Каримов ўзининг “Юксак маънавият енгилмас куч” асарида ёш авлодга салбий таъсир этаётган иллатлар ҳақида шундай дейди: “Биз учун ахлоқий жиҳатдан номаъқул, миллий кадрият ва қарашларимизга ёт бўлган, лекин ҳозирги вақтда ҳаётимизга кириб бораётган мана шундай кўринишларни бамисоли юқумли касаллик деб қабул қилишимиз лозим. Ва айти шу асосда бундай хуружларнинг ўта хавфли ҳолат эканини англашимиз зарур. Нега деганда, агар инсоннинг қулоғи енгил-елпи, тумтароқ оҳангларга ўрганиб қолса, бора-бора унинг бадий диди, мусиқа маданияти пасайиб кетиши, унинг маънавий оламини сохта тушунчалар эгаллаб олиши ҳам ҳеч гап эмас. Охир-оқибатда бундай одам «Шашмақом» сингари миллий меросимизнинг ноёб дурдоналарини ҳам, Моцарт, Бетховен, Бах ва Чайковский каби дунё тан олган буюк композиторларнинг асарларини ҳам қабул қилиши қийин бўлади”²³.

Ислом Каримов бундай ҳолатларнинг олдини олиш ва ўсиб келаётган ёш авлоднинг маънавий олами ва маданий савиясини юксалтириш учун ўз асари орқали қуйидаги ғоя ва вазифаларни белгилаб беради:

- санъаткорлар орасида соғлом ижодий муҳит ташкил қилиш;
- ёшларимизнинг миллий ва жаҳон мусиқа маданиятининг мумтоз асарлари билан бирга, уларнинг кайфияти ва интилишларига мос келадиган

²² Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч. Т.: “Маънавият”, 2008.

²³ Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч. Т.: “Маънавият”, 2008.

замонавий эстрада санъати намуналаридан кенг бахраманд бўлиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш;

- мусикий таълимни янада ривожлантириш;
- дунё ва миллий театр санъатидан ёшларни бахраманд этиш;
- театрларда юксак бадиият ва ҳаққонийлик, эзгу мақсадларга хизмат қилиш руҳи билан суғорилган асарлар яратиш;
- Кино санъатини миқдор кетидан қувишини тўхтатиш ва уни мазмунини бойитиш;
- тасвирий санъат ва монументал санъатдан маънавиятни юксалтириш ролидан фойдаланиш;

Айтиш лозимки, ушбу “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида белгилаб берилганилаган ғоя ва вазифаларни бажарилиши жамиятимизда жумладан, таълим тизимида маънавиятни том маънодаги бунёткор кучини кўрсатиш имкониятни вужудга келтиради ва ёш авлодда маънавий жасорат соҳиблари етишиб чиқишини таъминлаб беради.

Таълим-тарбия жараёнида зарур бўладиган ва айнан “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида кўтарилган ғоялардан янама бири бу маънавий жасорат ҳақидаги ғоядир.

Ислом Каримов ўз асарида маънавий жасорат ҳақида ҳамда ватандошларимизнинг шундай жасоратлари тўғрисида жуда тўлқинланиб гапиради: “Мен ўз ҳаётим, иш фаолиятим давомида маънавий жасорат соҳибни бўлган, ҳар томонлама етук шахслар билан мулоқотда бўлганим, замондош бўлиб яшаганимдан доимо фахрланиб юраман.

Ана шундай ватандошларимиздан бири машҳур археологик олим, академик Яҳё Ғуломов эди. Ўз даврининг фидойи алломаси бўлган бу инсонни мен яхши билардим. У ўзининг мустақил фикрига эга, керак бўлса, юқори лавозим эгаларига ёқмайдиган тўғри гапларни ҳам дадил айта оладиган улкан олим эди.

Тарихчилар яхши билади, одатда тепаликлар қаърида тарихий обидалар, бутун бир шаҳар қолдиқлари ястанган бўлади. Шўро даврида, фақат томлардагина пахта экилмай қолган бир пайтда ана шундай қадимий тепаликларни ҳам текислаб, пахта даласига айлантиришдек бемаъни сиёсат авж олган эди. Бундай номаъқул ишга жасур олим Яҳё Ғуломов қарши чиққанини мен яхши эслайман. Унинг ана шу фазилати туфайли тазйиқ кўрганини ҳам эшитганман. Лекин бу инсон ўзининг қалбидаги маънавий жасорат ҳисси туфайли ҳаётини ва илмий қарашларида собит турганини маданий жамоатчилигимиз яхши билади.

Мен ўйлайманки, адолатни ҳамма нарсадан устун деб биладиган, тарих ва келажак олдидаги масулиятни ҳис этадиган, ҳақиқий ватанпарвар одамгина шундай мардликка қодир бўлади”²⁴.

Ислом Каримов яна шундай маънавий жасорат соҳиблари дея шоира Зулфияхонимни, олим ва жамоат арбоби Озод Шарафиддинов каби буюк

²⁴ Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч. Т.: “Маънавият”, 2008.

инсонларни ҳам санаб ўтади. Уларни юртдошларимизга, униб-ўсиб келаётган болаларга маънавий жасорат тимсоли сифатида намуна қилиб кўрсатади.

Кўриниб турибдики, бугунги кунда таълим тизими орқали ёшларимиз Ислом Каримов асарларини ўрганиш орқали Ўзбекистонда маънавиятга қаратилаётган эътиборни, мустақиллигининг шарт-шароитларини ва айни вақтда унга қарши қаратилган мафкуравий таҳдидлар ҳамда шу шароитда миллий ғоя ва миллий маънавиятни жамият ва шахснинг маънавий юксалишининг манбаи ҳамда ватанимиз тараққиётининг мустаҳкам пойдевори эканлигини мукаммал билиб оладилар. Натижада мазкур асарларда кўтарилган ғоялар уларнинг турли бузуқ маънавий - мафкуравий таҳдидлар ҳамда уларга қарши курашувчи миллий ғоя ва миллий маънавиятимиз тўғрисидаги билимлари иқтисодий, сиёсий, маънавий асослар билан янада бойиб боради.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Ислом Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асари шахсда ғоявий билимдонликни, маънавиятни ривожланиши ва унда мафкуравий иммунитетни қарор топишида асосий роль ўйновчи таълим-тарбия жараёни учун зарур бўлган фундаментал асарлардан бири ҳисобланади.

Таълим - тарбия жараёнида Ислом Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” ва шу қаторидаги барча асарларини ўрганиш ёшларда қуйидаги фикрларни вужудга келишига имкон беради. **Биринчидан**, бу асарлар фақатгина Президентимизнинг ақл-заковотининг махсули бўлибгина қолмай, улар ўзбек халқининг менталитетини бор бўй-басти билан кўрсатиб берувчи, ўзбек миллатини тағдирини, келажагини акс эттирувчи жамиятимиз учун ҳам, дунё ҳамжамяти учун ҳам асосий манба ҳисобланади. **Иккинчидан**, мазкур асарларни мустақилликка йилларини солномаси ҳам дейиш мумкин. Уларда фақатгина муайян бир соҳа қамраб олинмаган. Бу асарларда мустақил тараққиётимизнинг сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий, мафкуравий ҳамда ташқи сиёсатдаги муаммолар, эришилган ютуқлар тўлалигича акс этган бўлиб, айниқса бу жараёнлардан чиқарилган хулоса ва тажрибалар бу асарлар халқчиллигини янада оширган. **Учинчидан**, Ислом Каримов асарларида собиқ шўро тузуми даврда йўл қўйилган барча хато ва камчиликлар, собиқ СССРнинг юртимизда олиб борган ғайриинсоний сиёсати тўлалигича очиқ берилган. Мустақилликдан кейин бу асарлар жамиятда одамларимиз онгидаги эскича психологияни ўзгартиришда ва айниқса, бугунги кунда жамиятимиз барқарорлигига қарши қаратилган мафкуравий таҳдидларни бартараф этишда беқиёс аҳамият касб этмоқда.

Ҳозирда жамиятимизнинг тобора эркинлашуви, фуқаролик жамияти институтларининг ривожланиши қонуниятли равишда турли ижтимоий-сиёсий фикрлар, ғоялар ва шу асосда мафкураларнинг шаклланишига олиб келади. Бу қувонарли ҳол албатта, лекин, бундай мафкуралар орасида миллий манфаатимизга зид бўлган, мамлакатимиз тараққиётига тўсқинлик қилувчи маънавий бузуқликка ундовчи, уни тарғиб этувчи таҳдидлар ҳам бўлиши мумкин.

Албатта, бу жараёнда миллий маънавий тараққиётимизнинг концептуал асоси бўлган Ислом Каримов барча асарларини жамиятнинг барча жабхаларида жумладан, таълим-тизимида чуқур, фундаментал тарзда ўрганишни талаб этади. Айни вақтда мазкур асарлар устида олиб борилган тадқиқот ишлари мақсадга мувофиқ ҳолда, барча таълим тизимида маънавий-мафкуравий таълимнинг самарадорлигини ошириш мақсадида ташкил этилсагина, кўзда тутилган натижаларга эришиш мумкин бўлади.

Муҳокама учун саволлар

1. “Юксак маънавият енгилмас куч” асари қачон яратилган?
2. “Юксак маънавият – енгилмас куч” асари нечта бобдан иборат?
3. Инсонларда маънавиятни шакллантирадиган асосий мезонларга нималар киради?
4. “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида қандай ғоялар илгари сурилган?
5. “Маънавий жасорат” деганда нимани тушунасиш?
6. Ислом Каримов “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида маънавият тушунчасига қандай таъриф беради?
7. “Маънавий жасорат” соҳиби бўлган Яхё Ғуломовнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида сўзлаб беринг.
8. “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида кўтарилган ғоялар ўқувчи ёшлар ҳаётида қандай аҳамиятга эга?

**“МИЛЛИЙ ҒОЯ ВА МАЪНАВИЯТ АСОСЛАРИ” ФАНИДАН АМАЛИЙ
МАШҒУЛОТЛАР БЎЙИЧА ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ
ИШЛАНМАЛАРИ**

**3-мавзу: Фуқаролик жамиятини ривожлантиришда мактаб
таълимнинг ўрни**

1.1. Амалий машғулотнинг таълим технологияси модели

Машғулотга ажратилган вақт – 2 с	Тингловчилар сони – 25 нафар
Машғулотнинг шакли	Мавзу бўйича билимларни кенгайтириш ва мустахкамлаш юзасидан семинар.
Амалий машғулот режаси	1. Фуқаролик жамиятини ривожлантиришда мактабдаги (фан йўналиши бўйича) дарсларнинг роли. 2. Фуқаролик жамиятини ривожлантиришда мактабда амалга ошириладиган маънавий-маърифий тадбирларнинг роли. 3. Мактаб таълимида миллий ғоя тарғиботи: мавжуд муаммолар ва уларнинг ечимлари.
Амалий машғулотнинг мақсади:	Тингловчиларда фуқаролик жамиятини ривожлантиришда мактабгача таълимнинг ўрни ҳақидаги компетенцияларни шакллантириш.
Педагогик вазифалар: 1. Фуқаролик жамиятини ривожлантиришда мактабгача таълимнинг ўрни йўналишида муаммоли савол, масала ва вазиятларни тингловчиларга тақдим этиш ҳамда муаммони ҳал этиш жараёнини бошқариш; 2. Фуқаролик жамиятини ривожлантиришда мактаб таълимнинг ўрнини ўрганиш бўйича матнли, графикли ва муаммоли топшириқларни бериш. 3. Ҳамкорлик технологияси асосида	Ўқув фаолияти натижалари: Тингловчилар: - муаммоли савол, масала ва вазиятларни ҳал этиш орқали ўз тасавурларини аниқлаштиришади; - Фуқаролик жамиятини ривожлантиришда мактаб таълимнинг ўрни ўрганиш бўйича матнли, графикли ва муаммоли топшириқлар билан танишадилар ва амалда бажарадилар; - ҳамкорлик технологияси асосида ишларни амалга оширадилар.

ишларни амалга ошириш.	
Таълим бериш усуллари	Маъруза, тушунтириш, мунозара, муаммоли таълим, “Беш минутлик эссе”, “Нима учун” схемаси.
Таълим бериш шакллари	амалий, индивидуал, гуруҳий.
Таълим бериш воситалар	Машғулот ишланмаси, тарқатмали материаллар, слайд, графикли органайзерлар.
Таълим бериш шароити	Махсус техник воситалар билан жиҳозланган хона.
Мониторинг ва баҳолаш	Ўз-ўзини назорат қилиш, рефлексия.

1.2. Амалий машғулотнинг технологик харитаси

Иш босқичлари ва вақти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	Тингловчи
Тайёрлов босқичи.	Мавзуни аниқлайди, таълимий мақсадни белгилайди ва кутилаётган натижаларни шакллантиради. Топшириқларни ишлаб чиқади. Гуруҳлар учун ёзма йўриқномаларни тайёрлайди. Баҳолаш мезонларини ишлаб чиқади.	
1-босқич. Ўқув машғулотига кириш (15 минут)	1.1. Амалий машғулотнинг номи, режаси, мақсад ва кутилаётган натижаларни етказиши. Машғулот муаммоли вазият асосида боришини маълум қилади. Машғулотни ўтказиш бўйича тушунтириш беради ҳамда тингловчиларни керакли материаллар ва адабиётлар билан таништиради.	Тинглашади, тушуниб топшириқларни ёзиб олишади.
2-босқич. Асосий босқичи (55 минут)	2.1. Тингловчилар эътиборига муаммоли масала (топшириқлар)ни тақдим этади. 2.3. Тингловчиларга муаммоли саволлар билан мурожаат этади. 2.4. Тингловчиларга муаммоли вазият тақдим этади. 2.2. Тингловчиларни муаммоли масалани ечишга даъват этади.	Муаммоли масала (топшириқ) ва унинг моҳиятини тушуниб олади, унинг ечимини топишга киришади. Тинглашади, тушуниб ёзиб олади. Мунозараларда иштирок этади.

	2.5. Машғулот юзасидан якуний хулосаларни тақдим этади.	Саволларга жавоб топади.
3-босқич. Якуний босқичи (10 минут)	3.1. Тингловчиларнинг машғулот юзасидан фикр ва мулоҳазалирини билиш мақсадида “Беш минутлик эссе” ёзишларини ташкил қилади. 3.2. “Беш минутлик эссе”ларни ўқитиш орқали тингловчиларнинг умумий тасаввурларини аниқлайди. 3.3. Аниқ тасаввурлар шаклланмаган қисмларини қайта тушунтиради. 3.4. Уйга вазифа ва мустақил иш учун топшириқ беради ва уларни бажариш бўйича кўрсатмалар беради.	“Беш минутлик эссе” ёзади. Ўз эсселарини ўқиб эшиттиради, фикр ва мулоҳазаларни билдиради. Ўз фикрларини бойитади ва тўлдиради. Топшириқларни ёзиб олади.

3-мавзу: Фуқаролик жамиятини ривожлантиришда мактаб таълимининг ўрни


Режа:

1. Фуқаролик жамиятини ривожлантиришда мактабдаги (фан йўналиши бўйича) дарсларнинг роли.
2. Фуқаролик жамиятини ривожлантиришда мактабда амалга ошириладиган маънавий-маърифий тадбирларнинг роли.
3. Мактаб таълимида миллий ғоя тарғиботи: мавжуд муаммолар ва уларнинг ечимлари.

Амалий машғулотни ташкил этиш тартиби. Амалий машғулотлар маъруза дарсларига нисбатан мураккаброқ ҳисобланади. Бунинг сабаби маъруза дарсларида асосан субъект маъруза ўқувчи (ўқитувчи), объект эса тингловчилар бўлса, амалий машғулотларда бир вақтни ўзида ўқитувчи ва тингловчилар ҳам субъект ҳам объект бўлишлари мумкин. Шунинг учун ҳам амалий машғулотларга тайёргарликни ҳар икки томон ҳам амалга оширади. Бунинг учун амалий машғулотдан аввалроқ маъруза дарсининг сўнгида келаси амалий машғулотнинг мавзуси ва мавзу режалари тингловчиларга олдиндан тайёрланиш учун берилиши зарур. Хусусан, “Фуқаролик жамиятини ривожлантиришда мактаб таълимининг ўрни” мавзусидаги амалий машғулотнинг мавзу режалари сифатида қуйидаги режалар берилиши мумкин:

1. Фуқаролик жамиятини ривожлантиришда мактабдаги (фан йўналиши бўйича) дарсларнинг роли.
2. Фуқаролик жамиятини ривожлантиришда мактабда амалга ошириладиган маънавий-маърифий тадбирларнинг роли.
3. Мактаб таълимида миллий ғоя тарғиботи: мавжуд муаммолар ва уларнинг ечимлари.

Амалий машғулот бошланган вақтда машғулотни олиб борувчи ўқитувчи тингловчиларга эслатма сифатида яна бир карра мавзунини ва мавзу режаларини айтиб ўтади. Сўнгра мавзу режани нечта эканлигига қараб, тингловчилар гуруҳи имкон қадар тенг равишда кичик гуруҳларга бўлиб юборилади. Кичик гуруҳлар ичидан гуруҳ лидери гуруҳ хошишига кўра танлаб қўйилади. Масалан, юқоридаги мавзу режалар бўйича тингловчилар гуруҳи уч кичик гуруҳларга ажратилади ва уларга гуруҳ лидерлари тайинланади.



Амалий машғулотни олиб борувчи ўқитувчи томонидан кичик гуруҳларга ўзаро фикр алмашиниб олишлари учун 5 ёки 10 дақиқа вақт берилади. Ўзи эса, кичик гуруҳларни амалий машғулотдаги иштирокини баҳолаб бориши учун уларни рақамлар бўйича ёки гуруҳ лидерларини исми ва фамилиялари бўйича қайд этиб олади.

Амалий машғулот бошланишидан аввал ўқитувчи ҳар бир кичик гуруҳга аввало ўз мавзу режасини тўлақонли бажариш вазифасини юклайди ва қолаверса кичик гуруҳлар ўртасида бахс-мунозарани кучайтириш мақсадида бир кичик гуруҳ бошқа бир кичик гуруҳга юқоридаги мавзу режалар асосида муаммоли савол ва мулоҳазаларни бериш имкониятини мавжудлигини ҳам айтиб ўтади.

Амалий машғулотни олиб борувчи ўқитувчи 80 дақиқали амалий машғулотни ташкилий қисм ва хулоса чиқаришга кетадиган ўртача вақтни чиқариб ташлаган ҳолда ҳар бир кичик гуруҳ учун ўртача 20 дақиқа ичида ўзларига берилган мавзунини мазмун-моҳиятини очиб беришга вақт (регламент) ажратиб беради.

Амалий машғулотнинг ташкилий қисм ҳамда кичик гуруҳлар ўртасида ўзаро фикр алмашиш тугагач сўз режа бўйича биринчи кичик гуруҳга

берилади.

Биринчи кичик гуруҳ, “Фуқаролик жамиятини ривожлантиришда мактабдаги (фан йўналиши бўйича) дарсларнинг роли” мавзусида тайёрланган фикр ва мулоҳазаларини баён этадилар.

Шу ўринда айтиш лозимки, ушбу биринчидаги мавзу режани малака оширишга келган ҳар бир гуруҳ ўз тоифаси доирасида ёритилиши мақсадга мувофиқдир. Бу масалан қуйидагича бўлиши мумкин: “Фуқаролик жамиятини ривожлантиришда МТМдаги машғулотларнинг роли” ёки мудиранинг фаолияти ва ҳақозо. Бунинг учун амалий машғулотни олиб борувчи ўқитувчи ушбу мавзу режани тингловчиларга беришда албатта шу тингловчилар гуруҳи қандай мутахасисликка эга эканлигини ҳисобга олиши даркор. “Фуқаролик жамиятини ривожлантиришда мактабдаги (фан йўналиши бўйича) дарсларнинг роли” режаси шундай ташкил этилса, амалий машғулотда қайси тоифадаги тингловчи бўлишидан қатъий назар тингловчиларнинг иштирок этиши нисбатан осонлашади ва айни дамда тингловчи ўз мутахасислик йўналишини миллий ғоя билан интеграцион боғлаш имкониятига эга бўлади.

Ҳар бир кичик гуруҳларга берилган мавзу режалар шу шаклда баён этилиши жараёнида амалий машғулотни олиб бораётган ўқитувчи аввало кичик гуруҳларнинг:

- мавзу режани ёритишдаги фаоллигини;
- фикр ва мулоҳазаларининг илмий асосланганлигини;
- тингловчиларининг педагогик техникасини;
- ишонтира олиш қобилиятини;
- мавзу режани ёритишда кўргазмали қуроллар: доска, ватмн қоғозлар ва проекторлардан фойдаланиш даражасини қайд этиб боради.

Зарур ўринларда мунозара жараёнига “ақлий хужум”, “савол жавоб” ёки “ривоят терапия” каби методлар билан аралашган ҳолда баҳс-мунозарани янада жонланишига туртки бериб (катализатор бўлиб) туради.

Ҳар учала кичик гуруҳ ҳам ўз мавзу режаларини ёритиб, баҳс ва мунозарани тамомлаб бўлгач, амалий машғулот олиб борувчи ўқитувчи машғулот давомида айtilган барча фикр ва мулоҳазаларни умумлаштиради. Сўнгра умумлаштирилган фикр ва мулоҳазалар асосида умумий хулоса чиқарилади. Хулоса чиқариш жараёнида амалий машғулот мавзусининг мазмун-моҳиятига асосий урғу берилиб, шу йўналишда яна амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар, кўрсатма ва таклифлар айтиб ўтилади.

Амалий машғулот сўнгида ўқитувчи томонидан ҳар бир кичик гуруҳнинг:

- мавзу режани ёритишдаги фаоллиги;
- фикр ва мулоҳазаларининг ҳаётий ва илмий жиҳатдан асосланганлиги;
- кичик гуруҳдаги тингловчиларининг педагогик техникаси;
- ишонтира олиш қобилияти;
- мавзу режани ёритишда кўргазмали қуроллар: доска, ватмн қоғоз ва проекторлардан фойдаланиш даражаси изоҳланиб ўтилади ва баҳоланади.

Келиб чиққан баҳолар бўйича энг юқори баҳони олган кичик гуруҳга биринчи ўрин, қолганларига эса, иккинчи ва учинчи ўринлар берилади. Амалий машғулот тугашидан аввал ўқитувчи томонидан тингловчиларга миллий ғояни мазмун-моҳиятини янада чуқур тушуниш ва уни ўқувчиларга сингдириш учун зарур бўладиган қўшимча адабиётлар рўйхати тавсия этилади.

Қўшимча фойдаланиш тавсия этиладиган адабиётлар

1. Каримов И.А. Жамиятимиз мафкураси халқни – халқ, миллатни – миллат қилишга хизмат этсин. – Т.: “Ўзбекистон”, 1998.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида хавсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари // Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.: 6. - Т.: 1998.
3. Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкураси - халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. Т.8. -Т.: «Ўзбекистон», 2000.
4. Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч.Т.: “Маънавият”, 2008.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 18 январда қабул қилинган «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» фани бўйича таълим дастурларини яратиш ва Республика таълим тизимида жорий этиш тўғрисида»ги Фармойиши. «Маърифат» газетаси. 2001 йил 20 январь.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 августда қабул қилинган «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги 451-сонли Қарори. «Халқ сўзи» газетаси, 2006 йил 26 август.
7. Миллий ғоя ва раҳбар маъсулияти. Т.: “Ғофур Ғулом” нашр. 2007.
8. Миллий истиқлол ғояси. Олий ўқув юртлири учун дарслик. –Т.: «Академия». 2014.

4-мавзу: Мафкуравий муаммолар, маънавий таҳдидлар ва баркамол шахс тарбияси.

1.1. Амалий машғулотнинг таълим технологияси модели

Машғулотга ажратилган вақт – 2 с	Тингловчилар сони – 25 нафар
Машғулотнинг шакли	Мавзу бўйича билимларни кенгайтириш ва мустақамлаш юзасидан семинар.
Амалий машғулот режаси	1.Мафкуравий муаммо ва маънавий таҳдидлар барқарор тараққиётимиз учун улкан хавф сифатида. 2.Мафкуравий муаммо ва маънавий таҳдидлар қарши ёшларда маънавий-мафкуравий иммунитетни шакллантириш йўллари. 4.Баркамол шахс тарбиясида “Оила – маҳалла – таълим муассасаси” ҳамкорлик тизими: муаммо ва ечимлар
Амалий машғулотнинг мақсади:	Тингловчиларда Мафкуравий муаммо ва маънавий таҳдидлар қарши ёшларда маънавий-мафкуравий иммунитетни шакллантириш йўллари ҳақидаги компетенцияларни шакллантириш.
Педагогик вазифалар: 1. Мафкуравий муаммолар, маънавий таҳдидлар ва баркамол шахс тарбияси йўналишида муаммоли савол, масала ва вазиятларни тингловчиларга тақдим этиш ҳамда муаммони ҳал этиш жараёнини бошқариш; 2. Мафкуравий муаммолар, маънавий таҳдидлар ва баркамол шахс тарбиясини ўрганиш бўйича матнли, графикли ва муаммоли топшириқларни бериш. 3. Ҳамкорлик технологияси асосида ишларни амалга ошириш.	Ўқув фаолияти натижалари: Тингловчилар: - муаммоли савол, масала ва вазиятларни ҳал этиш орқали ўз тасавурларини аниқлаштиришади; - Мафкуравий муаммолар, маънавий таҳдидлар ва баркамол шахс тарбиясини ўрганиш бўйича матнли, графикли ва муаммоли топшириқлар билан танишадилар ва амалда бажарадилар; - ҳамкорлик технологияси асосида ишларни амалга оширадилар.
Таълим бериш усуллари	Маъруза, тушунтириш, мунозара, муаммоли таълим, “Беш минутлик

	эссе”, “Нима учун” схемаси.
Таълим бериш шакллари	амалий, индивидуал, гуруҳий.
Таълим бериш воситалар	Машғулот ишланмаси, тарқатмали материаллар, слайд, графикли органайзерлар.
Таълим бериш шароити	Махсус техник воситалар билан жиҳозланган хона.
Мониторинг ва баҳолаш	Ўз-ўзини назорат қилиш, рефлексия.

1.2. Амалий машғулотнинг технологик харитаси

Иш босқичлари ва вақти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	Тингловчи
Тайёрлов босқичи.	Мавзунини аниқлайди, таълимий мақсадни белгилайди ва кутилаётган натижаларни шакллантиради. Топшириқларни ишлаб чиқади. Гуруҳлар учун ёзма йўриқномаларни тайёрлайди. Баҳолаш мезонларини ишлаб чиқади.	
1-босқич. Ўқув машғулотига кириш (15 минут)	1.1. Амалий машғулотнинг номи, режаси, мақсад ва кутилаётган натижаларни етказиши. Машғулот муаммоли вазият асосида боришини маълум қилади. Машғулотни ўтказиш бўйича тушунтириш беради ҳамда тингловчиларни керакли материаллар ва адабиётлар билан таништиради.	Тинглашади, тушуниб топшириқларни ёзиб олишади.
2-босқич. Асосий босқичи (55 минут)	2.1. Тингловчилар эътиборига муаммоли масала (топшириқлар)ни тақдим этади. 2.3. Тингловчиларга муаммоли саволлар билан мурожаат этади. 2.4. Тингловчиларга муаммоли вазият тақдим этади. 2.2. Тингловчиларни муаммоли масалани ечишга даъват этади. 2.5. Машғулот юзасидан якуний хулосаларни тақдим этади.	Муаммоли масала (топширик) ва унинг моҳиятини тушуниб олади, унинг ечимини топишга киришади. Тинглашади, тушуниб ёзиб олади. Мунозараларда иштирок этади. Саволларга жавоб топади.
3-босқич.	3.1. Тингловчиларнинг машғулот	“Беш минутлик эссе”

<p>Якуний босқичи (10 минут)</p>	<p>юзасидан фикр ва мулоҳазалирини билиш мақсадида “Беш минутлик эссе” ёзишларини ташкил қилади. 3.2. “Беш минутлик эссе”ларни ўқитиш орқали тингловчиларнинг умумий тасаввурларини аниқлайди. 3.3. Аниқ тасаввурлар шаклланмаган қисмларини қайта тушунтиради. 3.4. Уйга вазифа ва мустақил иш учун топшириқ беради ва уларни бажариш бўйича кўрсатмалар беради.</p>	<p>ёзади. Ўз эсселарини ўқиб эшиттиради, фикр ва мулоҳазаларни билдиради. Ўз фикрларини бойитади ва тўлдиради. Топшириқларни ёзиб олади.</p>
---	---	--

4-мавзу: Мафкуравий муаммолар, маънавий таҳдидлар ва баркамол шахс тарбияси.

Режа:

3. Мафкуравий муаммо ва маънавий таҳдидлар барқарор тараққиётимиз учун улкан хавф сифатида.
4. Мафкуравий муаммо ва маънавий таҳдидлар қарши ёшларда маънавий-мафкуравий иммунитетни шакллантириш йўллари.
5. Баркамол шахс тарбиясида “Оила – маҳалла – таълим муассасаси” ҳамкорлик тизими: муаммо ва ечимлар.

Амалий машғулотни ташкил этиш тартиби. Амалий машғулот маъруза дарсларидан ўзининг бахс-мунозарага бойлиги, хилма-хил фикрларнинг илгари сурилиши ва фақат ўқитувчи томонидан эмас, балки тингловчилар иштирокида мавзу юзасидан хулоса ҳамда таклифларни ишлаб чиқиши билан ажралиб туради. Амалий машғулотда мақсадга эришиш учун аввало тингловчиларни жонлантириш зарур ҳисобланади. Бунинг учун амалий машғулотни ташкил этишда бир қатор методларни қўллаш талаб этилади. Жумладан амалий машғулотда ишлатилиши зарур методлар қаторига “Муаммо ва ечим” методи, “Сукротча” ўқитиш методи, “Ақлий хужум” ва “Айлана стол” методлари²⁵ кабилар киради. Ушбу методлар албатта амалий машғулот мавзусининг мазмун-моҳиятига мос ҳолда ўқитувчи томонидан танланади ва амалда қўлланилади.

Юқоридаги “Мафкуравий муаммолар, маънавий таҳдидлар ва баркамол

²⁵ Қаранг: Н.Сайидахмедов. Президент Ислом Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” номли асарини олий таълим муассасаларида ўқитиш технологияси. Т.: “Info capital Group”, 2011.

шахс тарбияси” мавзусига кўпроқ “Муаммо ва ечим” методи мос келади ва шунинг учун ҳам амалий машғулоти олиб борадиган ўқитувчига ушбу методни қўллаш тавсия этилади.

“Муаммо ва ечим” методи орқали ташкил этиладиган амалий машғулотларда аниқ ва олдиндан саралаб олинган муаммоли савол ёки вазиятлар ёрдамида ўқитувчи тингловчиларни қўйилган саволларга жавобларни индивидуал ёки кичик гуруҳларга бўлинган ҳолда фаол излашга, мустақил фикр билдиришга йўналтиради.

“Муаммо ва ечим” методига асосланган амалий машғулотнинг таркибий элементлари мавзуда кўтарилаётган муаммо, муаммоли вазият, муаммоли савол ҳисобланади. Ўқитувчи амалий машғулоти жараёнида дарс мавзусининг тугунли саволларини ажратиб олади ва уларни аудиториянинг фаоллигини таъминлаш ҳамда ечимларни излаб топиши учун кетма-кет равишда бериб боради.

Бундай ҳолларда муаммоли вазият ва саволларни қўйилиши икки турда бўлиши мумкин. Уларнинг биринчиси мавзунинг мазмунидан келиб чиққан ҳолда мавжуд муаммоларни аниқлаб олишга қаратилса, иккинчиси эса, аниқланган муаммоларни ечимига қаратилган бўлади. Бу икки турдаги савол ва вазиятлар тингловчиларда ходиса ва воқеаликни чуқур таҳлил қилиш ҳамда аниқланган муаммоларга ечим топиш ва уни амалда қўллаш бўйича кўникма ва малакаларини ҳосил қилади.

Бугунги “Мафкуравий муаммолар, маънавий таҳдидлар ва баркамол шахс тарбияси” мавзуси бўйича ўқитувчи томонидан амалий машғулоти (мавзунинг режаси сифатида) қуйидаги асосий саволлар қўйилиши мумкин:

1. Мафкуравий муаммо ва маънавий таҳдидлар барқарор тараққиётимиз учун улкан хавф сифатида.

2. Мафкуравий муаммо ва маънавий таҳдидлар қарши ёшларда маънавий-мафкуравий иммунитетни шакллантириш йўллари.

3. Баркамол шахс тарбиясида “Оила – маҳалла – таълим муассасаси” ҳамкорлик тизими: муаммо ва ечимлар.

Амалий машғулоти давомида муҳокама қилинаётган, юқорида келтирилган асосий саволларга ечим топиш бўйича мунозарани ушлаб туриш ҳамда бахсни янада кучайтириш мақсадида ўқитувчи томонидан вазиятга қараб қуйидаги аниқловчи ва тўлдирувчи саволлар бериб борилади:

– Мафкуравий муаммо ва маънавий таҳдидлар деганда нимани тушунасан?

– Маънавий таҳдид ҳисобланмиш “оммавий маданият”нинг асл моҳияти қандай?

– Маълумотларга кўра, ҳозирда бутун дунёда қанча террорчилик ташкилотлари мавжуд?

– “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги Қонун қачон қабул қилинган ва унинг қабул қилишдан кўзланган мақсад?

– Миллий мафкурамизнинг бош ва асосий ғояларини айтиб беринг.

– Мафкуравий муаммо ва маънавий таҳдидларга қарши қандай йўллар билан кураш олиб бориш лозим?

– Баркамол шахс тарбиясида “Оила – маҳалла – таълим муассасаси”нинг роли қандай?

Амалий машғулот давомида асосий муаммоли саволлар ҳамда кўшимча аниқловчи-тўлдирувчи саволларга жавоблар ва ечимлар тингловчилар томонидан айтиб бўлингач ўқитувчи тингловчиларни хулоса чиқаришга ва шу хулосалар юзасидан таклиф ва тафсиялар беришга ундайди. Амалий машғулот сўнггида ўқитувчи томонидан тингловчилар айтган фикр ва мулоҳазалар умумлаштиради ҳамда умумий хулоса, тавсия ва таклифлар берилади. “Муаммо ва ечим” методига асосланган амалий машғулот шу йўсинда бўлиб ўтади.

Малака оширишга турли фан йўналишларидаги (мутахасисликдаги) тингловчиларнинг келишини ҳисобга оладиган бўлсак, юқорида келтирилган мавзунинг режаси сифатидаги саволлар ёки мавзунинг энг асосий таянч тушунчалари ва шу асосдаги мавзунинг қисқача маъруза матни тингловчиларга олдиндан бериб қўйилиши мақсадга мувофиқдир. Шундай қилинган тақдирда амалий машғулот ўтказиладиган кунга қадар турли (инглиз тили, математика, жисмоний тарбия ва ҳақозо) фан йўналишларидаги тингловчилар гуруҳи “Миллий ғоя ва маънавият асослари” фанидаги ушбу мавзуларга олдиндан тайёргарлик кўриб олиш имкониятига эга бўлади. Бунинг натижасида тингловчилар аввало амалий машғулотларга мустақил тайёргарлик кўради ҳамда ўз йўналишидаги мутахасислик фани билан “Миллий ғоя ва маънавият асослари” фанини ўзаро боғлаб олади.

Шу нуқтаи назардан ёндашилган ҳолда қуйидаги таянч тушунчалар ва мавзунинг қисқача матни ҳамда кўшимча фойдаланиш учун адабиётлар рўйхати тингловчиларга олдиндан ўрганиш учун тавсия этилади:

Кўшимча фойдаланиш тавсия этиладиган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. - Т.: «Ўзбекистон», 2014.
2. Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида (янги таҳрири). Ўзбекистон Республикасининг қонуни. - Т.: «Адолат», 1998.
3. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлидан. 6-жилд. - Т.: «Ўзбекистон», 1998.
4. Каримов И.А. Биз танлаган йўл демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. 11-жилд. - Т.: «Ўзбекистон», 2003.
5. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. - Т.: «Маънавият», 2008.
6. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. –Т.: «Ўзбекистон», 2011.
7. Абдуллажонов О. Диний ақидапарастликнинг келиб чиқиши, моҳияти ва Ўзбекистонга кириб келиши. - Т.: «Академия», 2000.
8. Ш.Ғоибназаров. Оммавий маданият.Т.: “Ўзбекистон”, 2013.

6-мавзу: Ислом Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асаридаги ғояларнинг таълим тизимидаги ўрни.

1.1. Амалий машғулотнинг таълим технологияси модели

Машғулотга ажратилган вақт – 2 с	Тингловчилар сони – 25 нафар
Машғулотнинг шакли	Мавзу бўйича билимларни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш юзасидан семинар.
Амалий машғулот режаси	1. “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида кўтарилаган ғоялар. 2. Энг буюк жасорат - “маънавий жасорат” 3. Маънавият ва моддийликлик тушунчаларининг мазмун моҳияти.
Амалий машғулотнинг мақсади:	Тингловчиларда “Юксак маънавият – енгилмас куч” асаридаги ғояларнинг таълим тизимидаги ўрни ҳақидаги компетенцияларни шакллантириш.
Педагогик вазифалар: 1. “Юксак маънавият – енгилмас куч” асаридаги ғояларнинг таълим тизимидаги ўрни йўналишида муаммоли савол, масала ва вазиятларни тингловчиларга тақдим этиш ҳамда муаммони ҳал этиш жараёнини бошқариш; 2. “Юксак маънавият – енгилмас куч” асаридаги ғояларнинг таълим тизимидаги ўрнини ўрганиш бўйича матнли, графикли ва муаммоли топшириқларни бериш. 3. Ҳамкорлик технологияси асосида ишларни амалга ошириш.	Ўқув фаолияти натижалари: Тингловчилар: - муаммоли савол, масала ва вазиятларни ҳал этиш орқали ўз тасавурларини аниқлаштиришади; - “Юксак маънавият – енгилмас куч” асаридаги ғояларнинг таълим тизимидаги ўрнини ўрганиш бўйича матнли, графикли ва муаммоли топшириқлар билан танишадилар ва амалда бажарадилар; - ҳамкорлик технологияси асосида ишларни амалга оширадилар.
Таълим бериш усуллари	Маъруза, тушунтириш, мунозара, муаммоли таълим, “Беш минутлик эссе”, “Нима учун” схемаси.
Таълим бериш шакллари	амалий, индивидуал, гуруҳий.
Таълим бериш воситалар	Машғулот ишланмаси, тарқатмали материаллар, слайд, графикли органайзерлар.
Таълим бериш шароити	Махсус техник воситалар билан жиҳозланган хона.
Мониторинг ва баҳолаш	Ўз-ўзини назорат қилиш, рефлексия.

1.2. Амалий машғулотнинг технологик харитаси

Иш босқичлари ва вақти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	Тингловчи
Тайёрлов босқичи.	Мавзуни аниқлайди, таълимий мақсадни белгилайди ва кутилаётган натижаларни шакллантиради. Топшириқларни ишлаб чиқади. Гуруҳлар учун ёзма йўриқномаларни тайёрлайди. Баҳолаш мезонларини ишлаб чиқади.	
1-босқич. Ўқув машғулотига кириш (15 минут)	1.1. Амалий машғулотнинг номи, режаси, мақсад ва кутилаётган натижаларни етказиши. Машғулот муаммоли вазият асосида боришини маълум қилади. Машғулотни ўтказиш бўйича тушунтириш беради ҳамда тингловчиларни керакли материаллар ва адабиётлар билан таништиради.	Тинглашади, тушуниб топшириқларни ёзиб олишади.
2-босқич. Асосий босқичи (55 минут)	2.1. Тингловчилар эътиборига муаммоли масала (топшириқлар)ни тақдим этади. 2.3. Тингловчиларга муаммоли саволлар билан мурожаат этади. 2.4. Тингловчиларга муаммоли вазият тақдим этади. 2.2. Тингловчиларни муаммоли масалани ечишга даъват этади. 2.5. Машғулот юзасидан яқуний хулосаларни тақдим этади.	Муаммоли масала (топшириқ) ва унинг моҳиятини тушуниб олади, унинг ечимини топишга киришади. Тинглашади, тушуниб ёзиб олади. Мунозараларда иштирок этади. Саволларга жавоб топади.
3-босқич. Яқуний босқичи (10 минут)	3.1. Тингловчиларнинг машғулот юзасидан фикр ва мулоҳазаларини билиш мақсадида “Беш минутлик эссе” ёзишларини ташкил қилади. 3.2. “Беш минутлик эссе”ларни ўқитиш орқали тингловчиларнинг умумий тасаввурларини аниқлайди. 3.3. Аниқ тасаввурлар	“Беш минутлик эссе” ёзади. Ўз эсселарини ўқиб эшиттиради, фикр ва мулоҳазаларни билдиради. Ўз фикрларини бойитади ва тўлдиради. Топшириқларни ёзиб олади.

	<p>шаклланмаган қисмларини қайта тушунтиради.</p> <p>3.4. Уйга вазифа ва мустақил иш учун топшириқ беради ва уларни бажариш бўйича кўрсатмалар беради.</p>	
--	--	--

6-мавзу: Ислом Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асаридаги ғояларнинг таълим тизимидаги ўрни.

Режа:

4. “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида кўтарилаган ғоялар.
5. Энг буюк жасорат - “маънавий жасорат”
6. Маънавият ва моддийликлик тушунчаларининг мазмун моҳияти.

Амалий машғулотни ташкил этиш тартиби. “Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асаридаги ғояларнинг таълим тизимидаги аҳамияти” мавзуси бўйича маъруза дарси бўлиб ўтгач амалий машғулотда юқоридаги мавзу бўйича олинган маълумот ва билимлар мустахкамланади.

Амалий машғулот айнан маъруза дарсида ўрганилган мавзу бўйича бўлиб ўтиши ўқитувчига ҳам тингловчига ҳам қулайлик туғдиради. Чунки, тингловчилар ўтилган маъруза дарсида ушбу мавзу доирасидаги илмий-назарий билимларни эгаллаб оладилар. Ўқитувчи ҳам бу дарсда назарий маълумотларга (ўтган маъруза дарсида тўхталганлиги учун) ортиқча тўхталиб ўтирмайди. Бу ҳолатда ўқитувчи томонидан тингловчилар ўз фикр ва мулоҳазаларини баён этишлари ва дарсда бахс-мунозарани кучайтириш учун имконият яратилади.

Амалий машғулотларда тингловчилар ўз фикр ва мулоҳазаларини баён этиши ва дарсда бахс-мунозарани кучайтириш учун албатта муайян бир методлар қўлланилиши лозим. Юқорида таъкидлаганимиздек, амалий машғулот учун танланган метод албатта, ўтилаётган мавзунинг мазмун ва маохиятига мос келиши зарур. Бизнингча, бугунги амалий машғулотдаги “Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асаридаги ғояларнинг таълим тизимидаги аҳамияти” мавзусига “Сукротча” ўқитиш методи жуда мос келади.

“Сукротча” ўқитиш методи номига кўра қадимги юнон файласуфи Сукротга тегишли бўлиб, унга кўра амалий машғулотларда тингловчилар савол-жавобга жалб этилган ҳолда янги фикр ва мулоҳазаларни баён этишга ўргатилади. Бундай метод билан ташкил этилган амалий машғулотларда ўқитувчи ва тингловчилар ўзаро ҳамкорликда мавзу юзасидан кичик тадқиқот олиб боради ва бу жараёнга ҳар иккиси ҳам тез мослашади. Ўқитувчи мазкур жараёнда мавзу юзасидан олиб борилаётган кичик

тадқиқотга туртки ва йўналиш бериб турувчи вазифасини бажаради.

“Сукротча” ўқитиш методининг моҳияти амалий машғулот орқали тингловчилар ўзлаштирилиши лозим бўлган тушунча ва таърифларни мустақил равишда аниқлашдан иборат. Бунда ўқитувчи мавзуга доир кетма-кет саволлар бериб, тингловчилар фикридаги зиддият ва қарама-қаршилиқларни ошкор этиб боради. Зиддиятлар аниқланиши ва ечилиши билан сохта билимлар йўқотилади, тингловчиларда ақлни ишга солиб, ҳақиқатни излашга рағбат уйғотилади. Шундай қилиб “сукротча” ўқитиш методидан фойдаланаётган ўқитувчининг вазифаси муайян тарзда сараланган саволлар ёрдамида тингловчини тўғри жавобни топишга кўмаклашиш ва айна вақтда уни ноаниқ тасаввурлардан мавзуга оид аниқ, мантиқий билимларга йўналтиришдан иборат.

“Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асаридаги ғояларнинг таълим тизимидаги аҳамияти” мавзусига бағишланган амалий машғулотда “сукротча” ўқитиш методини қўллаш учун ўқитувчи томонидан олдиндан тайёрланган мавзуга мос, сараланган қуйидаги саволлар кетма-кет равишда тингловчиларга бериб борилади.

7. “Юксак маънавият енгилмас куч” асарини яратилишига замонамиздаги қандай муаммолар туртки бўлган деб ўйлайсиз?

8. Инсон маънавияти туғма ходисами ёки ижтимоий ходиса?

9. Ўқувчи ёшларда маънавият неча ёшгача шакллантирилиши лозим деб ўйлайсиз?

10. “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида кўтарилаган ғояларни биласиз ва уларни изоҳлаб беринг.

11. Энг буюк жасорат деб Президентимиз нега харбий қаҳромонликларни эмас айнан “маънавий жасорат”ни назарда тутган?

12. Ислом Каримов нега маънавият ва моддийликликни қушнинг икки қанотига ўхшатган?

13. Атоқли шоира Зулфияхоним нима сабабдан Президентимиз томонидан “маънавий жасорат” соҳиби дея аталган.

14. Сизнинг фикрингизча “маънавий жасорат” соҳиби бўлиш учун инсон қандай фазилатларга эга бўлмағи лозим?

15. “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида кўтарилган ғоялар ўқувчи ёшлар ҳаётида қандай аҳамиятга эга?

16. “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида кўтарилган ғояларни ўқувчи ёшлар онги ва қалбига сингдириш учун мактаб таълимида қандай ишларни амалга ошириш лозим? ва бошқалар.

Савол-жавоб жараёнида ўқитувчи ва бошқа тингловчилар жавоб бераётган тингловчининг ҳар бир фикрини диққат билан тинглашади. Жавоб бераётган тингловчининг мулоҳазаларига бошқа тингловчилар томонидан қўшилмаслик ҳолати, эътироз ёки қўшимча фикрлар билдирилса, ўқитувчи томонидан баҳс ва мунозарани кучайтириш ва ҳақиқатни аниқлаб олиш мақсадида ушбу тингловчиларга ҳам имкон берилади. Баъзи ўринларда, тингловчилар фикрини тўғри йўналтириш ва уларни фанга оид билимлар

билан бойитиш мақсадида ўқитувчи тингловчининг фикридаги камчилик ва нуқсонларни ўзи тўғрилайди ва қўшимча маълумотларни бериб ўтади. “Сукротча” ўқитиш методидан фойдаланишнинг устун томони ҳам амалий машғулот давомида у тингловчилар билимидаги камчиликларни аниқлашга, ўрганилаётган мавзу ва фанга қизиқишни орттиришга имкон яратади, унда билимларни фаол эгаллашга эришилади, мустақил ишлаш ва мунозарага киришиш ривожлантирилади.

“Сукротча” ўқитиш методига асосланган амалий машғулот шу шаклда давом этади. Дарс сўнгида барча амалий машғулотлар каби тингловчилар томонидан айтилган фикр ва мулоҳазалар умумлаштирилади, хулосалар чиқарилиб, таклиф ва тавсиялар ҳамда қўшимча фойдаланиш учун мавзуга оид адабиётлар берилади.

Қўшимча фойдаланиш тавсия этиладиган адабиётлар

1. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлидан. 6-жилд. - Т.: «Ўзбекистон», 1998.
2. Каримов И.А. «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» рисоласига сўз боши. Т.9. -Т.: «Ўзбекистон», 2001.
3. Каримов И.А. Биз танлаган йўл демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. 11-жилд. - Т.: «Ўзбекистон», 2003.
4. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. - Т.: «Маънавият», 2008.
5. Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. -Т.: «Шарқ» 1994. Азизхўжаев А.А. Давлатчилик ва маънавият. -Т.: «Шарқ», 1997.
6. Фитрат. Нажот йўли. -Т.: «Шарқ», 2001.
7. Н.Сайидахмедов. Президент Ислом Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” номли асарини олий таълим муассасаларида ўқитиш технологияси. Т.: “Info capital Group”, 2011.
8. “Маънавият – қалб қуёши” (маълумотнома) Т.: “Ўқитувчи” 2014.

7-мавзу: Миллий мафқурани ёшлар онги ва қалбига сингдиришда таълим муассасаси ходимининг масъулияти.

1.1. Амалий машғулотнинг таълим технологияси модели

Машғулотга ажратилган вақт – 2 с	Тингловчилар сони – 25 нафар
Машғулотнинг шакли	Мавзу бўйича билимларни кенгайтириш ва мустақамлаш юзасидан семинар.
Амалий машғулот режаси	1. Миллий мафқурани ёшлар онги ва қалбига сингдириш йўллари 2. Миллий мафқурани ёшлар онги ва қалбига сингдиришда таълим муассасаси ходимиға кўйиладиган талаблар 3. Миллий мафқурани ёшлар онги ва қалбига сингдиришда таълим муассасаси ходимининг масъулияти.
Амалий машғулотнинг мақсади:	Тингловчиларда миллий мафқурани ёшлар онги ва қалбига сингдиришда таълим муассасаси ходимининг масъулияти ҳақидаги компетенцияларни шакллантириш.
Педагогик вазифалар: 1. Миллий мафқурани ёшлар онги ва қалбига сингдиришда таълим муассасаси ходимининг масъулияти йўналишида муаммоли савол, масала ва вазиятларни тингловчиларға тақдим этиш ҳамда муаммони ҳал этиш жараёнини бошқариш; 2. Миллий мафқурани ёшлар онги ва қалбига сингдиришда таълим муассасаси ходимининг масъулиятини ўрганиш бўйича матнли, графикли ва муаммоли топшириқларни бериш. 3. Ҳамкорлик технологияси асосида ишларни амалға ошириш.	Ўқув фаолияти натижалари: Тингловчилар: - муаммоли савол, масала ва вазиятларни ҳал этиш орқали ўз тасавурларини аниқлаштиришади; - Миллий мафқурани ёшлар онги ва қалбига сингдиришда таълим муассасаси ходимининг масъулиятинини ўрганиш бўйича матнли, графикли ва муаммоли топшириқлар билан танишадилар ва амалда бажарадилар; - ҳамкорлик технологияси асосида ишларни амалға оширадилар.
Таълим бериш усуллари	Маъруза, тушунтириш, мунозара, муаммоли таълим, “Беш минутлик эссе”, “Нима учун” схемаси.
Таълим бериш шакллари	амалий, индивидуал, гуруҳий.

Таълим бериш воситалар	Машғулот ишланмаси, тарқатмали материаллар, слайд, графикли органайзерлар.
Таълим бериш шароити	Махсус техник воситалар билан жиҳозланган хона.
Мониторинг ва баҳолаш	Ўз-ўзини назорат қилиш, рефлексия.

1.2. Амалий машғулотнинг технологик харитаси

Иш босқичлари ва вақти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	Тингловчи
Тайёрлов босқичи.	Мавзуни аниқлайди, таълимий мақсадни белгилайди ва кутилаётган натижаларни шакллантиради. Топшириқларни ишлаб чиқади. Гуруҳлар учун ёзма йўриқномаларни тайёрлайди. Баҳолаш мезонларини ишлаб чиқади.	
1-босқич. Ўқув машғулотига кириш (15 минут)	1.1. Амалий машғулотнинг номи, режаси, мақсад ва кутилаётган натижаларни етказди. Машғулот муаммоли вазият асосида боришини маълум қилади. Машғулотни ўтказиш бўйича тушунтириш беради ҳамда тингловчиларни керакли материаллар ва адабиётлар билан таништиради.	Тинглашади, тушуниб топшириқларни ёзиб олишади.
2-босқич. Асосий босқичи (55 минут)	2.1. Тингловчилар эътиборига муаммоли масала (топшириқлар)ни тақдим этади. 2.3. Тингловчиларга муаммоли саволлар билан мурожаат этади. 2.4. Тингловчиларга муаммоли вазият тақдим этади. 2.2. Тингловчиларни муаммоли масалани ечишга даъват этади. 2.5. Машғулот юзасидан якуний хулосаларни тақдим этади.	Муаммоли масала (топшириқ) ва унинг моҳиятини тушуниб олади, унинг ечимини топишга киришади. Тинглашади, тушуниб ёзиб олади. Мунозараларда иштирок этади. Саволларга жавоб топади.
3-босқич. Якуний босқичи (10 минут)	3.1. Тингловчиларнинг машғулот юзасидан фикр ва мулоҳазалирини билиш	“Беш минутлик эссе” ёзади. Ўз эсселарини ўқиб

	<p>мақсадида “Беш минутлик эссе” ёзишларини ташкил қилади.</p> <p>3.2.“Беш минутлик эссе”ларни ўқитиш орқали тингловчиларнинг умумий тасаввурларини аниқлайди.</p> <p>3.3. Аниқ тасаввурлар шаклланмаган қисмларини қайта тушунтиради.</p> <p>3.4. Уйга вазифа ва мустақил иш учун топшириқ беради ва уларни бажариш бўйича кўрсатмалар беради.</p>	<p>эшиттиради, фикр ва мулоҳазаларни билдиради. Ўз фикрларини бойитади ва тўлдирди.</p> <p>Топшириқларни ёзиб олади.</p>
--	---	--

7-мавзу: Миллий мафқурани ёшлар онги ва қалбига сингдиришда таълим муассасаси ходимининг масъулияти.

Режа:

1. Миллий мафқурани ёшлар онги ва қалбига сингдириш йўллари
2. Миллий мафқурани ёшлар онги ва қалбига сингдиришда таълим муассасаси ходимига қўйиладиган талаблар
3. Миллий мафқурани ёшлар онги ва қалбига сингдиришда таълим муассасаси ходимининг масъулияти.

Амалий машғулотни ташкил этиш тартиби. Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, амалий машғулотлар маъруза дарсларидан ўзининг бахс-мунозарага бойлиги, хилма-хил фикрларнинг илгари сурилиши ва фақат ўқитувчи томонидан эмас, балки тингловчилар иштирокида мавзу юзасидан хулоса ҳамда таклифларни ишлаб чиқилиши билан ажралиб туради. Амалий машғулотда мақсадга эришиш учун бир қатор методларни қўллаш талаб этилади. Жумладан бундай методлар қаторига “Муаммо ва ечим” методи, “Сукротча” ўқитиш методи, “Ақлий хужум”, “Айлана стол” ва “Аниқ вазиятлар тахлили” методлари²⁶ кабилар киради. Албатта ушбу методлар амалий машғулот мавзусининг мазмун-моҳиятига мос ҳолда ўқитувчи томонидан танланади ва амалда қўлланилади.

Бизнингча бугунги “Миллий мафқурани ёшлар онги ва қалбига сингдиришда таълим муассасаси ходимининг масъулияти” мавзусидаги амалий машғулотга юқорида тилга олинган методлардан “Аниқ вазиятлар тахлили” методи мос келади ва шу методни ушбу амалий машғулотда қўллаш тавсия этилади.

²⁶ Қаранг: Н.Сайидахмедов. Президент Ислом Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” номли асарини олий таълим муассасаларида ўқитиш технологияси. Т.: “Info capital Group”, 2011.

“Аниқ вазиятлар тахлили” методига асосланган амалий машғулотда ўқитувчи аудиториянинг касбий фаолиятдан келиб чиққан ҳолда аниқ вазиятларни яратади. Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш институтларидаги аудитория асосан ўқитувчи ва мураббийлардан иборат бўлганлиги учун ҳам ўқитувчи аниқ вазиятларни ишлаб чиқишда бевосита ўқитувчи ва мураббийлар фаолиятдан келиб чиқиши лозим.

Рахбар ва мураббийларнинг касбий фаолияти бевосита ёшлар билан боғлиқ бўлганлиги учун ҳам бугунги “Миллий мафқурани ёшлар онги ва қалбига сингдиришда таълим муассасаси ходимининг масъулияти” мавзусидаги амалий машғулотга миллий ғоя сингдирилмаган ўқувчилар ҳаётида кўзга ташланаётган муаммолар аниқ вазиятлар сифатида олиб чиқилиши мумкин. Масалан, ҳозирда ўқувчи ёшлар ҳаётида учраётган қуйидаги муаммолар, “Гиёҳвандлик – ёшлар умрининг заволи”, “Диний экстримизм ёшлар ҳаёти учун улкан ҳавф сифатида”, “Миссионерлик ёхуд жаҳолат чангали”, “Оммавий маданият” – замонавийлик ниқобидаги маданиятсизлик” каби аниқ вазиятлар кўринишида олиб чиқилиши мумкин. Ушбу аниқ вазиятлар ўқитувчи томонидан аудиторияга қуйидаги шаклларда тақдим қилиниши мумкин:

- матн шаклида;
- ҳаётий воқеани сўзлаб бериш кўринишида;
- видео ёки аудиоролик шаклида;
- воқеа ва жараёнларни акс эттирган расмий ҳужжатлар шаклида;
- аниқ вазият юзасидан таклиф этилган мутахасиснинг чиқиши шаклида;
- аниқ вазият ифолаланган расм, чизма ёки диаграмма каби шаклларда.

Мазкур шаклларнинг ички мазмуни албатта дарс мавзусининг мазмун-моҳиятига мувофиқ келиши зарур.

Таъкидлаш керакки, “Аниқ вазиятлар тахлили” методига асосланган амалий машғулотнинг асосий мақсади мавжуд муаммоларни фақат аниқ вазият кўринишида аудиторияга тақдим этиш эмас, балки ушбу вазиятни чуқур таҳлил этиш орқали унинг ечимларини топишдир.

Амалий машғулотда тингловчилардан юқоридаги тақдим этиш шакллариининг таъсир кучидан фойдаланган ҳолда таклиф этилаётган вазиятни чуқур таҳлил қилиш ва қўйилган масаланинг амалий ечимини топиш талаб этилади. Бу метод амалий машғулотда тингловчиларга: вазиятни тадқиқ қилиш, ўрганиш, ўргатиш, тарбиялаш, ўз-ўзини танқид ва назорат қилиш, ривожлантириш ва баҳолаш имконини беради.

Тингловчилар аниқ вазиятларни ечишда одатда реал амалиётдагидек ҳаракат қилишади: уни таҳлил этишда ўзининг касбий тажрибасидан фойдаланиб, ўқув жараёнида эгалланган таҳлил қилиш усули, воситаси ва мезонларини қўллашади. Бу жараёнда амалий машғулотни олиб борувчи ўқитувчи, тингловчиларга:

- Сизга таклиф этилган вазиятда нима рўй берди ва уни қандай баҳолайсиз?

- Ушбу вазиятда ким томонидан ва қандай хатоликларга йўл қўйилди?
- Мазкур муаммоларни келиб чиқиш сабаблари қандай?
- Шунга ўхшаш ходиса билан тўқнаш келганмисиз?
- Бундай вазиятларни олдини олишда ўқитувчи ва мураббийларни роли қандай?
- Ушбу вазиятда ўқитувчи қандай йўл тутиши лозим?
- Агар рўй берган воқеада бевосита иштирокчи бўлсангиз сиз қандай ҳаракат қилган бўлардингиз?
- Ушбу фикрларингизни асослаб беринг каби саволларни бериб бориши мумкин.

Амалий машғулотда мана шундай вазият юзага келтирилганда, аудитория учун касбий фаолиятга таалукли аниқ вазиятларнинг ечимига анъанавий ёндашувлар кўзланган натижани бермаслиги аста-секин маълум бўлиб боради, натижада улар тингловчилар томонидан номаҳсул ёндашув сифатида рад этилади. Бу жараёнда тингловчиларнинг ишлаш усули ва услубларининг янги тизими шаклланади ва натижада уларнинг қарашлари ўзгаради, олдин бажара олмаган ишларининг уддасидан чиқиш учун янгича ёндашув зарурлигини англаб етадилар.

Амалий машғулот шу шаклда ўтказилади ва дарс сўнгида тақдим этилган аниқ вазиятларнинг ечими бўйича ўқитувчи ва тингловчилар биргаликда таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқадиладар.

“Миллий ғоя ва маънавият асослари” фанини малакаси оширишга келган турли фан (масалан, физика, математика, инглиз тили, она тили ва адабиёт ва ҳақозо) йўналишларидаги тингловчиларга ўқитишда албатта уларнинг номувахасислиги (яъни, айнан “Миллий ғоя ва маънавият асослари” фани ўқитувчиси эмаслиги) эътиборга олиниши зарур. Бунинг учун номувахасис тингловчиларга “Миллий ғоя ва маънавият асослари” фанининг барча мавзулари (ҳам назарий ҳам амалий машғулотлар) бўйича таянч тушунчалар ва мавзунинг қисқача маъруза матни ҳамда қўшимча фойдаланиш учун адабиётлар олдиндан ўрганиш учун тавсия этилиши мақсадга мувофиқдир.

Шу нуқтаи назардан ёндашилганда бугунги “Миллий мафқурани ўқувчи-ёшлар онги ва қалбига сингдиришда мактаб ўқитувчисининг масъулияти” мавзусидаги амалий машғулотга тингловчиларни олдиндан тайёргарлик кўришлари учун қуйидаги таянч тушунчалар, мавзунинг қисқача маъруза матни ва қўшимча фойдаланиш учун адабиётлар тавсия этилади:

Қўшимча фойдаланиш тавсия этиладиган адабиётлар


1. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлидан. 6-жилд. - Т.: «Ўзбекистон», 1998.
2. Каримов И.А. «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» рисоласига сўз боши. Т.9. -Т.: «Ўзбекистон», 2001.
3. Каримов И.А. Биз танлаган йўл демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. 11-жилд. - Т.: «Ўзбекистон», 2003.


4. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. - Т.: «Маънавият», 2008.
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг “Юксак маънавият-енгилмас куч” китобини таълим муассасаларида ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. -Т., 2008.
6. Абу Наср Форобий. "Фозил одамлар шаҳри". - Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1993.
7. Абдулла Авлоний. "Туркий гулистон ёхуд ахлоқ".-Т.: "Маънавият", 2000.
8. Н.Сайидахмедов. Президент Ислом Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” номли асарини олий таълим муассасаларида ўқитиш технологияси. Т.: “Info capital Group”, 2011.
9. “Маънавият – қалб қуёши” (маълумотнома) Т.: “Ўқитувчи” 2014.
10. “Глобаллашув. Оммавий маданият. Миллий ғоя” Т.: “Маънавият” 2014.

КЎРГАЗМАЛИ ТАҚДИМОТ СЛАЙДЛАРИ

Ғоя – ижтимоий характерга эга бўлган, ўз замони ва макони учун янги, инсон руҳиятига кучли таъсир этадиган тафаккур маҳсулидир.


Фикр – шахсий характерга эга бўлган, янги бўлмаган, инсонга катта таъсир этмайдиган тафаккур маҳсулидир.





МАФКУРА

ҒОЯ



ЎҚИТУВЧИ

ЗИЁЛИ

ДОМЛА

МУРАББИЙ



УСТОЗ

ТАРБИЯЧИ

ПЕДАГОГ

ЯНА БИЗ КИММИЗ ?

БИЗ МАФКУРАЧИМИЗ !

**ИНСОН ОНГИНИ ЎЗГАРТИРИШ
БИЛАН ШУҒУЛЛАНДИГАН ҲАР
ҚАНДАЙ КАСБ ЭГАЛАРИ
МАФКУРАЧИЛАРДИР.**

**БУГУНГИ КУНДА ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИДА 31,5 МИЛЛИОНГА ЯҚИН
АҲОЛИ МАВЖУД. БУ ДЕГАНИ 31,5
МИЛЛИОНГА ЯҚИН ОНГ БОР ДЕГАНИДИР.
ҲОЗИРГИ КУНДА МАФКУРАЧИ СИФАТИДА
31,5 МИЛИОНЛИК АҲОЛИМИЗ ОНГИНИ
ҒОЯВИЙ ЖИҲАТДАН ЭГАЛЛАЙ ОЛЯПМИЗМИ
ЁКИ БИЗНИНГ МАФКУРАЧИЛИК
ФАОЛИЯТИМИЗДА ҚАНДАЙДИР МУАММОЛАР
МАВЖУДМИ?**



САВОЛ-ЖАВОБЛАР

Савол: Дунёда глобал ўзгаришларни вужудга келиш сабаблари?

Жавоб: Дунёда глобал ўзгаришлар илмий техника тараққиёти ва илмий техника инқилоби юз бериши ва натижада дунё бўйлаб ахборот алмашинувининг кучайиб бориши сабабли вужудга келган.

Савол: Глобаллашув атамасининг маъноси нима?

Жавоб: Глобаллашув лотинча “глоб” сўздан келиб чиққан бўлиб, ўзбекчада доира, курра маъноларини билдиради. Шунга кўра Глобаллашув доиралашув, доира ичига тортилиш ёки курралашув маъноларини билдиради.

Савол: Ҳиндистоннинг машҳур давлат арбоби Маҳатма Ганди глобаллашув даврига ўзининг қандай муносабатини билдирган?

Жавоб: Ҳинд давлат арбоби Маҳатма Ганди глобаллашув даврига «Мен уйимнинг дарвоза ва эшикларини доим маҳкам беркитиб ўтира олмайман, чунки уйимга тоза ҳаво кириб туриши керак. Шу билан бирга, очилган эшик ва деразаларимдан кираётган ҳаво довул бўлиб уйимни ағдар-тўнтар қилиб ташлаши, ўзимни эса йиқитиб юборишини ҳам истамайман» деган фикрларни билдирган.

Савол: Полигон сўзи қандай маънони англатади?

Жавоб: Полигон атамаси юнонча сўз бўлиб, ўзбекчада серқирра деган маънони билдиради.

Савол: Қандай муассасалар мафкуравий муассасалар ҳисобланади?

Жавоб: Мафкуравий муассасалар деганда моддий товар ва маҳсулотлар ишлаб чиқармайдиган асосан, инсон онгини ривожлантириш ёки янада такомиллаштириш билан шуғулланадиган, фаолияти бевосита инсон онгига йўналтирилган ижтимоий институтлар тушунилади. Улар доирасига оила, маҳалла, барча таълим муассасалари (яъни, мактабгача таълим муассасалари, мактаблар, литцей ва коллежлар, олий ўқув юртлари, малака ошириш ва қайта тайёрлаш институтлари), ижодкорлик уюшмалари (масалан: ёзувчилар уюшмаси кабилар), радио ва телевидения ҳамда сиёсий партиялар ва бошқа ахборот яратувчи ҳамда уни узатувчи муассасалар киради.

Савол: Ўзбекистон Президентининг «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» фани бўйича таълим дастурларини яратиш ва республика таълим тизимига жорий этиш тўғрисида»ги Фармойиши қачон қабул қилинган?

Жавоб: 2001 йил 18 январда Ўзбекистон Президентининг «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» фани бўйича таълим дастурларини яратиш ва республика таълим тизимига жорий этиш тўғрисида»ги Фармойиши қабул қилинган.

Савол: Ислом Каримов “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида маънавият тушунчасига қандай таъриф беради?

Жавоб: Ислом Каримов “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида маънавият тушунчасини — инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, имон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган беқиёс куч, унинг барча карашларининг мезонидир, дея таърифланади.

Савол: “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарининг учинчи боби қандай номланган?

Жавоб: Китобнинг учинчи боби “Маънавиятга таҳдид — ўзлигимиз ва келажагимизга таҳдид” деб номланган.

Савол: Ислом Каримов ўсиб келаётган ёш авлоднинг маънавий олами ва маданий савиясини юксалтириш учун “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида қандай ғоя ва вазифаларни белгилаб беради?

Жавоб: Ислом Каримов ўсиб келаётган ёш авлоднинг маънавий олами ва маданий савиясини юксалтириш учун ўз асари орқали қуйидаги ғоя ва вазифаларни белгилаб беради:

- санъаткорлар орасида соғлом ижодий муҳит ташкил қилиш;
- ёшларимизнинг миллий ва жаҳон мусиқа маданиятининг мумтоз асарлари билан бирга, уларнинг кайфияти ва интилишларига мос келадиган замонавий эстрада санъати намуналаридан кенг баҳраманд бўлиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш;
- мусиқий таълимни янада ривожлантириш;
- дунё ва миллий театр санаътидан ёшларни баҳраманд этиш;
- театрларда юксак бадиият ва ҳаққонийлик, эзгу мақсадларга хизмат қилиш руҳи билан суғорилган асарлар яратиш;
- Кино санъатини миқдор кетидан қувишини тўхтатиш ва уни мазмунини бойитиш;
- тасвирий санъат ва монументал санъатдан маънавиятни юксалтириш ролидан фойдаланиш;

Савол: ЮНЕСКО томонидан юртимизда қанча моддий ва маънавий мерос рўйхатга олинган?

Жавоб: ЮНЕСКО томонидан юртимиздаги 4000дан зиёд моддий ва маънавий мерос рўйхатга олинган.

Савол: Ҳозирда миллий ғояни ёшлар онги ва қалбига сингдиришда қандай муаммолар мавжуд?

Жавоб: Ҳозирда миллий ғояни ёшлар онги ва қалбига сингдиришда қандай эришаётган ютуқлар билан бирга, баъзи муаммолар ҳам мавжуд. Бу муаммолар аввало:

- Таълим босқичларининг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда миллий ғояни сингдириш амалиёти тўғри ташкиллаштирилмаганлиги;

- Миллий ғоя туркимидаги фанларни ўқитишда ва айни вақтда бошқа турдаги фанлар орқали миллий ғояни сингдиришда айрим кадрларнинг салоҳиятсизлиги;

- Миллий ғояни сингдириш амалиётидаги ўқув адабиётлари тўлиқ мафкуравий таъсир воситаси даражасида ишланмаганлиги туфайли вужудга келганр.

Савол: Астроном Ян Гевелий томонидан 1647 йил нашр қилинган «Селенография» китобида ойдаги кратерлардан 2 тасига қайси ватандошларимизнинг номи берилган.

Жавоб: А. Фарғоний ва М. Улуғбек.

Савол: Мафкуравий амалиётда ташқи таъсир деганда нимани тушунасиз?

Жавоб: Ташқи таъсир бу - жамиятда мафкуралар, мафкуравий институтлар (яъни, мактабгача таълим муассасалари, мактаблар, лицей ва коллежлар, олий ўқув юртлари, малака ошириш ва қайта тайёрлаш институтлари), ижодкорлик уюшмалари (масалан: Ёзувчилар уюшмаси кабилар), радио ва телевидения ҳамда сиёсий партиялар ва бошқа ахборот яратувчи ҳамда уни узатувчи муассасалар) ҳамда давлат органлари фаолияти орқали вужудга келадиган, инсонга бутун умри давомида давлат ва жамият қонун-қоидаларни тушунтириб, эслатиб турадиган таъсир тури ҳисобланади.

Савол: Мафкуравий амалиётда ички таъсир деганда нимани тушунасиз?

Жавоб: Ички таъсир ташқи таъсир натижасида шаклланадиган инсондаги ички ирода ҳамда ўзлигини уйғониш жараёни ҳисобланади. У орқали инсон ҳеч қандай ташқи таъсирларсиз ҳам ўз-ўзини бошқара олиш кўникмасига эга бўлади.

Савол: : Президентимиз Ислам Каримов мактаб ва ўқитувчилик касбига қандай баҳо берган?

Жавоб: Ислам Каримов “агарки дунё иморатлари ичида энг улуғи мактаб бўлса, касбларнинг ичида энг шарафлиси ўқитувчилик ва мураббийликдир” дея мактаб ва ўқитувчилик касбига катта баҳо берган.

Савол: Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида” ги 451-сонли Қарорига асосан Республика «Маънавият ва маърифат кенгаши» га ким раислик қилади?

Жавоб: Ўзбекистон Республикаси Бош Вазири

ТЕСТ САВОЛЛАРИ

“Миллий ғоя ва маънавий асослари” фанидан

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги 451-сонли Қарори қачон қабул қилинган ?
 - А) 2004 йил 5 апрелда
 - Б) 2005 йил 26 августда
 - С) 2005 йил 2 марда
 - Д) 2006 йил 25 августда

2. Араб тили грамматикасининг ишлаб чиққан аллома ким?
 - А) Мусо ал-Хоразмий
 - Б) Аҳмад ал-Фарғоний
 - В) Нажмиддин Кубро
 - Г) Махмуд аз-Замахшарий

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида” ги 451-сонли Қарорини қабул қилишдан кўзланган асосий мақсад нимадан иборат?
 - А) Ўзбек халқининг қадимий тарихини тиклаш
 - Б) Мамлакатимизда миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишларнинг самарадорлигини, уларнинг ҳаётийлиги ва таъсирчанлигини янада ошириш
 - С) Миллий қадриятларимизни қайта тиклаш
 - Д) Фақат маърифий ишлар самарадорлигини ошириш

4. Миллий ғоя дейилганда қандай ғоялар тушунилади?
 - А) Халқнинг туб манфаатларини ифода этадиган, уни ўз олдига қўйган мақсадлари сари бирлаштирадиган ва сафарбар этадиган ғоялар
 - Б) Фақат бир миллат манфаатларини ифодаловчи ғоялар
 - С) Миллат эҳтиёжларини қондирувчи барча моддий манфаатларни кўзда тутувчи ғоялар
 - Д) Миллат манфаатларига мос фақат маънавий омилларни ўзида акс эттирувчи ғоялар

5. Плюрализм атамаси қандай маънони англатади?
 - А) Ўзаро бир-бирига зид фикрларнигина ифодаловчи тамойилни
 - Б) Ўзаро бир-бирини тўлдирувчи ғоялар мажмуини
 - С) Коммунистик мафкурага хос хусусиятлар йиғиндисини
 - Д) Фикрлар хилма-хиллиги ва қарашлар ранг-баранглиги бўлиб, муайян ҳақиқатни турлича изоҳлаш, ва талқин этиш тамойилини

6. Геополитика бу...
 - А) Ўзга мамлакат худудида ўз маданиятини намойиш қилиш
 - Б) Муайян минтақага доимий кўрсатиладиган ижтимоий-сиёсий ёрдам

- С) Муайян давлатдаги мавжуд кўплаб имкониятларни инобатга олиб бу давлатда ўзининг стратегик манфаатларига мос сиёсатни амалга ошириш
Д) Хорижий хамкорлар билан иқтисодий муносабатни ўрнатиш

7. Жаҳолатга қарши курашнинг асосий қуроли нима?

- А) Маърифат
- Б) Жаҳолат
- С) Ҳақиқат
- Д) Саховат

8. Ядро полигонларидан ҳам кучли полигонлар бу ...

- А) Ракета полигонлари
- Б) Мафкура полигонлари
- С) Ҳарбий полигонлар
- Д) Ўқув-машқ полигонлари

9. Умумбашарий қадриятлар деб нимага айтилади?

- А) Барча инсонларнинг маънавий манфаатларини ифодаловчи омилларга
- Б) Барча инсонларнинг моддий манфаатларини ифодаловчи омилларга
- С) Инсоният учун умумий бўлган талаб ва эҳтиёжларга жавоб берадиган, барча халқлар учун бирдек ҳаётий аҳамият касб этадиган қадриятларга
- Д) Турли миллат вакилларига ҳурмат ва улар билан барча жабҳаларда баҳамжиҳат, дўстона, тотув яшаш учун зарурий қоидалар йиғиндисига

10. Комиллик тушунчаси қандай маънони англатади?

- А) Билимдонликни
- Б) Соғломликни
- С) Хотиржамликни
- Д) Мукамалликни

11. “Миллий истиқлол ғояси” ибораси таркибидаги “истиқлол” сўзи қандай маънони англатади?

- А) Тенглик
- Б) Тикланиш
- С) Мустақиллик
- Д) Келажак

12. “Маънавият” сўзининг луғавий маъноси қандай?

- А) Маънавият – бу маданиятли киши дегани
- Б) Арабчадан олинган бўлиб, маънолар мажмуи деган маънони англатади
- С) Ҳар қандай онгли инсонга нисбатан ишлатиладиган ибора
- Д) Ўқимишли, тарбияли инсонларга нисбатан ишлатилувчи сўз

13. Мафкуравий полигон - ...

- А) Ғоялар ва мафкураларнинг вужудга келиш жойи

- Б) Ҳарбий ҳаракатларга тайёргарлик кўриладиган машқ майдони
- С) Ядро қуролларининг синов майдони
- Д) Одамлар ва халқларнинг қалби ва онгини эгаллашга қаратилган турли ғояларнинг синов майдони

14. Ватансизликни тарғиб этувчи ғояни кўрсатинг.

- А) Диний фанатизм
- Б) Болшевиизм, сотсиализм
- С) Фашиизм
- Д) Космополитизм

15. «Эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал» ушбу сўзлар қайси китобда илгари сурилган?

- А) Қуръони Каримда
- Б) Ҳадиси Шарифда
- С) Темур тузукларида
- Д) Авестода

16. Бунёдкор ғоялар келтирилган қаторни топинг.

- А) Шовинизм
- Б) Фанатизм
- С) Гуманизм
- Д) Анархизм

17. «Дилинг Оллоҳда, қўлинг меҳнатда бўлсин» ғояси муаллифи ким ?

- А) Баховуддин Нақшбандий
- Б) Нажмиддин Кубро
- С) Ахмад Яссавий
- Д) Алишер Навоий

18. Маданият сўзининг луғавий маъноси нима?

- А) Лотинча- «цивилизатсия»
- Б) Форсча - «ахлоқ»
- С) Юнонча -«тараққиёт»
- Д) Арабча - «шаҳар»

19. Зардуштийликда эзгулик худосининг номи?

- А) Ахриман
- Б) Зевс
- С) Ахурамазда
- Д) Яхве

20. Ўзбекитстонда қандай мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин?

- А) Ҳеч қандай мафкура

- Б) Сиёсий партиялар мафкураси
- С) Ўзбек халқининг мафкураси
- Д) Ривожланган давлатлар мафкураси

21. Амир Темур томонидан Оқсарой пештоқиға ёздирилган «агар бизнинг куч-қудратимизни кўрмоқ истасанг...» сўзларини давомини топинг.

- А) «... бизнинг лашкарларимизга боқ»
- Б) «... биз бунёд этган шаҳарларимизга боқ»
- С) «... бизнинг бойлигимизга боқ»
- Д) «... биз қурган иморатларга боқ»

22. “Ҳеч қандай мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас” деган қоида қаерда ёзилган?

- А) Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида
- Б) Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексида
- С) Ўзбекистон Конституциясида
- Д) Мустақиллик декларациясида

23. Алишер Навоийга қайси шаҳарларда ёдгорликлар қўйилган.

- А) Москва, Токио ва Бакуда
- Б) Москва, Боку ва Литвада
- В) Литва ва Москвада
- Г) Кохирада.

24. Қуйидаги омилларнинг қайси бири умумбашарий қадрият ҳисобланади?

- А) Миллий маданият
- Б) Миллий анъана
- С) Миллий урф-одат
- Д) Миллатлараро тотувлик

25. Идеология сўзининг маъноси ёзилган қаторни торинг.

- А) Динлар тўғрисидаги таълимот
- Б) Ғоялар тўғрисидаги таълимот
- С) Ижтимоий тенглик тўғрисида таълимот
- Д) Сиёсий қараш тўғрисида таълимот

26. Қуйидаги хусусиятлардан ғояга хос бўлганларини кўрсатинг?

1. Ҳаётий ва илмий далилларга асосланади
 2. Муайян мақсад сари сафарбар этади
 3. Фақат буйруқ, дастур, режа асосида иш кўради
 4. Бирон бир қарашни ифода қилади
- А) 1, 2, 4
 - Б) 1, 3, 4
 - С) 1, 2, 3
 - Д) 2, 3, 4

27. Замонавий дунёда жаҳон мафкуравий манзарасини ўзгаришига сабаб бўлган омиллар, булар ...

- А) Компьютер технологияларининг тезкор ривож
- Б) Экологиянинг бузилиши
- С) Ядро қуролларининг яратилиш
- Д) XX асрнинг сўнгида юз берган ижтимоий – сиёсий ўзгаришлар

28. Огоҳлик деганда нима тушунилади?

- А) Ухламасдан бедор бўлиш
- Б) Фақат дунё янгиликларини кузатиб бориш
- С) Дунёдан, ён-атрофда бўлаётан ўзгаришлардан, одамлар ва халқларнинг орзу-интилишлардан доимий бохабар бўлиб яшаш
- Д) Фундаментализм ва терроризмни олдини олиш

29. Мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни нималар билан белгиланади?

- 1. Иқтисодий ва интеллектуал салоҳияти билан
 - 2. Харбий куч-қудрати билан
 - 3. Географик жойлашуви билан
 - 4. Дунё цивилизасияси ривожига қўшган ҳиссаси билан
 - 5. Тинчликсевар ташқи сиёсат олиб бориши билан
- А) 2, 3, 5
 - Б) 1, 2, 3
 - С) 3, 4, 5
 - Д) 1, 4, 5

30. Кескин фикрлар билдириш, қаттиқ тадбирларни қўллаш ёки кескин фикр ва чораларни ёқловчи деган маънони билдирган атамани топинг.

- А) Экстремизм
- Б) Фундаментализм
- С) Тероризм
- Д) Фашизм

31. Давлатнинг қудратига путур етказадиган энг асосий омиллар бу...

- А) Ғоявий заифлик, мафкуравий беқарорлик
- Б) Экологияни бузилиши
- С) Саводсизларнинг кўплиги
- Д) Касалликни тарқалиши

32. Мафкуранинг дунёвий илдизлари деганда нималар тушунилади?

- А) Фалсафа фанининг хулосаларига асосланган фикрлар
- Б) Инсон онги ва руҳияти билан узвий боғлиқ бўлган фикрлар
- С) Илмий кашфиётлар
- Д) Маърифий дунёга хос сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий

муносабатлар мажмуи

33. Жамият тараққиётида турли мақсад ва муддаолар қандай амалга оширилади?

- А) Қаттиқ қонунлар билан
- Б) Хилма-хил мафкуравий воситалар билан
- С) Ишонтириш, уюштириш орқали
- Д) Таълим тизимини яхшилаш орқали

34. Жаҳонни мафкуравий жиҳатдан бўлиб олиш учун кураш кетаётган пайтда бундай тазйиқлардан нима қутқариши мумкин?

- А) Ядровий устунлик
- Б) Миллатлараро тотувлик
- С) Маънавий-маърифий тарбия
- Д) Кучли миллий мафкура

35. Иқтисодий қудратга эга бўлган айрим кучларнинг мамлакатимизга таҳдид солишининг асосий сабаби нима?

- А) Тез иқтисодий тараққий этаётганлиги
- Б) Мамлакат аҳолисининг кўплиги
- С) Юртимизнинг интеллектуал салоҳият ва табиий захираларга бойлиги
- Д) Минтақанинг кўп миллатли эканлиги

36. Халқимизни турли ғоявий таҳдидлардан асраш, жамиятда мафкуравий иммунитет ҳосил қилиш учун...

- А) Тараққиёт қонуниятларини ўзида чуқур акс эттирадиган соғлом инсонпарвар мафкура билан куруллантириш зарур
- Б) Иқтисодий қудратни юксалтириш керак
- С) Маънавий – маърифий тадбирларни кўпайтириш керак
- Д) Тарихимизни, миллий қадриятларни кўпроқ ўқитиш керак

37. “Ватан таркини бир нафас айлама, яна ранжу ғурбат ҳавас айлама” деган насихат кимнинг қаламига мансуб?

- А) Бобур
- Б) Машраб
- С) Фурқат
- Д) Алишер Навоий

38. “Юсак маънавият – енгилмас куч” асарида муаллиф маънавиятни шакллантирадиган нечта мезон ҳақида гапирганлар.

- А) 5 та
- Б) 7 та
- С) 6 та
- Д) 10 та

39. Шахсий фикр қачон ғояга айланади?

- А) Инсонларни мақсад сари етакласа, ишонтирса, бирлаштира, ҳаракатга келтирса
- Б) Шахсий фикр ҳеч қачон ғояга айланмайди
- С) Фақат эзгу мақсад йўлида жамиятни бирлаштира
- Д) Жаҳолатга қарши кураша олса, ҳаммани ўз йўлидан бошлай олса

40. Қуйидагилардан қайси бири бунёдкор ғоя ҳисобланади?

- А) Диний фанатизм
- Б) Болшевизм, социализм
- С) Халқпарварлик, ватанпарварлик
- Д) Фашизм

41. Инсоният учун энг буюк жасорат нима?

- А) Ватанни ҳимоя қилиш
- Б) Ҳарбий жасорат
- С) Ҳақиқатга тик боқиш
- Д) Маънавий жасорат

42. И.А.Каримовнинг “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” китобидаги нутқ, маъруза ва савол жавоблар қайси йилларни ўз ичига олади.

- А) 1925-1990 йй.
- Б) 1985-1990 йй.
- С) 1989-1992 йй.
- Д) 1991-2011 йй.

43. “Миллий ғоя” атамаси таркибидаги “миллий” сўзи нимани билдиради?

- А) Бирор-бир ҳудуд ёки мамлакатга мансубликни
- Б) Фақат бир миллатга мансубликни
- С) Бутун инсониятга тегишлиликни
- Д) Бир давлатдаги фақат битта миллатнинг мустақилликка интилишини

44. Ўзбекистон Республикасида қанча миллат ва элат вакиллари яшайди?

- А) 100 га яқин
- Б) 130 дан ортиқ
- С) 140 дан ортиқ
- Д) 150 га яқин

45. Маънавий таҳдид бу

- А) Маънавиятни тарғиб қилиш ҳаракати
- Б) Инсоннинг руҳий дунёсини издан чиқариш мақсадини кўзда тутган мафкуравий, ғоявий ҳуружлар ҳаракати
- С) “Оммавий маданият”ни тарғиб қилиш ҳаракати
- Г) Сиёсий манфаатларни кўзлайдиган қарашларни тарғиб қилиш ҳаракати

46. Мафкуравий хуружлар қандай мақсадларни кўзлайди?
А) Миллий ва диний томирларимизга болта урушини
Б) Юртимизда яшайдиган соғлом фикрларли одамларни йўқ қилиш
В) ёшлар маънавиятини издан чиқариш
Г) Барчаси тўғри
47. Маънавиятимизга таҳдид соладиган хуружларга қарши қандай курашиш лозим?
А) Бугунги тез ўзгараётган ҳаёт воқелигига онгли қараш
Б) Мустақил фикрлаш
В) Диёримиздаги барча ўзгаришларга дахлдорлик туйғуси билан яшаш
Г) Хамма жавоблар тўғри
48. Қандай халқ ҳеч қачон қарам бўлмайди.
А) Ноёб инсоний фазилатларга эга бўлган халқ
Б) Юксак маънавиятга эга бўлган халқ
В) Эзгу мақсадларга кўзлаган халқ
Г) Иқтисодий томондан тараққий этган халқ
49. Маънавият нима?
А) Инсонни рухан покланиши, қалбан улғайишга чорлайдиган куч
Б) Одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон эътиқодини бутун қиладиган куч
В) Виждонни уйғотадиган куч
Г) Барча жавоблар тўғри
50. Маънавиятнинг негизини белгилайдиган хусусият бу...
А) Инсоннинг рухий покланиши ва қалбан улғайиши
Б) Дунёда ҳалол ва пок яшаши
В) Ҳаётини эътиқодни олий мақсад деб билиши
Г) Инсонларнинг эзгу ишлари
51. Маънавиятнинг муҳим хусусияти қандай номаён бўлади?
А) Инсоннинг маънавий оламининг юксалишида
Б) Одамнинг ички дунёси ва иродасини бақувват қилишда
В) Иймон ва эътиқодини бутун қилишида
Г) Б ва В жавоблар тўғри.
52. Япония ва Корея Республикасининг II жаҳон урушидан кейинги йилларда жадал ривожланишининг сабабларидан бирини аниқланг.
А) Таълим ва тарбияга катта эътибор берганлиги
Б) Бошқа давлатлар билан дўстона алоқа
В) Иқтисодга катта аҳамият берганлиги
Г) Денгиз ва океанга яқинлиги

53. Маънавиятни тушуниш учун энг аввало нима қилмок керак.

- А) Инсонни тушуниш, англаш керак
- Б) Инсон физиологиясини англаш керак
- В) Инсон ўз кадр-қимматини англаши керак
- Г) Инсонни жамиятдаги ўрнини аниқлаш керак

54. Мамлакатимиздаги қанча моддий-маънавий мерос умумжаҳон меросининг ноёб намунаси сифатида ЮНЕСКО рўйхатига киритилган.

- А) 4 мингдан зиёд
- Б) 4.5 мингдан зиёд
- В) 10 мингдан зиёд
- Г) 6 мингдан зиёд

55. «Авесто» деб аталган бебаҳо маънавий мерос қачон ва қаерда яратилган.

- А) 3 минг йил олдин Фарғона ҳудудида
- Б) 2700 йил муқаддам Хоразм воҳасида
- В) 3 минг йил муқаддам Сўғдиёна воҳасида
- Г) 2900 йил муқаддам Сурхондарё воҳасида

56. «Алпомиш» достони бизга нималарни ўргатади?

- А) Одил ва ҳақгўй бўлишга, ўз юртимизни, оиламиз кўрғонини кўриқлашга Б) Дўсту ёримизни, ор-номусимизни химоя қилишга
- В) Ота-боболаримизнинг муқаддас меросларини ҳар қандай тажавуздан химоя қилишга.
- Г) Хамма жавоблар тўғри.

57. «Алпомиш» достони ҳам миллатчилик руҳидаги асар сифатида қораланиб, қатағонга учраганми?

- А) Ҳа ўтган асрнинг 50 йилларида
- Б) Ҳа ўтган асрнинг 60 йилларида
- В) Йўқ қатағонга учрамаган.
- Г) Қисман қатағонга учраган.

58. Тошкент шаҳрини 2007 йилда Ислом маданияти пойтахти деб қайси ташкилот томонидан эълон қилинган?

- А) АЙСЕЕСКО.
- Б) ЮНЕСКО
- В) БМТ
- Г) ШХТ

59. «Мусулмонларнинг эътиқодини тузатувчи» деган юксак шарофга эга бўлган нодир шахсни курсатинг?

- А) Имом Мотуридий
- Б) Имом Бухорий
- В) Ахмад Фарғоний

Г) Исо Термизий

60. Дин ва миллатнинг «хужжати» деган юксак унвонга сазовар бўлган алломани кўрсатинг?

А) Бурхониддин Марғиноний

Б) Баховиддин Нақшбандий

В) Исо Термизий

Г) Имом Бухорий

61. Бурхониддин Марғинонийнинг қайси асари 8 асрдан бери Мусулмон мамлакатларида ҳуқуқий манбаа бўлиб хизмат қилади.

А) Селенография

Б) Хидоя

В) Сунани Термизий

Г) Ал-Жоме ас-Саҳих

62. Европада Аль-Фраганус номи билан машхур бўлган аллома ким?

А) Мирзо Улуғбек

Б) Аҳмад ал-Фарғоний

В) Ибн Сино

Г) Аҳмад Яссавий

63. Америкалик фан тарихчиси Сартон қайси асрни «Беруний асри» деб таърифлаган.

А) XII асрни

Б) XIII асрни

В) XI асрни

Г) XIV асрни

ГЛОССАРИЙ

“МАЪНАВИЯТ” ТУШУНЧАСИ Маънавият – инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган беқиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир. (Ислом Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. Тошкент. Маънавият, 2008. 19 б.)

Маънавият инсонни жамики бошқа мавжудотлардан ажратиб турган энг бақувват ботиний куч ҳисобланади. Инсон – табиатнинг, барча мавжудотнинг гул тожи дейилганда унинг ушбу ҳислати яъни юксак маънавият эгаси бўла олиш имконияти назарда тутилади. Инсон маънавиятини ўзини шахс сифатида англагандан бошлаб умрининг охиригача шакллантиради ва ривожлантириб боради. Инсоннинг ўз маънавиятини ривожлантиришга бўлган эҳтиёжи чексиздир. У инсоннинг бутун онгли фаолияти давомида шаклланади ва ривожланади. Шу маънода маънавият инсоннинг онглилигини, қобилияти ва юксак мақсадлар сари интилишларини ҳам ўз ичига олади.

Айтиш мумкинки, маънавият инсонни тараққиётга етакловчи барча ботиний дунёсини ифода эттирувчи тушунча.

МАЪНАВИЯТНИНГ КАТЕГОРИЯЛАРИ (тушунчалари). Маънавият асослари фан сифатида шаклланиб бормоқда. Бу унинг бошқа фанлар каби ўзига хос тушунчаларини ривожланиш қонуниятларини ишлаб чиқараётганлигида намоён бўлмоқда. Унинг айрим тушунчалари ахлоқшунослик ва нафосатшунослик фанлари б-н уйғунлашган ҳолатда намоён бўлади. Аммо унинг тушунчаларига жамият ва маънавият омилларининг ўзаро таъсири муносабатлари нуқтаи назаридан қараладиган бўлса, юқоридаги иккала фанлардан мустақил равишда тушуниш имконини беради. Шунга мувофиқ Маънавият асосларининг категорияларига шартли равишда инсон, миллат ва жамият ҳаёти б-н боғлиқ бўлган қуйидаги тушунчаларни киритиш мумкин;

Инсоннинг ўз-ўзини англаши, билимдонлик, қалби тозалик, саҳийлик, самимийлик, хайрихоҳлик, имонлилик, ҳалоллик, эътиқодлилик, диёнатлилик, поклик, ор-номуслик, шарм-ҳаёлилик, меҳр-шафқатлилик, виждонлилик, ростгўйлик, адолатпарварлик, ота-онага ҳурмат, оилага садоқат, вафодорлик, тўғрилиқ ва бошқалар. Шахсининг миллат вакили сифатидаги мақомида: миллий ўз ўзини англаши, миллий ғурур, миллий ифтихор, миллатпарварлик, Ватанпарварлик, инсонпарварлик миллат тақдирига нисбатан маъсулият, миллий манфаат устиворилигини ҳис этиш, миллий тил, миллий тарбия, адабиёт, санъат, урф-одатлар, анъаналар, қадриятлар, давлат тизимига ҳурмат, қонунларга ҳурмат ва итоаткорлик, вазминлик, тадбиркорлик, ўз касбининг моҳир устаси бўлиш, мамлакат ички ва ташқи фаолиятидан хабардор бўлиш, уни қўллаб-қувватлаш, миллий ва жамиятда мавжуд бўладиган салбий жараёнларга бефарқ бўлмаслик, мамлакат ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаётида фаоллик ва бошқалар ташкил қилади.

АВЛОДЛАРАРО МАЪНАВИЙ БОҒЛИҚЛИК- 1) маънавият тараққиётининг асосий қонуни; 2) Худудлараро миллатларни ўзаро таъсир ва ўзаро бойитиш; 3) Маънавият тараққиётида инкорни инкорнинг намоён бўлиши.

ХАЛҚ МАЪНАВИЯТИ - халқ ёки миллат қадриятларининг муайян тартибда, даражада ва йўсинда тизим олишга келиши. Барча халқларнинг маънавияти ам асосан бир хил қадриятлар тизимидан ташкил топади. Бу тизим сирасига озодлик, тинчлик, хотиржамлик, иймон, инсоф, лафз, орият, фаровонлик, катталарга ҳурмат, ҳамкорлик, адолат, мемондўстлик сингари қадриятлар киради. Лекин, айтиб бериш керакки, бир хил қадриятлардан ташкил топишига қарамай, турли халқлар маънавиятининг ўзига хос бўлишига сабаб шуки, ўша айтиб бериш керакки, бир хил қадриятлар маънавиятда ўзига хос йўсинда боғланади. Масалан, бир х.м.да мемондўстлик устувор бўлса, бошқа х.м.да жасурлик устун бўлиши мумкин. Бундан ташқари, айтиб бериш керакки, бир х.м. тараққиётидаги бир босқичда ўша мемондўстлик ёки катталарга ҳурмат катта ўрин тутса, кейинги босқичда жасурлик ёки адолат энг устувор қадрият бўлиб қолиши мумкин. Шунинг учун айтиш мумкинки, барча миллатлар маънавиятида деярли бир хил қадриятларнинг жамланиши миллий маънавиятларнинг умуминсоний асосини ифодаласа, уларнинг ҳар биридаги ҳар бир қадрият турли даражада ривожлангани ва ўзаро турли йўсинда боғланиши миллийликни ифода қилади. Қадриятлар бирикишидан маънавият ҳосил бўлса, маънавият негизда мафкура вужудга келади. Мафкура тур жиатидан хилма-хил бўлиши мумкин: оила мафкураси, ижтимоий гуруҳлар мафкураси, сиёсий мафкуралар, диний мафкуралар ва бошқалар. Бу мафкураларнинг барчаси ҳам бир миллий маънавият негизда шаклланса-да, уларга шу маънавиятнинг муайян жиҳатлари асос қилиб олинади.

ЗИЁЛИЛИК — маънавий тушунча маъносида нисбатан узоқ тарихга эга эмас. У жаҳидчилик аракати б-н бирга юзага келди. Лекин унинг инсон фаолиятидаги дастлабки унсурлари Ўрта асрлар ва ундан кейинги даврлардаги маърифатпарварлар ҳаётида шаклланишини эътироф этмоқ лозим. У инсоният жамиятидаги маданий ва интеллектуал – ақлий тараққиёт б-н боғлиқ. Шу боис уни инсон пайдо бўлганидан анча кейин вужудга келган маънавий-ахлоқий ҳодиса деб талқин этиш мақсадга мувофиқ.

ГУМАНИЗМ (лот. ҳуманус – инсонийлик) – инсонга нисбатан юксак маънавият тамойиллари асосида муносабатда бўлиш, инсонпарварлик ғояси ва амалиёти.

ФАҲМ-ФАРОСАТ — оддий турмуш ҳодисаларидан ҳам, мураккаб ҳолатларнинг муносабатларда ҳам муайян ҳолатни, вазиятни идрок ёрдамида тез англай билиш.

БИЛИМ — ижтимоий-тарихий, амалиётда текширилган ва мантиқан тасдиқланган, воқеликнинг билиш жараёнида эришилган натижаси; шу воқеликни инсон онгида тасаввурлар, тушунчалар, муҳокама ва назариялар орқали ифодаланган адекват инъикоси. Кишиларнинг табиат ва жамият ҳодисалари ҳақида ҳосил қилган маълумотлари; воқеликнинг инсон тафаккурида акс этиши.

РУҲАН ПОКЛАНИШ– маънавиятнинг негизи ва мазмун-моҳиятини белгилайдиган асосий тушунча, инсон маънавий дунёсининг миллий маънавият илдизларидан баҳраманд бўлиши, қалбан улғайиш, инсон маънавий оламининг юксалиши; илоҳий нафас ва Аллоҳнинг амрларидан бўлиб, нафс руҳ қолипидир, руҳий покланиш инсондан катта сабр-тоқатни талаб этади. Нафси аммора ёмонликка буюрувчи нафс бўлса, нафси лаввома хато-камчиликларини англай бошлаб, ўзини танқид қилувчи, руҳий юксалишни хоҳлаган, нафси мутмаинна таскин топган, нафси розия – Аллоҳнинг неъматларига рози, нафси марзия Аллоҳ томонидан сеvilган бандага айланган, покланган ру – нафси софия, қусур ва иллатлардан батамом покланган руҳ нафси комиладир.

ЎЗ-ЎЗИНИ ТАРБИЯЛАШ - 1) ўзини ўзи тарбия қилиш; 2) индивиднинг ижтимоий фаол ва ахлоқий комил инсон ҳақидаги тасаввурига мувофиқ ўзининг маданий-маънавий жиҳатларини ривожлантириш ва турмуш тарзини такомиллаштириш учун аниқ мақсадга қаратилган фаолияти. Ў.т. — комилликка интилиш, инсоннинг керак тартибда ривожланиши, ўз ривожининг истиқбол ва меъёрларини ўзи белгилаши. Шахснинг бутун ижтимоий-маънавий ҳаётини қамраб олади. Тарбияда маъмурий буйруқбозлик, авторитар усуллари ҳукмронлик қилиши ижтимоий ҳаётни қатъий меъёрлаштириш дилеммаси ҳисобланиб, у кадриятлар, манфаатлар ва эҳтиёжлар тизимида амалга оширилади. Ў.т. жараёнида индивид ўз-ўзига танқидий муносабати орқали ўзини қуршаган ижтимоий муносабатлар оламини, мавжуд меъёрлар, қоидалар, кадриятлар ва ахлоқларни танқид қилади. Ў.т.нинг асосий мақсади ўзидаги бошқаларга ёқмайдиган иллатларни йўқ қилиш, ўзини индивид атрофидаги кишилар ва оламни қандай кўришни хоҳласа, шундай «қилишга интилишидир». Ў.Т. ижтимоий педагогикада, ижтимоийётчи педагоглар фаолиятида катта аҳамиятга эга.

МАЪНАВИЙ ҚАДРИЯТ - миллий мафкура, кадриятларимизга, маънавиятимизга асосланган бўлиб, бундай маънавиятнинг мезони кишиларнинг масулиятига юкланган муқаддас вазифа саналиб, кишиларда ҳалоллик, поклик, инсоф, диёнат, қаноат, шижоат, сабр-тоқат, интизом, ватанни севмок, садоқат, муҳаббат каби фазилатлар бўлиши демакдир.

ЗИЁЛИЛИК — маънавий тушунча маъносида нисбатан узоқ тарихга эга эмас. У жадидчилик ҳаракати б-н бирга юзага келди. Лекин унинг инсон фаолиятидаги дастлабки унсурлари Ўрта асрлар ва ундан кейинги даврлардаги маърифатпарварлар ҳаётида шаклланиганини эътироф этмок лозим. У инсоният жамиятидаги маданий ва интеллектуал – ақлий тараққиёт б-н боғлиқ. Шу боис уни инсон пайдо бўлганидан анча кейин вужудга келган маънавий-ахлоқий ҳодиса деб талқин этиш мақсадга мувофиқ.

МАЪНАВИЙ ҲАЁТ – жамиятда маънавий ишлаб чиқариш б-н боғлиқ бўлган ижтимоий онгни шакллантириш, яратиш жараёни. М.х. икки хил кўринишга эга: маънавий бойликлар яратиш ва маънавий бойликларни ўзлаштириш. М.х.нинг муҳим белгиси шуки, борликни назарий, рационал билишга ва айни пайтда янги маънавий кадриятлар ишлаб чиқишга қаратилгандир. Ушбу жараёнда инсон ўз онгини ўстиради, бойитади. Бошқа

томондан эса, маънавий эҳтиёжларни қондиришга хизмат қилувчи ғоялар, билимлар, назариялар, бадиий образлар ва бошқа маънавий кадриятлар ишлаб чиқаради. М.х. Президент таъкидлаганидек, парвоз қилаётган қушнинг бир қанотидир.

М.х. моддий ҳаёт б-н уйғунлашса, том маънадаги кўш қанотга айланади ва инсон, давлат ва жамият ҳаётида ўсиш-ўзгариш, ююксалиш жараёнлари содир бўлади.

ТАФАККУР (араб. — фикрлаш, ақлий билиш) — инсон маънавий оламининг таркибий қисми, оламдаги нарса ва ҳодисаларнинг умумий, муҳим хусусиятларини аниқлайдиган, улар ўртасидаги ички, зарурий алоқалар, яъни қонуний боғланишларни акс эттирадиган билишнинг ратсионал босқичи. Тафаккур ибораси арабча "фикр" сўзидан келиб чиққан бўлиб, ўйлаш, муҳокама, мушоҳада ва фикр юритиш маъноларини билдиради. Т. қуйидаги асосий хусусиятларга эга: Унда воқелик абстрактлашган ва умумлашган ҳолда инъикос қилинади. ҳиссий билишдан фарқли ўлароқ, Т бизга предметнинг номуҳим, иккинчи даражали (бу одатда билиш олдида турган вазифа б-н белгиланади) белгиларидан фикран четлашган, мавҳумлашган ҳолда, эътиборимизни унинг умумий,, муҳим, такрорланиб турувчи хусусиятларига ва муносабатларига қаратишимизга имкон беради.

МАЪНАВИЙ БИРЛИК – халқнинг имон ва эътиқодини белгилайдиган, поклик ва софлик, беғаразлик ва олийжаноблик фазилатларини намоён этадиган жамоавийлик туйғусидир. М.б. ка интилган халқ ҳеч қачон бир миллатни икинчи миллатдан юқори кўймайди, бошқа миллат вакилларига бегона кўз б-н қарамайди. Аксинча, ўзидаги барча неъмат, меҳр-муруватини ўзгалар б-н баҳам кўради. М.б. орқали она-Ватанга бўлган меҳр-муҳаббат халқ эътиқодига айланади: М.б туйғусига эга кишилар она замин муқаддаслигини хис этиш, шу Ватан туйғуси б-н яшашга интилади. Ўзбек халқининг м.б. ги қадимий тарихга эга. Чунки, халқимиз азалдан бир бўлиб яшашга интилиб келган. Уларда қориндошлик, миллатдошлик, ҳамшахарлик, ҳамқишлоқлик, маҳалладошлик каби жамоавийлик туйғуси шаклланганки, бунда миллатидан, ирқидин, динидан қатий назар барча бир оила бўлиб яшашга интилган. Шунинг учун ҳам Ўзбекистонни м.б. юксак ҳисобланган давлат дейиш мумкин. Зеро, уруш ва вайроналик йилларида ўзга миллат ва халқларнинг фарзандларини ўз фарзандидек қабул қилганлиги, ночор оилаларга мурувват кўрсатганлиги, бугунги кунда эса ўз бағрида юздан ортиқ миллат вакиллари б-н тинч-тотув яшаб келаётганлиги Ватанимиз фуқароларининг м.б.дан далолат беради.

ТИНЧЛИК ВА БАРҚАРОРЛИК - Урушларга йўл қўймаслик, давлатлараро низо ва мажароларни сиёсий мулоқотлар йўли б-н ҳал этиш, мамлакат ичидаги келишмовчиликларни тинчлик йўли б-н бартараф қилиш, инсон ҳуқуқи ва қонун устуворлигини таъминлаш. Инсоният ирқи, миллати, маданий бойликларига, урф-одатларига ҳурмат б-н қараш. Бугунги замонда маънавий бойликларни сақлаб қолиш учун, аввало, қонли мажароларга барҳам бериш, тинчлик ва тотувликни қарор топтириш, маданий мерос,

осори-атикалар, урф-одатларни асраб авайлаш, дунё халқларининг илм-фан ютуқларидан бирдек бахраманд бўлишига эришиш зарур. Тинчлик ва барқарорликда 1) озодлик, адолат ва демократик тамойилларига асосланган дўстона иттифоқ маданияти; 2) зўравонликни қайтарувчи ва низолар пайдо бўлган заҳоти уни бартараф этишга чорлайдиган, муаммоларни мулоқот ва музокаралар йўли б-н ҳал этувчи маданият; 3) ўз жамиятининг ички ривожига унинг барча ҳуқуқини тўла таъминлаш, ҳар кишининг ўз имкониятларини амалга оширишда тўлиқ иштирокини таъминловчи маданиятга эришишлик ва бошқалар.

МАЪНАВИЙ БОЙЛИКЛАР -Кишилиқ жамиятининг тафаккури ва ақл-идроқи б-н яратилган маънавий қадриятлар.М.б. моддий бойликлардан фарқли ўлароқ моддий жиҳатдан баҳоланмайди, нархланмайди,юксак маданиятли, илғор тафаккурли жамиятларда олди-сотти ёки ким ошди савдоси учун объект сифатида нархлар бозорига жалб этилмайди. Уларнинг қадри халқ ва миллат тафаккурига, руҳиятига кўрсатган маънавий озиқа сифатида таъсири б-н белгиланади. М.б.га умумбашарий маънавий бойликлар, миллий маънавий бойликлар ва шахсий-инсоний маънавий бойликлар каби кўринишлар хос. Инсоният маънавий бойликлари дейилганда-илмий, бадий адабиётлар, юксак санъат даражасида эътироф этилган меъморчилик, рассомчилик ва бошқа санъат турларининг дурдоналари тушунилади.

ТИНЧЛИҚПАРВАРЛИК — урушнинг, қон тўкишнинг ҳар қандай кўринишини инкор этади, тинчликсеварлик шахснинг тинч -тотув яшашга бўлган ижобий муносабати б-нгина чегараланиб қолмайди, балки душманлик ва тажовузкорликка қарши курашни, зарба беришни тақозо этади. Унда тинчлик ҳақида чиройли гаплар айтиш, йиғинларда маърузалар қилиш эмас, балки фаол хатти-ҳаракат, уюштирувчилик, ташкилотчилик биринчи даражали зарурий фаолият ҳисобланади.

МАЪНАВИЙ БУРЧ-инсонга хос фазилат, ҳиссиёт. М.Б. тарбия кўрган, юксак маънавиятли ва маданиятли инсонлар ҳис эттирадиган хислатдир. М.б. инсон тарбияси давомида унинг тафаккурига сингдирилади ёки оилавий, миллий анъаналар тарзида қабул қилинади. Инсоннинг М.б. унинг маънавиятига, руҳиятига, тафаккурига ижобий таъсир кўрсатган, тарбиясида муҳим рол ўйнаган нарса, ҳодиса ва шахсларга нисбатан маънавий қарздорликни тўлаш тарзида кечади.М.б. тушунчаси жуда кенг ва ўта тор маъноларда талқин этилади.

ИМОН (араб. Аман– ишонч ва эътиқод) –мураккаб тафаккур тарзи ва кучли хотирага эга инсон онги ва руҳиясининг нодир ҳодисаси. Муайян фикр, олий ғоянинг ҳақиқатлигига комил ишончдан иборат шахсдаги алоҳида руҳий ҳолат. И. инсон онги ва руҳиясига сингган, унда мустаҳкам ўрин олган ғоя ва дунёқараш сифатида қудратли ҳаракатлантирувчи куч, инсон иродасини мустаҳкамлаш воситасидир.

МАЪНАВИЙ БЎШЛИҚ - умуминсоний, миллий ва маънавий қадриятлардан бебехра қолиш, қадриятлар сифатида эътироф қилинган маънавий бойликларни англамаслик ёки тан олмаслик ҳолати.М.Б. инсонни

ёки бу ҳолатга дучор бўлган жамият аъзоларини кутилмаган маънавий инқироз ёхуд таназзулга олиб келиши мумкин.

ИНСОН МАЪНАВИЯТИ - инсонга хос бўлган ички руҳий ҳолатгина эмас, балки жамият, давлат, миллат тараққиётининг ҳам ассий омилларидан биридир. У жамият, давлат ва миллат маънавияти б-н узвий алоқадордир. Инсон ва жамият маънавияти моҳият жиҳатидан яқин бўлиб, бир-бирини ўзаро бойитса ва тўлдирсада, лекин улар айнан тенг эмас. Инсон маънавияти миллат, давлат ва жамият маънавиятининг таркибий қисмидир, Инсоннинг маънавияти, шахснинг маънавий камолоти жамиятда мавжуд бўлган кўп қиррали муносабатлар, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий имконият ва шарт-шароитлар асосида шаклланади ва амалга ошади. Миллат ва мамлакатнинг маданий-маънавий тараққиёти инсон маънавий камолотига асос бўлади.

МАЪНАВИЙ ВА МОДДИЙЛИКНИНГ УЙҒУНЛИГИ масаласи, инсоннинг ҳаёти ва фаолиятида моддий ва маънавий асослар бир-бирига нисбатан қандай ўрин тутиши, уларнинг қай бири устуворлик касб этиши хусусида турли-туман, зиддиятли фикр ва қарашлар мавжуд. Умуман, барча замон ва макон мутафаккирлари, файласуфлари ижодида моддий ва маънавий олам муносабатлари масаласи таҳлил этилган. Уларнинг баъзилари руҳий оламини, айримлари эса моддий оламини асосий ўринга қўйганлар. Ана шундай тушунча ва тасаввурлар асосида материализм ва идеализм таълимотлари шаклланган. Бундай фалсафий ёндашувларнинг ҳар бири ўз давридаги мавжуд сиёсий-ижтимоий вазият, ҳукмрон мафкура, жамиятнинг ҳуқуқий ва маданий савияси, турли ижтимоий гуруҳ ва тоифалар қарашларини ифода этишга хизмат қилади.

МАЪНАВИЙ ЗАИФЛИК – маънавий ҳаёт ҳодисаси, жамият, давлат ёки халқнинг маънавий масалаларда уюшмагани, маънавиятга етарли эътибор бермагани, тарбия соҳасида ўзибўларчиликка йўл қўйгани натижасида содир бўладиган ғоявий ожизлик ҳолати. М.з. халқ оммасининг туб манфаатларини ва кўнглидаги орзу-интилишларини ифода этадиган, уни тараққиёт сари, улкан мақсадлар йўлида жипслаштирадиган ҳаққоний ва жозибали маънавий тарбия тамойилларининг йўқлиги, ишлаб чиқилмаганлиги натижасида ҳосил бўлади. У кўп ҳолларда маънавий беқарорлик ва парокандаликка олиб келади. М.з. миллатнинг бирдамлиги, давлатнинг қудратига путур етказди, унинг тараққиётини орқага суриб юборади. Масалан, Чингизхон босқини, Чор истилоси даврларида айрим ҳукмдорларнинг халқни бирлаштириб, курашга сафарбар этмагани ўлкамизнинг қарамлик чангалига тушиб қолишига сабаб бўлди. Ўзбекистон халқининг юксак маънавияти ҳаётбахш ва адолатли ғояларни ўз ичига олади, уларни тушунтириш ва ишонтириш, таълим-тарбия ва маърифат йўли б-н, кишилар онига сингдириш фикрлар ранг-баранглигини сақлаб қолган ҳолда юксак маънавиятни м.з.ка қарши қўяди.

МАЪНАВИЙ ИЛЛАТЛАР. Маънавий иллат деганда кишининг жамиятда ўрнатилган ахлоқий, ҳуқуқий, маданий, диний, ғоявий ва мафкуравий меъёр ва қоидаларга зид келадиган ҳатти-ҳаракатларига айтилади. Маънавиятсизликнинг, яъни инсоннинг ижтимоийлашувининг

заифлашиши, йўқ бўлиши оқибатида вужудга келадиган маънавий ходисалардир. Маънавий иллатларга ёлғончилик, адолатсизлик, хурматсизлик, лоқайдлик, бефарқлик, дангасалик, бюрократизм, тухмат, бўхтон, хасад, хонлик, ўғрилиқ, иккиюзламачилик, қатъиятсизлик, виждонсизлик, ҳаёсизлик, уятсизлик, орсизлик, номуссизлик ва ҳ.к. ларни киритиш мумкин. Маънавий иллатлар киши ва жамият маънавиятига тескари, зид бўлган ходисадир. Маънавий иллатлар жамият маънавияти каби тарихий тараққиёт давомида шаклланади, янги-янги кўринишлари пайдо бўлади. XXI – асрда шундай иллатлар жумласига гиёҳвандлик, бир жинсли никоҳ, бесоқоллик, лесбиянлик (яъни аёлни аёл б-н турмуш қуриши) ва ҳ.к. киради.

ИСЛОМ МАЪНАВИЯТИ – инсоннинг тил, дил ва амал бирлигини мужассам этган, инсоннинг руҳий ҳолати, нафс тарбияси, риёзат, поклик, ахлоқий комилликка етишиш йўли, инсонни гўзал ахлоқ, покиза қалб ва латиф руҳ соҳиби этадиган, охир-оқибатда Аллоҳга яқинликни таъминлайдиган ўзига хос маслак ва мафкура йўли; Миллий қадриятларнинг шаклланиши ва ривожига ҳар бир миллатнинг ўзига хос тарихи, тили, маданияти, ахлоқий, руҳий фаолиятлари, яшаш шароити, турмуш тарзи б-н бирга дини ҳам катта аҳамиятга эга.

МАЪНАВИЙ ЙЎҚОТИШЛАР- бу халқнинг миллатнинг ўз эрки хуқуқини кўлдан чиқариши, тили, дини, эътиқоди, урф-одатларни, миллий ғурурини, миллий ўзликни англашни бузувчи хатти-харакатлар мажмуи. М.й. туфайли инсон ўзлигидан айрилади, ким ва қандай шахс эканлигини, ғурурини йўқотади. Пировард натижада м.й. сабабли миллат ўз мустақил тараққиёт йўлидан адашади, жамият ўзининг барқарор тараққиётининг йўқотади. М.й. шундай салбий ходисаки, унинг натижасида ижтимоий тараққиёт барқарор эмас, балки беқарор ривожланиш йўлидан боради. М.й ижтимоий тараққиётга доим қимматга тушиб келган. М.й туфайли тарихий хотира заифлашади, миллий тил ва урф-одатлар камситилади, диний эътиқодлар хиралашади, миллий тафаккур заифлашади. М.й. ижтимоий тараққиётдан сотсиал амнезия касаллигини келтириб чиқаради. М.й. ижтимоий иллат бўлиб, унинг олдини олиш долзарб вазифадир.

ЎЗАРО ЁРДАМ- ўзаро кўмаклашиш, бир-бирига мадад бериш, хомийлик кўрсатиш.. Ў.ё.нинг моддий ва маънавий шакли мавжуд. Ў.ё.нинг моддий шакли ўзгага қарз, моддий буюм, маблағ ва бошқа зарур эҳтиёжлар б-н ёрдам кўрсатиши, хомийлик қилишидир. Маънавий шакли эса киши бошига мусибат тушганда , тўй-ҳашамларда, маънавий қўллаб-қувватлаш, кўнглини кўтариш, унга таскин бериш ва ҳоказолар.

МАЪНАВИЙ ҚАРАМЛИК Маънавий қарамлик субъектларнинг куч б-н қарам қилиниши, бунинг оқибатида улар ўз маънавий заминларидан фойдаланиш ёхуд маънавий заминларининг объектив ва субъектив сабаблар натижасида заифлашиб қолиши, мустақил тараққий қилишда имкониятларнинг чекланганлиги ва уларнинг замоннинг шиддат б-н ривожланиши даражасида тараққий қилишга эҳтиёжнинг ўсиб бориши вазиятида, ўзга субъектларга боғланиб қолиши, оқибатида содир бўладиган

салбий жараёндир.

Маънавий қарамлик, субъектларнинг хоҳиши ва интилиши натижасида эмас балки ўзга субъектларнинг кучи, қудрати, зўравонлиги б-н ўзига мутъе қилишга мажбур этиладиган жараён ҳисобланади. Маънавий қарамлик инсон, шахс, фуқаро, оила, миллат, халқ ва мамлакат субъектларга нисбатан қўлланилади. Ундан кўзланган асосий мақсад, устунликка эришиш, ўзгалардан ўз манфаатлари йўлида фойдаланиш ҳисобланади.

Маънавий қарамлик шундай таҳдидли жараёнки, унинг юзага келиши оқибатида шахс ўзлигидан маҳрум бўлиши, фуқаро мустақил фикр юритиш, ўз тақдири, ҳақ-ҳуқуқларини талаб қила олмаслик даражасига тушиб қолиши, оила, миллат, халқ ва мамлакатлар охир оқибатда таназзулга учраши мумкин. Маънавий қарамликнинг энг «нозик» ва хатарли жиҳати шундаки, у дунёқараш ва руҳиятга боғлиқ бўлган ботиний салоҳият б-н боғлиқдир. Агар миллат ўзга миллатларга маънавий қарамлик ҳолатига тушиб қолгудек бўлса, у ўзининг сиёсий мустақиллигини қўлга киритганидан кейин ҳам узоқ вақт давомида унинг асоратларидан қутилиши мураккаб кечади. Чунки, маънавий қарамликдан қисқа фурсат ичида қутилишнинг имконияти йўқ. Маънавий қарамлик онг, тафаккур ва дунёқарашни тўла эгаллаб оладиган бўлса, ундан озод бўлиш учун энг аввало уларни ўз заминларидан маҳрум этиш ҳисобига ўзгартирш зарур бўлади. Бу вазифани амалга ошириш эса жуда машаққатли бўлиб, вақт ва катта фидоийликни талаб этади. Зеро, қарамлик – бу ўзгалар хоҳиш иродасига бўйсиниш, уларнинг кўрсатмалари б-н ҳаёт кечириш демакдир. Маънавий қарамлик ўзгаларга маънан бўйсиниш, итоат қилиш, фикран ва қалбан мутъеликка мубтало бўлишдир.

МАЪНАВИЙ ҚАРАШ- инсоннинг руҳий покланиши, қалбан улғайишига чорлайдиган, инсоннинг ботинини бақувват ва барқарор қиладиган, виждон уйғоқлигини таъминловчи фикрлар мажмуи дунёқараш тизимидир. М.қ. инсонни оламга соғлом муносабатини ифода этади.

ЭЪТИҚОД — (ишонч, иймон) — муайян мақсад, қадриятга ишонч, шу асосда шаклланган тафаккур. Илмий-фал-ий адабиётларда Э. тушунчаси турлича изоҳланмоқда. Билим Э.ни вужудга келиши учун энг муҳим асос вазифасини бажаради. Лекин, Э. ва билим бири иккинчисига уйқаш тушунчалар эмас. Билимларнинг чинлиги, ҳақиқатлиги Э.ни мустаҳкам бўлишида, ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади. Аммо, Э.ни мустаҳкам бўлишида билим ягона асос деб бўлмайди. Инсон онгида қайта ишлаб чиқилган, яъни тажриба синовидан ўтган, иккинчи марта қайта ҳосил бўлган билимларгина (ғоялар, наз-ялар) Э.ни мустаҳкам бўлишини таъминлайди.

МАЪНАВИЙ МАДАНИЯТ-инсоннинг ақли ва маънан яратувчанлик фаолиятлари ва уларнинг натижаларини акс эттирувчи тушунча. Маънавий маданият фан, фалсафа, санъат, адабиёт, ахлоқ, дин, ҳуқуқ, сиёсат, маориф, маърифат ва ҳоказолар йиғиндисидан ташкил топадиган инсоннинг ташқи ва ички маънавияти, руҳияти оламидир.

ХУЛҚ - кишининг феъли, характери б-н боғлиқ маънавий ҳодиса, инсон феъл-атворининг ахлоқийлик доирасида намоён бўлиши. Инсоннинг ахлоқийлик доирасидаги хатти-харакати хулқдан ташқари яна одоб ва

ахлоқни ўз ичига олади. Одоб кундалик турмуш масалаларида воқе бўлса, ахлоқ шахснинг жамиятга, давлатга, инсониятга бўлган муносабатларида ўз аксини топади. **Х.** ана шу ички маънавий ҳодисанинг ўрталигидаги хусусиятларига эга. Одобга нисбатан кенг, ахлоққа нисбатан тор камровлидир. **Х.** оила, меҳнат жамоаси, маҳалла-кўй доирасида сезиларли даражада кўзга ташланади ҳамда яхшилик ва ёмонлик, жўмардлик, меҳмондўстлик каби маънавий-ахлоқий тамойилни ўзида намоён этади. Хушхулқ инсон ўзгаларга мўлойимлик, назокат, ширинсуханлик, меҳрибонлик сингари маънавий қадриятларга таяниб муносабат қилса, бадхулқ одам, қўпол, оғзи шалоқ, бемехр, маънавиятсиз кимса ҳисобланади. Хушхулқликни хулқнинг гўзаллик тарзида эстетика фани ҳам ўрганеди

МАЪНАВИЙ МАСНАВИЙ. Шоир, мутафаккир, мавлавийлар (мавлавия) тариқатининг норасмий шайхи Жалолоддин Румий томонидан ёзилган асар номи. 25.500 байтдан ортиқ мазкур асари "тасаввуфнинг чинакам қомуси" деб тан олинган. Унда Шарқ халқлари оғзаки ижоди намуналари - юзлаб ривоят, афсона, масал, мақол, матал, рамзий ҳикоятлар орқали ислом ва тасаввуф ғоялари маснавий турда талқин этилган. Жомий ва Навоий Р. ижодига юксак баҳо беришган. Машраб эса, "Маснавийи маънавий"дан илҳомланиб, "Мабдаи нур" ахлоқий-таълимий достонини яратган. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда Р.нинг "Ичингдаги ичингдадур" (Тошкент, 1997) китоби, "Маснавийи маънавий" изохди нашрининг 1-китоби (Тошкент, 1999) ва б. асарлари нашр қилинди.

БОШҚАРУВ МАЪНАВИЯТИ. Жамиятни бошқариш, бошқаларга раҳнамолик қилиш учун аввало ишбилармонлик ва одамийлик фазилатларига эга бўлиш лозим. Бу хислатлар таълим ва тарбия жараёнида шаклланиб боради. Инсон бошқарувчи бўлгани б-н маънавиятли бўлиб қолмайди. Бошқарув санъати ва кўникмаси ҳам инсонда маънавиятни тарбиялайди. Бошқарув, аввало раҳбарни бошқалар б-н ишлаши фаолият кўрсатишини билдирар экан ушбу жараёнда инсон бошқариш усулининг маънавияти тамойилларидан фойдаланиши унинг ҳақиқий эгаси бўлиши керак. Ҳар қандай ишбилармон ҳам маънавият даражаси, маънавий қиёфаси ва маънавий онги паст бўлса жамиятда обрўга эришолмайди, бошқаларнинг эътиборига сазовор бўлмайди. Раҳбарнинг обрўсизланиши авваллабор унинг маънавий қоқоқлиги ва қашшоқлиги туфайли юз беради.

МАЪНАВИЙ МЕРОС-узоқ ва яқин ўтмишдаги, ҳозирги даврдаги маънавий жиҳатдан ғоят қимматли ўчмас из қолдирадиган, мангу яшайдиган, бутун ижтимоий манфаати ва эҳтиёжига, эзгуликка хизмат қиладиган умуминсоний маънавий бойликларга айтилади. Маънавий мерос замонлар ўтиши б-н ўзининг қадрини йўқотмайди, балки сифат ва мазмун жиҳатидан янги аҳамият касб этади. Маънавий мерос кишилар онгига, ички дунёсига, ҳис туйғусига таъсир этиб улар онгини бойитади, ахлоқ одобини эзгулик сари етаклайди.

БАҒРИКЕНГЛИК – инсоннинг алоҳидалигини намоён қилишнинг хилма – хил усуллари хурмат қилиш, қабул қилиш ва тўғри тушунишни англатади. Уни билим, самимият, очиқ мулоқот ҳамда хур фикр, виждон ва

этикод вужудга келтиради. Бағрикенглик фақат маънавий бурчгина эмас, сиёсий ва ҳуқуқий эҳтиёж ҳамдир. Бағрикенглик – энг аввало инсоннинг универсал ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини тан олиш асосида шаклланган фаол муносабатдир.

МАЪНАВИЙ ПОКЛИК - инсоннинг поклигини белгиловчи асосий омил бўлиб, инсон унга риоя қилса, ҳар хил илла ва ахлоқий бузуқликларни олди олиниб, турли юқумли касалликларга барҳам беради. Кўчилик дунё мамлакатларида маънавий покликка эътибор берилмаганлиги туфайли «СПИД» касалликлари кучайиб бормоқда. Бундай офатлардан фақатгина поклик фазилатлари орқали қутилишимиз мумкин. Пок бўлмоқ саломатлигимиз, саодатимиз учун энг керак нарсадир.

САБР — маънавиятнинг таркибий қисми, маънавий ҳодиса. кишиларни беғараз баҳоловчи шахсий хусусият, бағрикенглик, толерантлик, турлитуманликка, шу жумладан, зиддиятли хислатларга эга воқеа, ҳодисаларга бардошлилик. С. Шахснинг барча мавжуд масулиятларнинг бир вақтда ҳам ижобий, ҳам салбий жиҳатларини ўз қарашлари билан қиёслаб, якуний баҳода ўз шахсий муносабатига устуворлик бермай белгилашга лаёқатлилигини ифодалайди.

МАЪНАВИЙ САЛОҲИЯТ – М.С. ҳозирги глобаллашув, ўзаро турлитуман таъсирлар кучайган бир даврда, жамият, миллат ва давлатнинг энг муҳим таянчларидан ҳисобланади. Жамият равнақида, унинг ўзини-ўзи асраб қолиш йўлидаги кураш асноларида сиёсий, иқтисодий, ҳарбий-стратегик, инШаклтсия-коммуникатсия, технологик, демографик, геостратегик ва бошқа ресурсларнинг ўрни бекиёсдир. Аммо ўтмишда такрор ва такрор ўзини намоён этган бугунги кун учун ҳам янада муҳимроқ бир жиҳат, ҳам борки, у ҳам бўлса жамият, барқарорлигида маънавий салоҳият (М.С.) алоҳида аҳамият касб этмоқда. Хуллас маънавий салоҳият ўз ўрнига эга улкан маънавий омил бўлиб, жамиятнинг бошқа ресурслар б-н уйғунлашиб, унинг бугуни ва истиқболи учун катта аҳамият касб этмоқда. Жумладан, иқтисодий соҳада бекиёс имкониятларга эга бўлган баъзи давлатларда маънавий салоҳият етишмаслик ҳолати, яъни маънавий қашшоқлашиш ва жоиз бўлса маънавий таназзул сари юз тутишдан жиддий ташвишланиш ҳолатига ҳам айнан шу нуқтаи-назардан қараш тўғри бўлади.

Мустақиллик йилларида Президентимизнинг миллатимиз маънавий салоҳиятига билдирган алоҳида муносабати ва қолаверса бу борада Ўзбекистонда амалга оширилган жиддий ишларни нафақат жамиятимиз истиқболи балки дунё ҳамжамиятининг маънавий янгиланишга бўлган эҳтиёж ва интилишлари доирасида баҳолаш тўғри бўлади. Маънавий янгиланаётган, маънавий салоҳиятига катта эътибор бераётган мамлакатимиз, ўз навбатида, дунё маънавиятининг муҳим макони ва омилига айланмоқда. Зеро инсониятнинг кўп минг йиллик маънавий камолида Ўзбекистонда шаклланган маънавий муҳитнинг (Шарқ ренессанси, Темурийлар давридаги маънавий кўтаринкилик ва бошқ.) ўзига хос ўрни борлигини дунё ҳамжамияти аллақачон этироф этган. 2007 йилда Тошкентнинг ислом маданияти пойтахти деган номга сазовор бўлганлиги фикримиз тасдиғидир.

Дунё шундай тузилганки, маънавий юксалиш феномен сифатида барча мамлакатларда бир хил кечмаган: бир жойда тушкунлик қайд этилса, бошқа бир жойда кўтаринкилик ҳолати кузатилган. Айнан шу кўтаринкилик яъни, бу соҳадаги умумжамият сафарбарлик инсониятни яна бир бор равон йўлга олиб чиқди. Маънавий салоҳиятни юксалтиришга Ўзбекистонда берилаётган эътиборни айнан ҳам шу контекстда ва шу мезондан чиқиб баҳолаш тўғри бўлади.

САЛОМЛАШМОҚ – икки ёки бир неча инсон учрашганда бир-бирига яхши ният тилаши ва ҳол-аҳвол сўраши. Халқимизда саломлашиш “Ассалому алайкум” сўздан бошланади. “Ассалому алайкум” арабча сўз бўлиб, сизга сиҳат- саломатлик, омонлик тилаймиз, деган маънони билдиради. Саломга жавобан “Ваалайкум ассалом”, яъни сизга ҳам соғлик, омонлик тилаймиз, деб алик олинади. Салом бериш тартиби қуйидагича:

- ёши кичик-ёши каттага;
- отлик-пиёдага;
- пиёда-ўтирган кишига;
- ташқаридан кирган киши-хона ичидагиларга;
- озчилик-кўпчиликка салом беради.

МАЪНАВИЙ ТАЖОВУЗ – муайян миллат, жамият, давлатнинг тинчлиги ва барқарорлигига қарши қаратилган, сиёсий ва конституцион тузумни заифлаштириш ва бузишга йўналтирилган, шахс ва жамият хавфсизлигига, маънавий, руҳий дунёсига таҳдид солувчи ғоявий-назарий қарашлар ва унга асосланган амалиёт мажмуи. Тили, дини, эътиқодидан қатъи назар, ҳар қайси одамнинг том маънодаги эркин бўлиб яшашига қарши қаратилган, унинг айнан руҳий дунёсини издан чиқариш мақсадини кўзда тутадиган мафкуравий, ғоявий ва инШаклтсион хуружлар маънавий тажовуж ҳисобланади.

Маънавий тажовуз вайронкор кучларнинг ўз моддий, сиёсий манфаатларини кўзлаган ҳолда ҳар-хил марказлар томонидан бирон-бир мамлакатга нисбатан ичкаридан ёки ташқаридан туриб бевосита амалга ошириладиган маънавий бузғунчиликнинг бир шакли ҳисобланади. Улар ўз жирканч мақсадларига эришиш учун ҳар қандай усуллардан, одамларнинг маънавий-руҳий ҳиссиётлари, миллий туйғулари, жамиятда мавжуд ижтимоий-иқтисодий, маънавий муаммолардан, шунингдек, замонавий технология, телекоммуникация, оммавий ахборот воситалари, Интернетдан усталик, фирромлик, ноҳолилик б-н фойдаланишга ҳаракат қиладилар.

Ҳозирги даврда маънавий тажовуз деганда, аҳолининг маълум бир қатламлари, айниқса, ёшлар онги ва қалбига таъсир қилиб, уларнинг қарашларини ўзларига маъқул йўналишда ўзгартириш, диний экстремизм, вайронкорлик, бузғунчилик, ахлоқсизлик ғояларини зимдан тарғиб-ташвиқ этиб сингдириш каби ғаразли мақсадлар англанади. Бундай тажовуз фуқароларни қонуний ҳокимият органлари фаолиятига халақит бериш, зўравонлик хатти-ҳаракатларини амалга оширишга ундаш ёки уларни конституцияда кўзда тутилмаган бошқа ноқонуний тузилмалар б-н алмаштиришга чақиришда намоён бўлмокда.

Маънавиятга қарши қаратилган ҳар қандай тажовуз, таҳдид ўз-ўзидан мамлакат хавфсизлигини, унинг миллий манфаатларини, жисмонан ва маънан соғлом авлод келажагини таъминлаш йўлидаги жиддий хатарларлар бирига айланиши ва охир-оқибатда жамиятни инқирозга олиб келиши мумкин. Маънавий тажовуз кўпинча турли ниқоблар, жозибали шиор ва ғоялар парчаси остида иш кўрадилар. Бундай кучлар ихтиёрида жуда катта моддий, молиявий ресурслар ва имкониятлар мавжуд бўлиб, уларнинг пухта ўйлаган ва давомли мақсадларига хизмат қилмоқда. Ҳозирги даврда дунёнинг айрим ҳудудларида ана шундай ҳаракатлар натижасида катта маънавий йўқотишлар юз бермоқда, миллатларнинг асрий қадриятлари, миллий тафаккури ва турмуш тарзи издан чиқмоқда, ахлоқ-одоб, оила ва жамият ҳаёти, онгли яшаш тарзи жиддий хавф остида қолмоқда. Энг ёмони, бундай маънавий хуружларнинг пировард оқибати одамни ўзи туғилиб ўсган юрти ва халқидан тонишга, ватанпарварлик туйғуларидан маҳрум этишга ва ҳамма нарсага лоқайд бўлган шахсга айлантиришга қаратилган. Худбинлик ва лоқайдлик, маҳаллийчилик, коррупсия ва манфаатпарастлик, бошқаларни менсимаслик, ҳасад, сотқинлик сингари иллатлар ҳам маънавий тажовузлар таркибига киради. Шу сабабдан ҳам Ислом Каримов: “Ҳар қайси эл, ҳар қайси юрт четдан келадиган ёвуз офатдан кўра, ўз ичидан чиқадиган сотқин, имонсиз, ўзининг манфаатини ҳамма нарсадан устун кўядиган, керак бўлса, энг яқин кишиларини ҳам сотадиган, ўзини ўстирган, вояга етказган она юртига қўл кўтарган қабиҳ кимсалардан ниҳоятда эҳтиёт бўлиши керак”, дея бизни бежиз огоҳликка чорламаган.

МАЪНАВИЙ ТАРБИЯ масаласида ҳушёрлик ва сезгирлик, қатъият ва масулият йўқотилса, бу ўта муҳим иш ўз ҳолига, ўзибўларчиликка ташлаб қўйилса, муқаддас қадриятларга йўғрилган ва улардан озикланган минглаб йиллик миллий-этник асосларга эга маънавият, тарихий хотирадан айрилиб, охир-оқибатда умумбашарий тараққиёт йўлидан четга чиқиб қолиши мумкин.

ИШОНЧ 1. эътиқод, ҳақиқат, ишониш. (Ишонч б-н қарамок). 2. Умид қилинган, суянилган шахс ёки нарса. (Келажакка ишонч б-н қарамок). (Дўстининг садақатига ишонч б-н қарамок.)

Ишонч - бошқа шахс ҳаракатларига ва унинг ўзига инсон сифатида ишончни билдириб, бу одамнинг ҳақлиги, виждонан поклиги, диёнати ва садақатига асосланади. Ишонч - шахс маънавий фаолиятининг ратсионал негизи бўлиб, қиладиган ишнинг ҳақлигига, зарурлигига ва мақсадга мувофиқлигига ишонган ҳолда қилинган онгли ҳаракатда намоён бўлади. Комил и. - ўзининг ҳатти-ҳаракатлари ва фикрлари ҳақлигига қатъий ишонч, муносабати эътиқодли бўлган одамнинг ушбу ишга субъектив муносабати.

СОҒЛОМ АВЛОД – 1) дард-касалдан холи авлод. 2) зарарли таъсирлардан, салбий хислат, иллат ва шу кабилардан холи, тоза, пок авлод; 3) мафкуравий, маънавий жиҳатдан тоза, соғлом фикрли авлод. С.а.–соғлом насли, жисмоний бақувват, руҳи тетик, фикри тиниқ, иймон-эътиқодли, маънавиятли, мард ва жасур, ватанпарвар шахс. Соғлом боланинг туғилиши, энг аввало, онанинг соғлигига боғлиқ. Соғлиғи ночор, хўрланган, изтироб

чеккан онадан соғлом фарзанд туғилмайди. Соғлом боланинг дунёга келиши отанинг ҳам қони тоза, тани ва руҳи соғлом бўлишига боғлиқ. Шу б-н бирга она ҳам, ота ҳам соғлом ва аҳил, барқарор бўлиши керак. Барқарор оила бўлмаса, мустаҳкам жамият ҳам, истикболи порлоқ миллат ҳам бўлмайди.

Соғлом авлод деганда, биз фақатгина жимонан бақувват, соғлом фарзандларни эмас, балки, маънавий бой авлодни, ақлий ривожланган, ахлоқий пок, маърифатли яъники Шарқона ахлоқ-одоб ва умумбашарий ғоялар руҳида камол опган инсонни тушунамиз

МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ҚАДРИЯТЛАР – маънавиятга ва ахлоққа дахлдор бўлган қадриятлар. Фанда мавжуд бўлган таснифларга кўра қадриятлар моддий ва маънавий турларга бўлинади. М.а.қ. ёшларни ўзини ўзи тарбиялашга ундайди. Улар ўша қадриятлар ва идеалларга муносиб бўлиш учун интиладилар.

Ёшларда м.а.қ. шаклланиши жараёнида икки хил ҳолат кузатилади. Улардан биринчисида м.а.қ. ёшлар томонидан онгли тарзда изланади. Улар ўзларида мавжуд бўлган маънавий-ахлоқий меъёрлар ва мезонлар ҳақидаги тушунчалар асосида ва уларга мос келадиган қадриятларни ва идеалларни излашади. Бундай усул ёшларнинг маънавий-ахлоқий изланишдаги фаоллигини оширади. Мутахассислар фикрича, “идеалда юксак ва олийжаноб ният, инсонни мудом ўзига чорлаб, уни тинмай изланишларга, ҳар қандай тўсиқларга чидаб яшашга ундайдиган мафтункор ғоя, тасаввур образ бор”.

САЛОҲИЯТ – бу истеъдоднинг бир тури бўлиб, инсон ўзини муайян тарзда унга келадиган илҳомни қабул қилишга тайёрлагандан сўнг юз берадиган жараёндир. Тасаввуф намояндалари — сўфийлар хонақоҳларда мудом ўтириб, узлатга чекиниб ўзларини ана шу тарзда тайёрлашган. Юксак ақл-истеъдод эгаларини салоҳиятли кишилар дейилади. С. сўзи киши ёки жамиятнинг ички имкониятлари, ҳали тўла намоён бўлмаган куч-қуввати маъносида ҳам ишлатилади.

МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ЭҲТИЁЖ - Маънавият инсонни муайян мақсад сари етаклайди, унда келажакка ишонч уйғотиб, куч ва қудрат бахшида этади. Маънавиятнинг мазмун жихатидан серқирра ва кенг кўламлилиги инсон маънавий камолоти жараёни чексиз эканлигини кўрсатувчи асосий омил-унинг ривожланиш имкониятларидир. Жамият эҳтиёжи ва имкониятларига қараб ҳар бир тарихий давр, вазият, шароитлар тақозо қилган ҳолда маънавиятнинг янги шакллари ва мезонлари вужудга келади. Бу шакллар ва мезонлар сунъий равишда эмас, балки тарихий таракқиётнинг муйян босқичларида инсон камолотининг янги йўналишларига бўлган имконият ва эҳтиёжларнинг ифодаси сифатида таркиб топади.

ХУЛОСА

Таълим-тарбия соҳасида фаолият юритаётган кадрларни юксак маънавиятга, ўз мустақил фикрига эга бўлиши мамлакатимизда демократик фуқаролик жамиятнинг барпо этишнинг асосий пойдевори хисобланади. Таъкидлаш керакки жаҳон тараққиётининг ҳозирги босқичи ғоявий хуружлар табора кучайиб бораётганлиги билан характерланади. Шу маънода бугунги кундаги таълим ва тарбия билан шуғулланувчи ҳар бир шахснинг мафкура соҳасидаги саводхонлигини ошириш бугунги куннинг объектив заруриятига айланиб бормоқда. Зеро, кадрлардаги юксак маънавият ва кучли мафкуравий иммунитетгина бугунги кундаги жамият ва давлат олдида турган вазибаларнинг муваффақиятли ҳал этилишида асосий роль ўйнайди.

Халқ таълими вазирлиги Мактабгача таълим муассасалари ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш республика ўқув-методика маркази томонидан «Миллий ғоя ва маънавият асослари» фанини ўрганиш модули бўйича яратилган ушбу ўқув-услубий мажмуада ҳам бевосита юқорида айтиб ўтилган масалалар ҳисобга олинган. Ўқув-услубий мажмуа бевосита тингловчиларнинг бу фанга осон кириб боришлари, таълим жараёнида ўз фикр ва мулоҳазаларини билдиришлари, олган билимларини кўникма ва малакага айлантиришлари учун нисбатан қулай йўналишда ишланди. Унда замонавий педагогик технологиялар ва ахборот коммуникацион технологияларини қўллаш ҳисобга олинди. Жумладан, ўқув-услубий мажмуани яратишда «Миллий ғоя ва маънавият асослари» фани бўйича мактабгача таълимга муассасалари тингловчиларига қўйиладиган Давлат талаблари, фаннинг ўқув дастури, «Миллий ғоя ва маънавият асослари» фанининг маъруза ва амалий машғулотлари бўйича таълим технологиялари, кўргазмали такдимот слайдлари, фан юзасидан савол-жавоблар, тестлар ҳамда глоссарий ишлаб чиқилди. Ундан ташқари ўз устида бу фан бўйича янада кучлироқ изланиш олиб бораман, мустақил билим оламан деган тингловчилар учун ушбу фанга оид фойдаланилган адабиётлар ва интернет веб-сайтларининг рўйхати ҳам илова қилинди.

Ўқув-услубий мажмуанинг замон талабларига мос ҳолда бундай шаклда ишланишидан кўзланган мақсад «Миллий ғоя ва маънавият асослари» фани бўйича мактабгача таълимга муассасалари тингловчиларида миллий ғоя ва мафкура соҳасидаги билимларни янада бойитиш ҳамда ушбу билимларни бевосита амалда, ёш авлодни юксак маънавиятли, ватанпарвар, мустақил фикрга эга қилиб тарбиялашда ишлата олишга ўргатишдан иборатдир.

Фойдаланилган адабиётлар ва интернет веб-сайтлари рўйхати

Расмий манбалар.

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т.: “Ўзбекистон”, 2015.
2. Ўзбекистон Президентининг 2001 йил 18 январда қабул қилинган «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» фани бўйича таълим дастурларини яратиш ва республика таълим тизимига жорий этиш тўғрисида»ги Фармойиши. «Маърифат», 2001 йил 20 январь.
3. Ўзбекистон Президентининг 2006 йил 25 августда қабул қилинган «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Қарори. «Халқ сўзи», 2006 йил 26 август.
4. “2015 йил – Кексаларни эъзозлаш йили” Давлат дастури. «Халқ сўзи», 2015 йил 22 февраль.
5. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Т.: “Ўзбекистон”. 1992.
6. Каримов И.А. “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” – Т.: “Ўзбекистон”, 1997.
7. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз-келажак йўқ. Т., “Ўзбекистон”. 1998.
8. Каримов И.А. Жамиятимиз мафкураси халқни халқ миллатни миллат қилишга хизмат этсин. Т.: “Ўзбекистон”, 1998.
9. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда Т.: “Ўзбекистон”, 1999.
10. Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси. Т.: «Шарқ», 1999.
11. Каримов И.А. «Миллий истиқлол мафкураси - халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир» «Фидокор» газетаси 2000 йил.
12. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: “Маънавият”, 2008.
13. Каримов И.А. “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” Т.: “Ўзбекистон”, 2011.
14. Каримов И.А. “Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш энг олий саодатдир”. Т.: “Ўзбекистон” 2015.

Асосий манбалар.

1. Азизхўжаев А.А. Давлатчилик ва маънавият. -Т.: «Шарқ», 1997.
2. Жўраев Н.Қ. Агар огоҳ сен. Т.: “Ёзувчи” 1999.
3. Ҳ.Тожиёв. Миллий мафкуранинг назарий ва методологик масалалари. – Т.: “Меҳнат”, 1999.
4. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. -Т.: «Ўзбекистон», 2001.
5. Сильнов А., Лунев В., Петрищев В. Концептуальные основы обеспечения антитеррористической защиты объектов науки и промышленности и современные формы участия государства в соответствующей деятельности // Социальные и психологические проблемы борьбы с международным терроризмом.-М.: «Наука», 2002.
6. Азизхўжаев А. Чин ўзбек иши. -Т.: «Академия», 2003.

7. Кудрявцев В. Предупреждение терроризма// Общественные науки и современность.-М.: «Наука».-2004.
8. Эргашев И. Набиев Э., Комилов Н. ва бошқа. Миллий истиқлол ғояси: Ўзбекистон Республикаси Олий таълим бакалавриат босқичи учун дарслик. -Т.: «Академия», 2005.
9. Муҳаммедов Ғ.,Очилов С., Ҳайдаров М., Исмоилова З., Нурмухаммедова Л. Бола тарбияси концепсияси. Т.: “Ўқитувчи”, 2006.
10. Мустақиллик: Изоҳли илмий-оммабоп луғат. Муаллифлар: М.Абдуллаев ва бошқалар. – Т.: «Шарқ», 2006.
11. Бекмуродов А.Ш. Маънавий-маърифий фаолият: устувор масалалар ва инновациялар. - Т.: ТДИУ, 2008.
12. Жумаев Р. Давлат ва жамият: демократлаштириш йўлида.-Т.: “Шарқ”, 2008.
13. Каримов И. Ноосфера: гиосиёсат ва мафкура. Т.: “Шарқ”, 2008.
14. М.Қаршибоев, С.Нишонова, О.Мусурмонова, Р.Қўчқоров. “Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари”, 7-синф. Т.: “Маънавият” 2011.
15. Р.Қўчқоров, С.Нишонова, О.Мусурмонова, М.Қаршибоев. “Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари”, 8-синф. Т.: “Маънавият” 2011.
16. Ойинса Мусурмонова, Муртазо Қаршибоев, Раҳмон Қўчқоров. “Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари”, 9-синф. Т.: “Маънавият” 2011.
17. Умаров Б. “Ғарб тамаддуни: инкироз аломатлари”. “Тафаккур” журнали, 2/2007.
18. Шамсиева И. “Ёш авлод маънавий ривожига интернетнинг таъсири ва ахборот психологик хавфсизлик муоммоси”. “Ижтимоий фикр-инсон ҳуқуқлари” журнали №1, 2007.
19. Абдуллаева Н. “Интернет «Жиддий ўйинчокми?»”. “Туркистон” газетаси 2006 йил 15 май № 21 (14933)
20. Н.Сайидахмедов. Президент Ислом Каримовнинг “Юксак маънавият – энгилмас куч” номли асарини олий таълим муассасаларида ўқитиш технологияси. Т.: “Info capital Group”, 2011.
21. Ш.Ғоибназаров. Оммавий маданият.Т.: “Ўзбекистон”, 2012.
22. “Маънавият – қалб қуёши” (маълумотнома) Т.: “Ўқитувчи” 2014.
23. “Глобаллашув. Оммавий маданият. Миллий ғоя” Т.: “Маънавият” 2014.

Интернет сайтлари

1. [www. lex. uz](http://www.lex.uz).
2. www. gov. uz
3. www. press - service. uz
4. www. bilim. uz
5. www. kitob. uz
6. www. referat.uz

